"Vatan tuyg'usi" kitobida yozilishicha, "vatanparvarlik, umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik, ularni asrab-avaylash bilan birga yangi zamon talablariga mos ravishda takomillashtirib boorish-taraqqiyot mezoni, milliy ravnaq asosi. Bunday ruhiyatdagi odam hech qachon birovga tazyiq qilmaydi, shafqatsizlik va zo'ravonlik kab g'ayriinsoniy illatlarga hamisha nafrat bilan qaraydi. O'z tabiatiga mos ravishda bag'ri keng va muruvvatli bo'ladi".

Darhaqiqat, vatanparvarlik tuyg'usi – insonlarning insonlarga nisbatan mehr-oqibatliligi, saxovatliligi, muruvvatliligi, boshiga og'ir kun tushganda hamdardlik demakdir. Oynisa Musurmonovaning ta'kidlashicha "vatanparvarlik insonning ezgu fikri, ezgu amaliy birligidir. Insonparvarlik – ona zaminda yashayotgan millatidan, dinidan, ijtimoiy ahvolidan qat'i nazar barcha insonlarga nisbatan g'amxo'rlikdir".

Pedagogik olimlarimiz to'g'ri ta'kidlashganidek, vatanparvarlik kasbi "Vatanni sevish, u bilan g'ururlanish, ona yurt erishgan muvaffaqiyatlardan quvonish, uning istiqboli uchun qayg'urish kabi his-tuyg'ularda yorqin namoyon bo'ladi".

"Vatanparvarlik vatanga nisbatan sadoqat bilan xizmat qilish, uni dushmanlardan himoya etish, yurt tinchligini asrash, uning ozozdligi, mustaqilligi, ravnaqi va farovonligi uchun kurash, milliy manfaatlarni himoya qilishda ko'rinadi.

Vatanparvarlik - ona zaminga muhabbat, uni sevish, e'zozlash, vatan ravnaqiga har bir fuqaroning o'z hissasini qo'shishga erishishi. Vatanparvarllik-o'zbek xalqining madaniy meroslari, san'at, me'morchilik yodgorliklariini asrab-avaylash, uning tarixi va bugungi kundagi ahamiyatini bilish.

Vatanparvarlik - kishining tug'ilib o'shan, kamol topgan joy, zamin, o'lkaga bo'lgan muhabbbatini, munosabatlarini ifoda etadigan ijtimoiy va ma'naviy-axloqiy xislatlari, fazilatlaridir.

Vatanparvarlik insonning o'z Vataniga muhabbatini va uni asrashga bo'lgan intilishini anglatadi. Ota-bobolarimiz, ulug' ajdodlarimiz va allomalarimiz Vatanga muhabbat va sadoqatini ifoda etish borasida ajoyib namunalar ko'rsatganlar. Jumladan, yurtimiz dovrug'ini dunyoga taratgan buyuk ajdodimiz Najmiddin Kubroning jasorati Vatanga fidoyilikning yorqin misoli bo'la oladi. Bu yurtdoshimiz Vataniga mo'g'ullar bosqinidan xabar topib, birinchilardan uning himoyasiga otlanadi.

Najmiddin Kubroning xalq orasidagi obro'-e'tiborini nazarda tutib, mo'g'ullar hukmdori unga shaharni tashlab, o'zi ihtiyor qilgan tarafga ketishini taklif etadi. O'z jonini saqlab qolish yo'lida Vatanini dushmanga topshirishni or deb bilgan alloma bsqinchilarga qarshi jangga kiradi va mardlarcha tug' ko'tarib, lashkarni olg'a chorlab borayyotgan holatda halok bo'ladi. U tug'ni shunchalar jon-jahdi bilan ushlagan ediki, bayroqni allomaning qo'lini kesib ajratib olganlar.

"Vatanni sevmoq iymondandir", degan hikmat bejiz aytilmagan. Demak, insonning o'zi tug'ilib o'sgan joyi, yurti, yor-do'stlari va yaqinlarini bog'lovchi Vatanini sevishi, ardoqlashi iymon ifodasidir. Shunday ekan, Vatanga muhabbat qo'yish, uni ardoqlash, asrash, uning ravnaqi yo'lida kuch-g'ayrat sarflash barchaning farzandlik burchidir.

Shunday ekan, boshlang'ich ta'limda o'quvchilarning vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirish ta'lim mazmunini takomillashtirishda muhim o'rin tutadi. Bu jarayonda kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning vatanparvarlik, insonparvarlik va axloqiy ko'nikmalari malakalari ma'lum darajada shakllangan bo'ladi.

Sanab o'tilgan bu sifatlarni kichik maktab yoshidagi o'quvchilar ongiga singdirish uchun quyidagi shart-sharoitlarga amal qilish zarur:

-o'quvchilarda vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirishni ijtimoiy hayot sharoitlari blan bog'lab olib borishh;

-o'quvchilarni ijtimoiy yo'naltirish, ijtimoiy faolligini oshirishga qaratilgan amaliy faoliyatini tashkil etish;

-ijtimoiy onglilik ijtimoiy hayot vaziyatlaridan to'g'ri yo'l topib chiqa olish ma'naviyatlilik, komillik belgisi ekanligini tushuntirish;

-o'quvchilarda vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish, ijtimoiy faol etib tarbiyalashda boshlang'ich ta'limdagi fanlarning imkoniyatlaridan foydalanish;

-dars va darsdan tashqari jarayonidagi ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar, tarbiyaviy ishlar uzviyligini ta'minlash;

-aniq faktlar va dalillarga ega bo'lgan misollar asosida vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish va h.k.

Ushbu fikrlarning xulosasi o'rnida shuni ta'kidlash mumkinki, demokratik jamiyat qurayotgan bir sharoitda boshlang'ich ta'limda kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish muhim ahamiyatga ega. Shu munosabat bilan boshlang'ich ta'limda o'quvchilarning vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirishda ularda ijtimoiy munosabatlarga faol kirishish, o'z-o'zini anglash, milliy qadriyatlarni bilish kabi ko'nikma va malakalarini rivojlantirish muhim sanaladi.

Chunki, rivojlannish boshlang'ich ta'limda o'qitiladigan barcha fanlarning integratsiyalashayotgan, huquqiy demokratik davlat qurishga intilayotgan O'zbekiston Respublikasida ushbujarayonda faol ishtrok eta oladigan, o'z mustaqil fikriga ega, g'oyaviy jihatdan yetuk o'quvchilarni tarbiyalash ta'lim tizimidagi dolzarb muammolardan sanaladi. Bugungi kunda boshlang'ich ta'limda o'quvchilarni "ommaviy madaniyat", diniy ekstrimizm,giyohvand singari salbiy illatlarga nisbatan immunitetni tarkib toptirish, ta'lim sohasida muhim ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni va tarbiyaviy ishlarni tashkil etish, shu asosda kichik maktab yoshidagi o'quvchilarni vatanparvarlik, vatanparvarlik tuyg'ulariga ega bo'lgan,salbiy illatlarga qarshi faol kurasha oladigan etib tarbiyalash davr talabidir.

Demak, vatanparvarlik tuyg'usi kishilardagi ijobiy xislat bo'lib, Ozod va Obod Vatan, Erkin va farovon hayot qurishdek jarayonning faol ishtirokchisi bo'lishni talab etadi. Shuning bilan birga vatanparvarlik tuyg'usi nafaqat vatanni asrash,uni sevish,balki ijobiy ta'sir etuvchi faoliyati va qahramonlikmnamunasi hamdir.

Shuni aytish kerakki, boshlang'ich ta'lim o'quvchilarda hayotidagi dastlabki tizimli ravishda ta'lim va tarbiya berish bosqichidir. Chunki, boshlang'ich ta'limda o'quvchilarga ta'lim berish bilan birga ularning ongi, vatanparvarlik tuyg'ularining shakllanishida ham muhim davr hisoblanadi.

Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning vatanparvar, sofdil va adolatli, rahmdil, o'z vatanning jonkuyari, axloqiy fazilatlarishakllanishi boshlang'ich ta'limdagi egallagan bilimi va tarbiyalanishiga bog'liq. Shunga ko'ra boshlang'ich ta'lim oldida turgan vazifa o'quvchilarga bilim berish bilan birag murakkab tarbiyaviy ishlarni amalga oshirishlari lozim. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarni vavtanparvar shaxs bo'lib shakllanishidaboshlang'; ich ta'llimmuhim rol o'ynashi ajralib turadi.

Vatanparvarlikni shakllantirishda o'quvchining faoliyati muhim o'rin tutadi. Ya'ni, o'quvchi o'z faoliyatida tahlil va tafakkur qilishi bilan katta ahamiyatga ega. Demak, vatanparvarlikni shakllantirishda unga mos sharoit yaratuvchi muhit va tarbiyaning roli nihoyatda yuksak.

Xulosa qilib aytganda, hozirgi kunda, boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari oldida muhim vazifalardan biri vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish uchun qulay muhit yaratish, o'zini-o'zi tarbiyalash, iroda va ishonch tuyg'ularini ular ongida shakllantirish bo'lib hisoblanadi. Shundagina bugungi ta'lim tizimi oldida turgan kichik maktab yoshidagi o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash kabi muhim masalalar o'z yechimini topadi. Bunday faoliyatga tayyorlash avvalo boshlang'ich ta'lim o'qituuvchilarining zimmasiga katta mas'uliyatlar yuklaydi.

Adabiyotlar

1. Ochilova B.Milliy-manaviy yuksalishda meros, qadriyatlar va vorislik. - Toshkent: «Istiqlol», 2009.
2. Bobomirzayev H. Xalq og'zaki ijodi va ta'lim-tarbiyaning samaradorligi.ЙИЛИ КЎРСАТИЛМАГАН?
3. Mahkamov U.I. O'quvchilarning axloqiy madaniyatini shakllantirish muammolari. –T.: "Fan" 1995.
4. Mahkamov U.I. Axloq odob saboqlari. –T.: "Fan" 1994.
5. Mavlonova R.A. O'quvchilarning milliy ma'naviyatini shakllantirishda boshlang'ich ta'limning o'rni.
6. O'rta Osiyoda pedagogik fikr taraqqiyotidan lavhalar. –T.: "Fan" 1996.

REZYUME

Maqolada hozirgi kunda, boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari oldida muhim vazifalardan biri vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish uchun qulay muhityaratish, o'zini-o'zi tarbiyalash, iroda va ishonch tuyg'ularini ular ongida shakllantirish haqida soz boradi. Shuningdek, bugungi ta'lim tizimi oldida turgan kichik maktab yoshidagi o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash kabi muhim masalalar talqin qilingan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается одна из главных задач, стоящих сегодня перед учителями начального образования, как создать благоприятные условия для развития патриотических чувств, самообразования, формирования силы воли и уверенности в себе. Обсуждается также важность патриотического воспитания младших школьников, являющимся актуальным в современной системе образования.

SUMMARY

One of the main tasks facing primary education teachers today is how to create comfortable conditions for the development of patriotic feelings, self-education, the formation of willpower and self-confidence. The author also discuss the importance of patriotic education for younger students that is considered to be actual in the modern education system.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК МОНИТОРИНГНИНГ АҲАМИЯТИ

Г.Қ.Каримова – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*

Тошкент шахар халк таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш худудий маркази

Таянч сўзлар: педагогик мониторинг, шахсга йўналтирилган таълим, мониторинг, таълим-тарбия, кузатиш, назорат, таҳлил, инновация.

Ключевые слова: педагогический мониторинг, личностно-ориентированное обучение, мониторинг, воспитательный, наблюдение, анализ, контроль, инновация.

Key words: pedagogical monitoring, person-oriented education, monitoring, educational, observation, analysis, control, innovation

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим муассасалари таълимини ривожлантиришнинг асосий мақсади таълимнинг ички тузилишини мазмунан такомиллаштиришдан иборат. Бу йўналишни татбиқ этишнинг зарурий шартларидан бири таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар яъни, таълим жараёнининг шахсга йўналганлиги ва индивидуаллаштирилиши, таълим муассасаларининг хилма-хиллиги ва таълим дастурларининг янгилиги, инновацион жараёнларни фаол қўллаб-қувватлаш ва жамиятнинг таълим фаолияти, таълимни ривожлантиришда фаол иштироки саналади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Таълим соҳасини ривожлантириш, хозирги давр талабига мослаштириш, эҳтиёжлар асосидаги таълим жараёнини ташкиллаштириш асосий мақсадимиздир.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” [1].

Таълимни ривожланиши ва таълим-тарбия мақсадларига эришишда, шахсга йўналтирилган ўқувчини таълим ва тарбия объектидан унинг субъектига айлантириш орқали янада муваффақиятли бўлади, бу эса, педагогик технологияларни тўғри танлаш билан белгиланади.

Шахсга йуналтирилган таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса, таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутади [2].

Ватанимиз таълимида шахсга йўналтирилган парадигманинг юзага келиши педагогика фанининг ривожланишига туртки бўлади. Педагогика фанининг тили тушунчалар ва атамалар билан бойиди. Улардан кўпчилиги таълим амалиётида оммавий қўлланилиши натижасида ўзининг мавжуд бўлиши ҳуқуқига эга эканлигини исботлади.

XVIII асрнинг охири-XX асрнинг бошларида «мониторинг (лотинча monitor-айнан: эслатувчи, кузатувчи) фақатгина педагогика соҳасида ишлатилган. Буюк Британия, АҚШ, Франция, Бельгия ва Россияда ўзаро ҳамкорлик тарбия мактабларида (Белл-Ланкастер тизими), ўқитувчининг ёрдамчиси бўлмиш катта ўқувчини, ушбу ном билан атаганлар. Техникани тараққиёт қилиши билан “монитор” (лотинча monitor – олдини олувчи сифатида талқин қилина бошлаган).

Мамлакатимиз олимларининг олиб борган илмий тадқиқот ишларида қуйидагича фикрлар келтирилган. Масалан, Р.Қ.Каримовнинг “Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти мониторингини таъминлашнинг педагогик асослари” номли илмий тадқиқот ишида “Мониторинг – инглизча атама бўлиб, “узлуксиз кузатиш” деган маънони англатиб, педагогик фаолият мазмунини узлуксиз таҳлил этиб бориш, унинг янада такомиллашувини олдиндан билишни таъминловчи тизим ҳақида ахборот тўплаш, умумлаштириш, қайта ишлаш, уларни сақлаш, оммалаштириш ва ўқувчилар билимидаги мавжуд бўшлиқларни аниқлашга қаратилган фаолият ҳамда мақсад ва режаларни рўёбга чиқаришда холис баҳо берувчи мезондир” деб таъриф берилган [3].

“Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш” номли М.М.Вахобовнинг илмий тадқиқот ишида “Ўқитиш сифати мониторинги” – таълим мақсадлари ва эришилган натижаларнинг ўзаро мувофиқлигини ҳамда уларга таъсир этган омилларни аниқлаш, ўқув-тарбиявий жараёнини коррекциялаш ва кейинги ҳолатини башоратлаш имконини берувчи педагогик жараён, яъни ўқитиш сифати мониторинги таълим жараёнини барча иштирокчиларини таълим хизматлари сифати, ўқув-тарбия тизимининг моддий-методик таъминоти, бошқарувнинг ҳуқуқий-меъёрий, стратегик, технологик ташкилий жиҳатлари, уларни такомиллаштириш бўйича, изчил, мақбул маълумотлар билан таъминлайдиган педагогик ҳодиса”-деб ҳисоблайди [4].

М.М.Вахобовнинг фикрича, ўқитиш сифати мониторинги педагогик тизим фаолияти, ҳолати ва унинг ривожланишини башорат қилиш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда қарор қабул қилиш имконини берувчи фаолият туридир.

Юқоридаги келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, мониторингни амалга оширишда қуйидаги функциялар ва босқичларни бажарилиши кўзда тутилади:

Мониторинг қуйидаги функцияларни бажаради:

– ахборот, яъни мониторинг объекти ҳолатини назорат нуқталари ва якуний натижалари билан белгиланган муддатларда (мониторинг жадвали ва дастури асосида) диагностик - истиқболли кузатув;

– ташкилий - фаолиятли, яъни таълим мақсадлари ва уларни амалга ошириш воситалари, ёки бажараётган вазифаларни коррекция қилиш ёки педагогик тизимларни кейинчалик ривожланиши истиқболларини белгилашнинг оптимал йўлини танлаш бўйича бир қарорга келиш учун ахборотларни даврий равишда мақсадли йиғиш, умумлмштириш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш;

– истиқболли - педагогик тизимларда содир бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг кейинчалик ривожланишини қисқа муддатли истиқболини белгилаш;

– назоратловчи – баҳоловчи - амалга оширилган педагогик ҳаракат самарадорлигини ва педагогик тизимнинг якуний мақсадларига тўлиқ эришишни назорат қилиш ҳамда баҳолаш[5].

Мониторингни технология сифатида кўриб чиқишнинг моҳияти – уни кузатиш мақсадига (кузатиш, назорат, ўрганиш, тадқиқот қилиш, баҳолаш) эришишни кафолатлайдиган технологик жараён сифатида конструкция қилишдан иборат.

Мониторинг, технологик жараён сифатида, бир неч-та босқичлардан иборат.

Тайёргарлик босқичи.

Мониторингнинг бошланғич босқичида, аввалам-бор, қуйидагиларни бажариш лозим:

-унинг объектини аниқлаш;

-мониторинг объектини кузатишдан (назорат қилиш, ўрганиш, тадқиқот қилишдан) мақсад ва кутиладиган якуний натижаларни аниқ белгилаб олиш, чунки кейинги ҳаракатларнинг мазмуни айнан шунга боғлиқ;

-мониторинг объектининг параметрлари, кўрсаткичлари ва мезонларини аниқлаш;

-инстументларни, яъни ахборотларни йиғиш ҳамда қайта ишлаш усуллари ва воситаларини танлаш.

Мониторинг ўз-ўзидан муҳим эмаслиги билан характерли бўлиб, у, маълум бир педагогик вазифани ечишни таъминлайди ва айнан, шундан келиб чиққан ҳолда, инструментарий танланади.

Шундан сўнг, қуйидагилар аниқланади

-ўлчовларнинг хронологик чегаралари, ўлчаш муддатлари ва даврийлиги;

-бажарувчилар, яъни ахборотни йиғувчилар.

Бажариш босқичи.

Бу, мониторинг жараёни ҳисобланиб, қуйидаги кетма-кет амалларни ўз ичига олади:

- фактларни рўйхатга олишни;

- танланган усул ва воситалар ёрдамида маълумотларни йиғишни;

- олинган натижаларни тезкор ва сифатли қилиб қайта ишлашни.

Умумлаштирувчи босқич.

Бу, мониторингнинг якунловчи босқичи. Унинг операцияларини бажариш тартиби қуйидагича:

-ахборотни умумлаштириш ва тизимлаштириш;

-барча ўлчовлар натижасида маълумотлар базасини яратиш;

-мониторинг объектлари ҳолати динамикасини ва анъаналарини топиш;

-тизим (жараён) ҳолатини аниқловчи сабабли - оқибатли боғлиқлини белгилаш ва таҳлил қилиш;

-педагогик тизимларни яхлитлигича ва бажарилган (жумладан педагогик) хусусиятларни баҳолаш;

-аниқ эришилган ютуқларни аниқлаш.

Олинган маълумотлар оптимал стратегик ёки тактик қарорга келиш имкониятини беради. Ушбу қарор

қуйидагилар билан боғлиқ бўлиши мумкин:

-бажарилаётган вазифаларни аниқлаш ва зарурат бўлса, уни тузатиш, педагогик тизимларни яхлитлигича ва педагогик ҳаракатларни, хусусан коррекция қилиш;

-педагогик тизимларни кейинчалик ривожланишини истиқболини белгилаш;

-таълим мақсадларини ва уларни амалга оширишни оптимал воситаларини танлаш.

Маълумки, педагогик фаолиятнинг мақсади "устозлик қилиш", яъни бир томондан билим ва кўникмаларни ривожлантириш, бошқа томондан кимгадир бир яхши нарсани "ўргатиш". Шу мақсадда, ўрганиш жараёнини бошқариш учун кузатиш ташкил қилинади ва назорат амалга оширилади. Масалан, таълим жараёнининг мантиқи бизга тадқиқ қилинаётган тушунчанинг ажратиб кўрсатилган лексик маъноларига таяниб мониторингни ҳосил қилувчи хатти-ҳаракатларнинг бирор кетма-кетлигини кўриш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, таълим мониторинги, жамиятдаги объектив ижтимоий-педагогик вазият ва педагогик жамоаларнинг таълим тизимларини ислоҳ қилишга тайёрлиги, таълим-тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, технологияларини ўзгартиришга қаратилган инновация жараёнларининг педагогик ёрдамчисига айланмоқда.

Педагогик мониторинг тизимини таълим муассасаси структураси ичига киритишни бошқариш ҳам да ўқув муассасаларининг инновацион иш режимига ўтиши ҳисобланади. Инновацион жараён орқали умумий ўрта таълим муассаса ривожланиши амалга ошади. Бунда инновацион жараён комплекс фаолият ҳисобланади ва у ўзлаштириш, қўллаш, янгиликни тарқатиш фаолиятини бажаради ва шу билан мактабнинг ривожланишини шартлайди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017, 48-б.
2. Кульневич С.В. Менеджмент профессионального самоопределения: ценностно-смысловой аспект: Учебно-методическое пособие. - Воронеж: 1998. -С. 196.
3. Каримов Р.Қ., Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти мониторингини таъминлашнинг педагогик асослари. Пед. фан. ном. Диссер. – Тошкент: 2006, 17-б.
4. Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш. Пед.фан.докт. диссер. -Т.: 2016, 45-б.
5. Каримова Г.К. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторингнинг муҳим жиҳатлари. // Халқ таълими. – Тошкент: 2017, №4. 52-55-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим жараёнида педагогик мониторинг мазмуни ва моҳияти, мониторингни амалга ошириш босқичлари ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлена информация о содержании педагогического мониторинга и этапах мониторинга в процессе личностно-ориентированного обучения в образовательных учреждениях.

SUMMARY

The article provides information on the content of pedagogical monitoring and the stages of monitoring in the process of person-centered teaching in educational institutions.

ХАЛЫҚ ПЕДАГОГИКАСЫНДА ЖАСЛАРҒА АДАМДЫ ЕМЛЕЎ ТӘЖИРИЙБЕЛЕРИН ҮЙРЕТИЎ ДӘСТҮРЛЕРИ

А.Ж.Курбанбаева - *ассистент оқытыўшы*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлилик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: даво хусусияти, халқ медицинаси, илон, типратикон, табиат сирлари, оқсил, фермент.

Ключевые слова: целебные свойства, народная медицина,змея, ежи, загадки природы, белок, фермент.

Key words: healing properties, traditional medicine, snakes, hedgehogs, riddles of nature, protein, enzyme.

Халық педагогикасында жасларға беккем денсаўлық, руўхый тетиклик қәлиплестириў ушын көпғана изленислер алып барылған. Халық тәбиятқа жақын жасағанлықтан тәбият ҳәм адам машқаласын белгили дәрежеде тәбият пенен уйғынлықта түсиниўге ерискен. Халық педагогикасында сыйқыр менен тилсимге сүйенген халық емшилиги әйемги жәмийетлик раўажланыў дәўирлериндеги адамзаттың өзин қоршаған орталық, тәбият, өзи, өмир сыры ҳаққында әйемги болжаўлар менен дереклери.

Адам өз өмири менен әтрапындағы ҳәр түрли қубылысларды өз билимлерине сүйенип түсинбекши болады. Усындай әжайып қурамалы қубылыслардың бирине адамның аўрыўға шатылыўы оннан емленип тәўир болыўы ямаса қайтыс болыўы. Дени саў саламат жүрген адамның күтилмегенде аўрыўға шалынып жатып қалыў ямаса дүньядан көз жумыўы ҳәр дайым адамларды ойландырған. Усылай етип адамның аўрыў себебин сырын ашыўға адамзат ҳәр қашанда тырысты, оған жуўап изледи, тәбияттың сырлы ҳәдийселерин изертледи. Усы пикирлер тийкарында тәбияттың әлўан түрли тилсимли ҳәм сыйқырлы әлеми көз алдында турады [1].

Халық педагогикасына нәзер салып изертлеўлер тийкарында айтып өтетуғын болсақ адамзат тарийхында оның ой пикириниң раўажланып ен жайыўында тарийхый дереклер нәтийжесинде сыйқырлылық пенен тилсимлилик ҳаққындағы пикирлер кеңнен орын алған, әсирлер бойлап тамырын тереңге жайған. Философлар менен психологлар оның себебин изертлеп анықлады деген менен бизиң ой пикиримизше ол еледе жеткиликли тереӊ изертлеп анықлана қойылмаған сыяқлы. Халықымыз арасынан келип жеткен дереклерге тийкарланғанымызда сыйқыр менен тилсим әлеминде адамзатқа жәрдемши, болатуғын оған пайдасын тийгизетуғын оны қорғайтуғын ямаса оған зыянын тийгизетуғын, аўрыўға шалындыратуғын, зыянлық ислейтуғын күшлер бар деп есапланады. Булардың базылары жаман, руўхлар деп исенсе, жин, шайтанлар ислейди деп исенген. Халқымыздың бундай үрп-әдетлик аңызларды түсиниўин демонология деп атаған. Халық педагогикасы демонологиясында гезлесетуғын дереклерге жин, шайтан, жезтырнақ, албаслы, перилер киреди.

Халық педагогикасына тийкарланған дереклерде олар ҳәр түрли диний исенимлерден туўған. Айрымлары ески турпайы диний уғымлар менен байланыслы болса, айрымлары дүнья жүзине кеңенен тарқалған динлер менен байланыслы болады. Сонлықтан жин урып ямаса пери қақса адам аяқ астынан күтилмегенде ақылдан азып аўрыўға шалынатуғын болған. Халқымыз ерте гезде тиккелей медициналық илимниң тийкарын түсинбеген болсада сыйқыр ҳәм тилсимли емшилик

усыллары арқалы көплеген аўрыўларға қарсы тура алған, бундай кеселликлерди болдырмаў ушын сыйқыр ҳәм тилсимлер арқалы қарсы ис ҳәрекетлер ислеген. Халқымыздың ой пикир ҳәм ис ҳәрекети тийкарында келип шыққан бундай дереклер усы күнимизге шекем сақланып келинген [1]. Адамлар арасында ен жайған халық емшилигинде буның алатуғын орны бар. Буны биз халық педагогикасында сақланып киятырған батырлық жырларынан табамыз.

Халық педагогикасы тийкарында инсаннан-инсанға өтип киятырған қыссалардың, аңызлардың биринде егерде жүкли ҳаял жолбарыстың ямаса оғада қуўатлы басқада ҳайўанлардың жүрегине жерик болып оны жесе батыр болатуғын ул бала туўылады деп түсинилгенлиги ҳаққында мағлыўматлар келтирилген. Және де усындай дереклер тийкарында келип жеткен аңызлардың тағы бир түри адам жыланның тилин жутып алса ол теңи тайы жоқ тәўип болады деп түсинилген.

Халық педагогикасында жасларға медициналық тәлим-тәрбия бериўде жылан ҳаққында көплеген мағлыўматлар келтирилген. Халық медицинасы емшилигинде жыланның ең зәҳәрли ҳайўан болыўына қарамастан басы, тили, териси кеселликлерди емлеўде айрықша орынды тутады. Халқымыз ҳәр қашанда зәҳәрли зат белгили бир муғдардағы араласпасы инсан саламатлылығында тийкарғы орын тутатуғынын таллаў жасай алмасада түсине алған. Бул изленислер тийкарында ҳәзирги заман медицинасында жылан зәҳәри тийкарғы медициналық препарат есапланатуғынлығын яғный оғада баҳалы екенлигин жасларға үйретип өтиўимиз керек [3].

Жылан зәҳәриниң химиялық қурамы тийкарынан белок ҳәм ферментлер қурамынан турады. Усы химиялық қурам тийкарында жыланның зәҳәри булшық ет, сүйек системасы, жүрек қан тамыр системасы кеселликлеринде ҳәм организимдеги лейкоцитлердиң ис ҳәрекетинде жақсылаўда ем сыпатында ҳәзирги заман медицинасында пайдаланылады.

Бул дереклерди әййемги халқымыз билмеседе жыланның кебин, басын сыйқыр ҳәм тилсимли емшилик усылында пайдалана алған. Яғный, бул дереклердеги мағлыўматларға тийкарлансақ ерте заманлардан халқымыз жыланды дана санаған, жыланды әўлийе санап инсанларды жин-шайтанлардан қорғайды деп түсинип ески халық медицинасының емшилигинде пайдаланып келген. Тәбият емшилигине сүйенген халқымыз усылардың ишинде әсиресе жыланның кептирилген бас сүйегине айрықша кеўил аўдарған. Ол аппақ жылтыр көлеми шағым мойынға илип жүриўге қолайлы. Тәбият затларындағы емшилик қәсийетлерге исеним менен қараған халқымыз тәбияттағы ҳәр түрли көринислер менен келешектиде болжай алған. Бундай қубылыслардың бири ретинде қойдың жаўырын сүйегин мысал етип алсақ болады. Толық кеўип кеткен қойдың жаўырын сүйегин қуяшқа карата тутып қараса ҳәр түрли сызықлар көринеди усы сызықлар менен келешекти болжай алған, себеби жақты қуяшқа тутқан ҳалда одан қандайда бир белгилердиң сырын тапқандай болған. Усы көринислерден ҳәр түрли затлардың белгисин аңлап келешекти жүзеге асырған [2].

Сонлықтанда халық арасында жаўырын сүйекти қәсийетли кароматлы деп жаманлық ислерден қорғаныў ушын пайдаланған.

Халық педагогикасынан келип жеткен мағлыўматларға қарағанымызда халқымыз арасында кириптикенгеде айрықша кеўил бөлген. Кириптикенниң тикенек териси, бүркиттиң туяғы, үкиниң туяғы менен қабырғасы, ит-кустың тислери, қылыш пенен қанжар мине усы затлардың барлығын халқымыз жиншайтанлардан, зыянлы тилсим күшлерден, пәлекетлерден сақлайды деп есаплаған. Халқымыздың ески түсиниги бойынша әўлийелер менен арўақлар адамды жин шайтанның, албаслылардың, жез тырнақлардың жаманлығынан сақлайды, қорғаўшы болады, - деп есаплаған. Халқымыз арасында бундай түсиниклер ҳәзирги ўақытларда да айрым жағдайларда гезлеседи.

Жасларға медициналық тәлим тәрбия бериўде халықтың аўрыўды емлеў тәсирлери бойынша бизге жеткен, аўыз еки жазып алынған түсиниклерди қарастырғанымызда, емниң айрым түрлери ақылға сыймайтуғын бос қыял ҳәрекет сыяқлы көринеди. Бирақ, соның өзинде емлеў ҳәрекети ҳәр қаншанда булжытпай, ески дереклердеги ҳалатта орынланады. Себеби, сол ис ҳәрекетти усы күнге шекемгилер менен салыстырғанда түсиниксиз, орынсыз көрингени менен оның өз гезегинде мәниси бар. Бирақ, оның мәниси халықтың есинен шығып емлеўдиң тек ис ҳәрекети ғана сақланған. Сонлықтан, халық тәўиплери биреўди емлегенде өзиниң аўрыўы туўралы билгенине сәйкес бағдарлап жүргизеди, басқаның тәўиплик ис ҳәрекетин бақлайды соны есинде сақлайды.

Халық педагогикасында әййемнен баслап өз саламатлылығын қорғап жасаўға үйретиў айрықша орын ийелеген. Халқымыз тәбиятқа жақын жасағанлылықтан тәбият затлары жәрдеминде оларды емлеўдиң ҳәр түрли усыл дереклерин ойлап тапқан. Адамзат емлеў сырларын өз тәжирийбелерине сүйенген ҳалда ҳәм ҳәр түрли тәбияттағы қурамалы затлар менен қубылысларды тилисимли ем сыпатында пайдаланып инсанның емленип тәўир болыўын излестирген.

Халық педагогикасы дереклерине сүйенсең әййемги заманлардан-ақ, халық емшилиги философиялық ҳәм психологиялық дереклер менен байланыслығы нәзерге түседи. Халық педагогикасында жасларға ҳәр тәреплеме тәрбия бериўди әмелге асыра отырып, олардың кеселиликлерге шатылғанда булардан қутылыў жолларын билип жасаўынада дыққат қаратқан. Халық өз жасларының саў-саламат өсиўине түрли изленислер жүргизген. Ҳәзирги раўажланған медицина илиминиң тийкары, усы халық педагогикасындағы жасларды емлеў тәжирийбелеринен келип шыққан.

Әдебиятлар

1. Алдашев А., Әлимханов Ж. Қазақтың халық медицинасының қупиясы. -Алмата: «Қазақстан», 1992.
2. Шулембаев К.Ш. Народная медицина и ислам. –Алмата: «Қазақстан», 1998.
3. Курмуков А.Г., Белолипов И.В. Дикорастущие лекарственные растения Узбекистана. -Ташкент: "EXTREMUM PRESS", 2012.
4. Холматов Х.Х., Қосимов А.И. Русча-латинча-ўзбекча доривор ўсимликлар луғати. -Т.: Ибн Сино, 1992.

РЕЗЮМЕ

Мақолада халқнинг ёшларини эмлаш тажрибалари, айниқса, табиатдаги даво хусусиятига эга нарсалар билан даволаш масалалари сўз қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассказывается о практике экспериментов у народов которые лечатся в основном естественными веществами, обладающими целебными свойствами в медицине.

SUMMARY

The article is devoted to the issues problems of treament experience of the who are treated mainly people, with the natural things that have medical properties.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Д.Н.Маматов - *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Ж.О.Балтабаев - *катта ўқитувчи*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: олий таълим муассасаси, масофавий таълим, SMART-технология, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологиялари, «E-MINBAR» платформаси, электрон кутубхона.

Ключевые слова: высшее учебное заведение, дистанционное обучение, SMART-технологии, вебинар, онлайн, «blended learning», технологии «flipped classroom», платформа «E-MINBAR», электронная библиотека.

Key words: higher educational establishment distance learning, SMART-technology, webinar, online, «blended learning», «flipped classroom» technologies, «E-MINBAR» platform, electronic library.

Замонавий жамият ривожланиши ҳар қандай фаолият соҳаси субъектига нисбатан янги талабларнинг юзага келиши таълимнинг глобаллашув шароитида содир бўлади, улар орасида ахборот кўламида йўналишни тўғри аниқлай олиш қобилияти, зарурий маълумотларнинг етишмаслигида қарор қила олиш кўникмаси, таҳлили қилинган ахборотга асосланган янги ғояларни ярата олиш қобилияти муҳим ҳисобланади. Замонавий мутахассисга олинган билим ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш талаби қўйилади, бу “бутун умрга таълим” концепциясидан “бутун умр таълим” концепциясига ўтиш ҳақида таълим оқими шаклланди. Шунга кўра, олий таълим тизими нафақат ижтимойи-маданий жамият ривожланишининг қудратли омилига, балки ҳар йили давлат иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи иқтисодиёт соҳасига айлана бормоқда.

Олий таълим даражасининг вақт тенденцияларига мос келиши муаммосининг ҳал этилиши муҳимлиги, мазкур институтнинг шахс, ижтимоий гуруҳларнинг шаклланиши, глобаллашиб бораётган жаҳонда интелектуал инсон ресурсларига бўлган эҳтиёж билан таъкидланади. Бу олий таълим муассасаларини замонавийлаштириш, касбий ва шахсий ўсиш учун керакли ахборотни олишда талабалар эҳтиёжини қондира оладиган замонавий ахборот технологияларига таянадиган таҳсил олувчилар учун ўзгарувчанлик, кенг кўламлилик, билимларни олиш қулайлиги, тушунарлиликни ўз ичига олган инновацион ўқитиш йўналишларини ривожлантириш заруриятини туғдиради, бу, охир оқибатда, олий таълимни жаҳон таълим кўламига интеграциялашувининг объектив зарурий шартига айланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолисини электрон ахборот таълим муҳитида талабаларга асосий олий таълим муассасасидан масофада туриб таҳсил олишга имкон берувчи янги, ўзига хос таълим технологияларининг юзага келди, натижада бу масофавий таълимни шакллантиришга олиб келди. Масофавий таълим ўзига хос феномен бўлиб ҳисобланишига қарамай, у бутун жаҳонда фаол ривожланмоқда. Масофавий таълим тарафдорлари, унинг асосий афзалликларига талабанинг турган жойидан қатъий назар таълимни ҳар ерда олиш имкониятини киритади. Бундан ташқари, масофавий таълимни талаба учун қулай бўлган ҳар қандай шароитда олиш мумкин. Шахсий истагига кўра ўқув юкламасини тақсимлаб туриб, машғулотларнинг тўғри ташкил қилинишида янги дастурий аппарат платформалари ва электрон курслар туфайли юқори масофавий таълим самарадорлигига эришиш мумкин. Бошқа тарафдан, масофавий таълим танқидчилари шуни таъкидлайдики, унинг сифати хатто сиртқи таълимга ҳам қиёслана олмаслиги мумкин, ўхшаш таълим технологиялари эса далилий билимларга эга бўлмай, фақат минимал куч ва воситаларни сарфлаган ҳолда диплом олишга имкон беради. Олинган билимларнинг қуйи сифатидан ташқари масофавий таълим оппонентлари ўқитиш жараёнида талабалар томонидан доимий ўз-ўзини назорат қилиш ва ўзини интизомга бўйсундириш заруриятини ҳам белгилайди. Бундан ташқари, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги бевосита мулоқотнинг етишмаслиги талаба шахсини тарбиялаш имкониятини инкор қилади, масофавий узатилаётган билимлар эса эмоционал бўёқни йўқотади, бу талабанинг ўқишдаги қизиқиши даражасини пасайтиради. Республикамизда масофавий олий таълимни ривожлантиришга бўлган назарий қарашларни таҳлил қилиш, олий таълимга глобаллашув жараёнларининг таъсири, таълим ва ахборот жамиятни замонавийлаштиришни ҳисобга олиб, мазкур муаммонинг етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатади. Масофавий таълим ривожлантиришдаги аниқланган тўсиқларни ҳисобга олган ҳолда илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, масофавий таълим инновацион моделларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммолари ҳозиргача чуқур назарий таҳлил олиб боришни тақозо этади [2].

Масофавий таълим электрон коммуникациялар соҳасидаги энг янги ютуқлардан фойдаланувчи янги таълим моделларини ва парадигмалари шаклланишига хизмат қилади. Ахборот оқимлари тезлигининг кучайиши, бутун жаҳонни бир нуқтага ўзига хос сиқиб бориш, инсонларнинг тез коммуникацияга киришиши имконияти, М. Маклюэннинг ҳисоблашича, жаҳонни “глобал маконга” айлантиради [4]. Олий таълим глобаллашуви анъанавий университетларни ўзида ўқитиш функциялари, илмий-тадқиқот функциялари ҳамда замонавий тижорат корхоналари функцияларини бирлаштирган инновацион тузилмаларга ўзгартиради.

Кадрлар тайёрлашдаги рақобат шароитида олий таълим муассасаларининг замонавий иқтисодга бирлаштирилиши, шунингдек уларнинг юқори ижтимоий мақомининг йўқолиб кетишига олиб келади, бундан ташқари, фундаментал тадқиқотларнинг устуворлиги ҳам йўқолади, сабаби барча илмий кучлар юқори ҳақ тўланадиган амалий тадқиқотларнинг қўлланилишига қаратилган. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, анъанавий таълим тизимлари детерминацияси ва уларнинг умумжаҳон таълим тизимига бирлашувидан иборат бўлган иқтисодий, ижтимоий-маданий, сиёсий ва техноген-экологик соҳалардаги ўзгаришлар таъсири таълимдаги ўзгаришлар жараёнлари деб тушунишга имкон беради. Олий таълимни глобаллаштириш ва замонавийлаштириш заруриятининг чамбарчас боғлиқлиги, бир тарафдан, замонавий меҳнат бозори шароитида меҳнат фаолиятини амалга оширишга қодир малакали кадрларни тайёрлаш муҳимлиги, бошқа тарафдан эса, олий таълими замонавийлашуви долзарб хаётий зарурият ҳисобланади. Замонавий ёшдашмаган таълим институтларининг фаолият юритиши замонавий бозор муҳитига жавоб бермайди.

Олий таълдим тизими олдига “...халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш; олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги

босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш...” каби муҳим вазифаларни қўймоқда [1].

Замонавий SMART-технологияларни қўллаш, талабаларни масофадан ўқитиш таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш, маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи «E-MINBAR» платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш, масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш каби вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади.

Ўқув жараёнини бу технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ўтказилаётган ўқув машғулотларига таълим олувчиларнинг қизиқишини орттиради ва уларга қисқа муддатда кўпроқ маълумот бериш имконини яратади. Ахборот, тасвир ва видеони ҳам қўшганда, исталган шаклда кўрсатишнинг бундай қулай усули суҳбатдошни кўриш ва эшитиш имкониятини беради. Шу муносабат билан бундай технологияни доим энг муҳим бўлган юзма-юз мулоқотнинг тўлақонли муқобил варианти ҳисобланади. Он-лайн режимда аудиторияни тўлиқ қамраб олиш ва масофавий таълимнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Масофавий таълим ва масофавий ўқитиш бўйича хорижий адабиётларда улкан миқдорда атамалар мавжуд: elearning, электрон ўқитиш, виртуал ўқитиш, аралаш ўқитиш, тармоқли ўқитиш, TEL (technology enhanced learning—техник воситалар орқали ўқитиш), CBT (computer-based training—компьютер ёрдамида ўқитиш), WBT (web-based training—Интернет тармоғи асосида ўқитиш), WSCL (web-supported collaborative learning—биргаликда ўқитишни тармоқ орқали қўллаб-қувватланиши), мобил ўқитиш ва ҳ.к. Масофавий таълим ва масофавий ўқитиш билан боғлиқ бўлган атамаларнинг кўплиги бир қатор хорижий давлатлар университетларида масофавий таълимнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳақида далолат беради [3].

Ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Канада, Ғарбий Европа мамлакатлари), бошқа мамлакатларга ўз масофавий таълимини экспорт қилишга интилиб, уни нуфузли ва талабгор деб ҳисоблайди, чунки унинг экспорти катта фойда келтиради, бу илғор жаҳон олий таълим муассасаларини жаҳон таълим қўламида ўз рақобатбардошлиги даражасини ошириш учун қўлланиладиган масофавий ўқитиш технологияларини такомиллаштиришга ундайди. Бошқа вазиятда масофавий таълимни энди ривожлантиришни бошлаган мамлакатларда кузатилади. Масалан, Осиё мамлакатлари, деярли маофавий таълимнинг бошланғич технологик ривожланиши босқичини тугаллаб, ҳозирги вақтда унда биринчи навбатда ўз фуқаролари таълими учун фойдаланишмоқда. Шу мамлакатлардаги (Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Индонезия, Тайланд ва б.) миллий масофавий олий таълим тизимлари америка ёки европа масофавий таълимига қараганда ўз фуқаролари учун иқтисодий жиҳатдан арзон ҳисобланади. Шунга қарамай, масалан, ҳозирги вақтда Хитой ва Ҳиндистон талабалар сонига кўра илғор, демак, улар билан танланган ўқитиш моделлари яқин келажакда олий таълим тизимидаги иқтисодий ва технологик ўзгаришларга олиб келади.

Шундай қилиб, жаҳонда масофавий олий таълимнинг ривожланиши жорий даражасига қуйидаги жиҳатлар хос:

1. Масофавий таълим ривожланаётган давлатлар иқтисодининг қудратли ва истиқболли соҳаси ҳисобланади, бу ўз фаолиятини фақат масофавий таълим моделлари бўйича олиб борадиган университетлар миқдорининг ортиши билан боғлиқ бўлади.

2. Ахборот технологияларидан фойдаланиш туфайли таълим очиқ бўлади, билимларни нафақат олий маълумот ҳақидаги диплом учун олишга эмас, балки “бутун умр давомида ўқиш” тамойилини қўллашга имкон беради, бу биринчи навбатда Глобал Интернет тармоғи ва электрон таълим муҳитидан фойдаланишга асосланган масофавий таълим технологиялари миқдорини ошириш ҳисобига содир бўлади.

3. Ривожланган мамлакатларнинг масофавий таълим хизматлари бозорини кенгайтириш, уларни бошқа ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга экспорт қилиш орқали ҳамда ички бозорда масофавий таълимнинг талабгорлиги туфайли содир бўлади. Масофавий таълим технологияларининг ўзи эса талабалар, уларнинг эҳтиёжи ва ривожланиши янада йўналтирилиб борилади.

Шубҳасиз, хорижий тажрибадан масофавий таълимининг ривожланишида фойдаланиш мумкин, лекин унинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларини ҳисобга олиш зарур, бу олий таълим муассасаларимизнинг жаҳондаги олий таълим муассасалари ўртасидаги рейтингини ошириш, ахборот коммуникацион технологиялар инфратузилма даражасини ошириш, масофавий олий таълим соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг янада ривожлантириш каби объектив заруриятлар.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.
2. Бегимкулов У.Ш. ва бошқалар. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт. Монография. -Тошкент: «Фан», 2011, 232-б.
3. Маматов Д.Н. Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш. Монография. -Т.: “Наврўз”, 2017, 160-б.
4. McLuhan, Marshall. Understanding Media: the extensions of man. - Berkeley: Gingko Press, 2003. –P. 106.

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этишнинг моҳияти, афзалликлари, уни ташкил этишда қўлланиладиган замонавий технологиялар ва хорижий тажрибаларнинг ўзига хослиги ва муаммолари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются сущность, преимущества внедрения дистанционного обучения в высших учебных заведениях, специфика и проблемы современных технологий и зарубежного опыта, используемых при его организации.

SUMMARY

The article analyzes the essence, benefits of the introduction of distance learning in higher education institutions, the specifics and problems of modern technologies and foreign experience used in its organization.

WEB TEXNOLOGIYALARDÍŃ RAWAJLANÍW BASQÍSHLARÍ HÁM TÚRLERI

M.T.Mambetniyazov – *úlken oqıtıwshı*
Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch so'zlar: Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0 texnologiyalari, internet, rivojlanish bosqichlari, didaktik imkoniyatlar, ta'limdagi ahamiyati.

Ключевые слова: Web 1.0, Web 2.0, технологии Web 3.0, интернет, этапы развития, дидактические возможности, значение в образовании.

Key words: Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0 technologies, internet, stages of development, didactic opportunities, importance in education.

Házirgi waqıtta bilimlendiriw sisteması jámiyette bolıp atırǵan processlerge hár qashanǵıdan da kóbirek itibar beriwge mútájlik sezilmekte. Internet rawajlanıwınıń zamanagóy tendenciyaları kompyuter tarmaqları jámiyetlik qarım-qatnasıqlardıń eń tiykarǵı universal qurallarına aylanıp baratırǵan jańa social-ekonomikalıq sharayatta insan qanday ilim alıp atırǵanlıǵı hám bilimlerin qanday asırıp atırǵanlıqların kórip shıǵıwdı talap etpekte. Bilimlendiriw sisteması aldında internet texnologiyalarına baylanıslı arnawlı kónlikpe hám qánigeliklerge iye bolǵan, básekege shıdamlı kadrlardı tárbiyalaw wazıypaları turadı.

Internet hám internet texnologiyalar zamanagóy jámiyet turmısında jedel pátlerde kirip keldi hám onnan bekkem orın iyeledi. Olardan tálim sistemasında paydalanıw barısında úlken tájiriybelerge erisildi. Biraq tálim paradigmalarıdaǵı ózgerisler tiykarında internet texnologiyalarında júzege kelip atırǵan evolyuciyalıq ózgerisler internettiń didaktikalıq imkániyatların anıqlawda qıyınshılıqlardı júzege keltirmekte [1:4].

Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0 – Pútkil dúńya júzlik torı (Internet) tiń rawajlanıwındaǵı ajratılǵan shártli tariyxıy basqıshlar dep esaplaw múmkin. Olar arasındaǵı ótiw waqıtların belgili bir sánege, hátteki jılǵa baylanıstırıwdıń imkaniyatı joq, sebebi olar júdá tómen bolǵan tezlik penen ótedi hám dáslepki ótken basqıshlardan kóp nárselerdi qaldıradı.

Bul 1990- hám 2000-jıllar baslanıwına tán saytlardı jaratıw texnologiyaları hám qásiyetleri hám pútkil dúnya júzlik torı (WWW) paydalanıwshılarınıń háreketlerinde Veb 1.0, (Web 1.0) dep ataw qabıl etilgen. Bul dáwirde WWW de statistikalıq saytlar júdá kóp edi. Bunday saytlar tiykarınan oqıw, maǵlıwmatlar alıwǵa mólsherlengen edi; olarda giperssılkalardı esapqa almaǵanda, interaktiv elementler, multimedia derlik joq edi, paydalanıwshılarǵa dialog alıp barıw, fayllar almasıw hám usıǵan uqsas imkániyatlar berilmegen edi. Saytlardı jaratıw ushın rejelestirilgen belgiler qoyıw tili – HTML diń bir qatar teglerinen paydalanılar edi, olar bolsa talaplarǵa tolıq juwap bere almas, tek bezetiw funkciyaların ǵana orınlaytuǵın edi. Kópshilik sayttıń reje-belgilerin qoyıw HTML tilinde tablicalar jaratıw esabına orınlanar edi.

Web 1.0.	Web 2.0.
Arnawlı dástúriy támiyinleniwdiń kompyuterge ornatılıwı talap etiledi. (application based)	Servislerge internet arqalı baylanısadı (Web-based)
Islesiw tek ǵana jeke halatta múmkin	Birgelikte isleydi
Onlayn rejiminde	Onlayn rejiminde
Licenziyalanǵan dástúriy támiyinleniw	Biypul dástúrler
Jeke avtor	Kóp avtor, birgeliktegi dóretiwshilik ónimi
Patentlengen dástúriy támiyinleniw (proprietary code)	Ashıq dástúriy támiyinleniw(open source)
Avtorlıq huqıqı menen qorǵalǵan material (copyrighted content)	Jámáát bolıp paydalanatuǵın material (shared content)

Web 1.0 dáwirinde internet tarmaǵına jalǵanıwdıń (tezlik) tómen islewshi túrleri kóp edi, sonıń ushın bul faktten kóplep sheklewler kelip shıǵar edi.

Máselen, pútkil dúńya júzlik torında video fayllarınıń bolıwı júdá kem ushırasatuǵın bolǵan. Paydalanıwshılardıń baylanıs etiwi ushın forumlar hám chatlar shólkemlestiriler edi. Shama menen 2000-jıllardıń ortalarında saytlardı jaratıw metodları hám maqsetleri ózgere basladı. Mazmundı dinamikalıq ańlatıwǵa qarata baǵdarlaw payda boldı, bunda resurslar menen paydalanıwshılardıń ózi toltıratuǵın, óz ara baylanıs etetuǵın hám sayttıń ózinde pikir almasatuǵın boldı. Bloglar, sociallıq tarmaqlar, wiki-proektler payda boldı. Házirgi kúnde kontentti shólkemlestiriw hám jaratıwdıń bunday kórinisi WWW diń kóp bólimin iyeleydi, bunday saytlardan bolsa, internet paydalanıwshılarınıń kópshiligi paydalanadı. Internet tarmaǵına kiriwdiń joqarı tezligi payda bolıwı menen pútkil dúńya júzlik torında multimedialı xabarlar (video, muzıka, grafika) ǵalabalastı.

Web 2.0 jańa veb-xızmetler payda bolıwı, web-dástúrlestiriwdiń rawajlanıwı, saytlardıń dizaynı hám qollanılıwınıń jaqsılanıwı, paydalanıwshılardıń anonim bolıp qalıw imkaniyatınıń kemeyiwi menen belgilenedi. Web 2.0 ataması paydalanıwshılarınıń dóretiwshilik imkaniyatların keńeyttiriwge, olar arasında maǵlıwmat almasıw hám óz ara qatnasıqlardıń qáwipsizirek bolıwına baǵdarlanǵan WWW texnologiyalarınan paydalanıwdaǵı jańa tendenciyalardı belgilew ushın qollanıladı. Bunda kóbirek veb-birlespeler hám sociallıq baǵdardaǵı saytlar, máselen, bloglar hám videobloglar, folksonomiyalar, vikipediyalar hám basqalarǵa kóbirek itibar qaratılǵan. Bul atama 2004 jılda Web 2.0 Media boyınsha konferenciyadan keyin Tim ÓReylidiń dástúriy támiyinleniwin islep shıǵarıwshılar menen juwmaqlawshı paydalanıwshılardıń Veb arqalı ózara qatnasıqlardıń jańa usılın ańlatıw ushın qollanılǵannan baslap tarqaldı. Web 2.0 ideyasınıń tiykarǵı principi «İnternet – platforması sıpatında», dep ańlatılǵan edi. Web 2.0 di tarmaqtaǵı ózara múnásibetler processinde qanshalıq kóp adamlar paydalansa, sonsha jaqsılanıp baratuǵın sistemalardı jaratıwǵa qatnasıw sıpatında da qaraw múmkin. Haqıyqatında da Web 2.0 paydalanıwshılar tárepinen olardıń kompyuterde lokal orınlanıp atır dep hám basqalardan ajıralǵan haldaǵı maǵlıwmat toplaǵıshlar sıpatında oylap tabılǵan veb-saytlardan óz ara baylanısqan dástúriy platformalarǵa ótiwin bildirdi [2:114].

Web 2.0 saytları paydalanıwshılar ushın tómendegi imkániyatlardı beredi:

- tek maǵlıwmatlardı alıw ushın ǵana emes, dástúrlerdi tiykarınan brauzer járdeminde orınlaw;
- óz maǵlıwmatların jaylastırıw hám olardı basqarıw.

Web 2.0 diń jáne bir áhmiyetli koncepciyası – «Tiyisli orın arxitekturası» bolıp, paydalanıwshılardı dástúriy támiyinleniwden paydalanıw arqalı onıń bahasın asırıwǵa baǵdarlaydı.

Web 2.0 diń kemshiliklerine tómendegilerdi kiritiw múmkin:

- jalǵanıwdıń turaqlılıǵına baylanıslılıǵı;
- saytlardıń jumısqa jaramlılıǵı hám basqa kompaniyalardıń qararlarına baylanıslılıǵı;
- xızmet kórsetiw jumısınıń sıpatı basqa kóplegen basqa kompaniyalar jumısınıń sıpatına baylanıslılıǵı;
- bar veb-infrastrukturanıń brauzerde quramalı esaplaw wazıypalardı orınlaw ushın imkániyatları jeterli emesligi;
- basqa serverlerde saqlanıp atırǵan maǵlıwmatlarǵa ruxsatsız kirilgende jasırın qorǵalıwınıń isenimliliginiń tómenligi.

Veb 2.0 diń anıq isenimli abzallıqlarına qaramay, pútkil dúńya torında úlken kólemdegi sıpatsız xabarlardıń, jalǵan xabarlardıń payda bolǵanlıǵın atap ótiw lazim. Sonıń ushın,

sayttı jaratıwǵa tiykar bolǵan texnologiyalarǵa baylanıslı bolmaǵan halda, birinshi náwbette, onıń xabarlar menen toltırılıwı qádirlenedi. Házirgi waqıtta tarmaqta onıń ishindegi úlken kólemdegi xabarlar arasınan sıpatlısın tabıw onshelli ańsat is emes.

Veb 3.0 ideyasın Veb 2.0 diń kemshiliklerinen qutılıw sıpatında ańlatıw múmkin. Onda xızmetler hám kontentler sıpatında ayrıqsha itibar qaratıladı, Biraq bul koncepciyanıń basqa da kemshilikleri bar bolıp, olar paydalanıwshınıń anonim bolıp qalıw imkaniyatı barǵan sayın kemeyip baratırǵanlıǵı, ol veb-xızmetiniń belgili bir anıq qaǵıydalarına boysınıwı hám basqalar menen baylanıslı. Veb 3.0 ke ideyalıq tárepten jaqın sayttı mákeme shólkemler tárepinen usınıs qılınatuǵın internet- xızmeti sıpatında qaraw múmkin. Bunday xızmetlerge bultlar texnologiyaları, orınnıń kartası boylap navigaciya mısal bolıwı múmkin.

Internet rawajlanıwınıń zamanagóy basqıshı Web 2.0 texnologiyalarınıń rawajlanıwı menen belgilenedi. Atap aytqanda, YouTube, Vikipidiya, bloglar, sociallıq tarmaqlar hám basqalar Web 2.0 ge tán bolǵan biraz belgili texnologiyalardan esaplanadı.

Web 1.0 diń birinshi áwladı 1990-jıllardıń basında, WWW islep shıǵarılǵan payıtlarda, 2005- jılda pútkil jáhán órmekshi torınıń ekinshi áwladı – Web 2.0 yaki Cloud Computing payda bola baslaǵan. 2005- jıl 30-sentyabrde “O'Reilly Media” kompaniyasınıń prezidenti Tim O'Reylli qatnasqa Web 2.0 terminin kiritken halda, “Web 2.0 ne?: dástúriy támiyinleniwdiń keyingi áwladı ushın sxemalar, dizaynler hám biznes modeller” atamasında maqalası járiyalanǵan. 2005-jıl oktyabrde bolsa “Kompyuterra” jurnalında usı maqala rus tilinde baspadan shıqqan.

Tim O'Reylli Web 1.0 hám Web 2.0 niń salıstırmalı parqın hám tereń analizin ótkeriwge miyasar boldı. Sonday-aq, ol tómendegi esletpeni keltiredi: "Web 2.0 – sistemalardı proektlew metodikası bolıp, tarmaqlar aralıq baylanıslardı esapqa alıw jolı menen anıqlanıwınsha qansha kóp adam onnan paydalansa, ol sonsha jetilisip, barǵan sayın jaqsılanıp baradı” [3:12].

Jańa tarmaq dáslepki dáwirlerdegi gigant esaplaw mashinalarınikine uqsas dúziliske iye bolıp, barlıq dástúrler Web 2.0 portalı saytlarınıń serverlerine jaylastırıladı, olarǵa kiriw ushın paydalanıwshılarǵa tek ǵana web interfeys (brauzer) kerek boladı.

Web 2.0 aldıńǵı áwlad internetiniń ajıralmas bir bólimi bolıp, onıń menen bir pútinlikti quraydı. Qalaberse, Web 2.0 internet rawajlanıwınıń logikalıq tiykarına aylandı. 1960-jıllarda fayllardıń arxivleri payda boldı. 1990-jıllardıń baslarında informaciyalıq órmekshi torı júzege keldi. 1990-jıllardıń aqırları bolsa ICQ, elektron pochta, forumlar, daǵazalar taxtası, jańalıqlar bazası sıyaqlı keńeyttirilgen baylanıs (kommunikaciya) servisleriniń payda bolıwı menen oǵada belgili boldı. 2005-jıldan baslap Web 2.0 túsinigine sáykes ráwishte kontent kórinisinde paydalanıwshılardıń aktiv qatnasıwına tiykarlanǵan servisler payda boldı. Web 1.0 diń ózine tánligi sonda, saytlardıń kontenti óz iyeleri tárepinen jaratılǵan, paydalanıwshılar bolsa hesh qanday tásir ótkizbegen halda saytlarǵa kirip, kerekli kontentlerdi kóshirip alǵan. Web 1.0 paydalanıwshısı – kontent paydalanıwshısı, sayt bolsa – xabar deregi. Sol waqıtları da, xabar tasıwshılarda yaki saytlardan maǵlıwmat kóshiriwde dástúriy támiyinleniw ústinlikke iye boldı. Web 2.0 niń jaratılıwı nátiyjesinde paydalanıwshılardıń ózleri kontent jaratadı yaki ózgerislerdi kirite aladı. Kóplep dástúrlerge kiriw, iyelik etiw imkániyatı paydalanıwshılar tárepinen jeke kompyuterge ornatıw yaki kóshirip alıw zárúrligisiz, tikkeley Web 2.0 saytınıń ózinde payda bola basladı. Web 2.0 saytı sonday bir maydan, keńislik, onda paydalanıwshılar óz iskerliklerin biymálel kórsete aladı. Onı kontentler kollekciyası dep atap bolmaydı, sebebi kontent barqulla ózgerip, jańalanıp turadı.

Web 2.0 saytlarınıń tiykarǵı tárepi, kórinisi funkcionallıqlardan ibarat bolǵan dizaynǵa iye. Sebebi, qaǵıydaǵa muwapıq, sayt dizaynı óz dóretiwshileri, islep shıǵarıwshılarınıń kózqarsın ańlatadı, sáwlelendiredi. Web 2.0 saytları xabarlardı paydalanıwshılarǵa tez hám nátiyjeli jetkeriwge mólsherlep bezetilgen. Sayt jaratıwshıları berilgen metodtı minimalizm sıpatında bahalaydı. Minimalizm reńli bezewlerde de kózge taslanadı.

Web 2.0 saytlarınıń kópshiligi ápiwayı reńler gamması, kóbinese aq-qara bolıwı menen xarakterlenedi. Ádette, artıqsha buramalarsız, dumalaq shriftler jetekshilik qıladı. Tekst tegislenedi, onıń átirapında bolsa aq yaki fon reńinde jeterli úlkenlikte bos jay qaldırıladı. Zárúrli hallarda jińishke sızıqlar kiritiledi, dizayn anıq, temalar iri, fon aq yaki ashıq reńde boladı. Solay etip, dizayn paydalanıwshılar ushın qolaylı bolǵan ápiwayı web jaratıw imkanın beredi.

Web 2.0 interfeysi. Bulardıń barlıǵı olardıń yuzabiliti (xalqaralıq standartlarǵa kóre ISO 9241-11, yuzabiliti (inglizcha-usability) – ónimniń belgili bir kontekst sharayatında belgili bir paydalanıwshı tárepinen belgili bir maqsetke erisiw ushın joqarı nátiyjelilik sıpat hám isenim penen isletiw bosqıshın asıradı.

Texnologicalıq tárepinen Web 2.0 jańalıqlar sindikaciyası (RSS), web- servislar (API) hám olar tiykarı aralas servisler, sonday aq asinxron JavaScript hám XML den paydalanıw menen xarakterlenedi [4].

Sanap ótilgen texnologiyalar Web 2.0 saytlarınıń funkcionallıǵın, qollanıwdaǵı ápiwayılıǵın hám paydalanıwshıǵa salıstırǵanda zıyansızlıǵın támiyinleydi; web-betler paydalanıwshınıń hár bir háreketinen keyin tolıq qayta júklenbeydi; dástúrlerden parallel ráwishte paydalanıw múmkin; bir derektiń ózinen sheksiz kóp saytlarda paydalanıw, onı kóriw múmkinshiligine iye.

Web 2.0 niń barlıq formatlarındaǵı hámme materiallar jaratıwshılar tárepinen belgilep qoyılatuǵın arnawlı belgiler – “teg”lerge iye. Birinshiden, belgiler jańa xarakterli folksonomiyanı payda etedi. Ekinshiden, jańa belgi bastan aqırına shekem ierarxiyalıq emes resurslardan ibarat bolıp, izlewdiń jańa imkaniyatları, yaǵnıy hár túrli xabarlar aǵımınan kereklisin, dáslep uqsası ushramaǵanın tabıwdı ańsatlastıradı.

Jańa áwlad internettiń barlıq texnikalıq qolaylıqlarına qaramastan, Web 2.0 degi barlıq saytlarınıń tolıq túrde qayta baǵdarlanıwına tosqınlıq qılıwshı bir qatar kemshilikler bar. Bular Web 2.0 saytlarınıń barqulla baylanısqa joqarı dárejede, tikkeley baylanıslılıǵı hám zamanagóy infrastrukturanıń tikkeley brauzerdiń ózinde úlken kólemdegi esaplawlardı orınlawǵa bolǵan tómen maslasıwshańlıǵı. Paydalanıwshı ushın bolsa bunday saytlar jeke xabar hám maǵlıwmatlardıń áshkaralıq qáwipin júzege keltiredi.

Web 2.0 servisleri qásiyetleriniń ózara uqsas hám ulıwmalıǵına qaramastan óz aldına alǵanda olardıń hár birinen bilimlendiriwde anıq bir maqsetlerde paydalanıladı. Eń dáslep, bular – zakladkalar jámiyetlik xızmeti, polimediya fayllarınıń birgelikte saqlanıwı (máselen YouTube), viki-viki texnologiyaları, baylanıs hám óz ara qarım-qatnasıqlar diagrammaları, proektlik iskerlik ushın dástúriy támiyinleniwdi usınıs etiwshi saytlar, podkastlar hám basqalar.

Bizge belgili, internet bir qatar didaktikalıq funkciyalarǵa iye:

1. Xabar beriw funkciyası (ǵalaba xabar quralları; elektron kitapaxana; xabarlı maǵlıwmat deregi);

2. Kommunikativ (baylanıs) funkciya (kúndelikli baylanıs; kásiplik baylanıs);

3. Ekonomikalıq funkciya (ónim hám xızmetlerdiń, anıqraǵı, internet xızmetleriniń sawdası; qarjı-bank esap-kitapları hám operaciyaları);

4. Tálim beriw hám úyretiw funkciyası (aralıqtan oqıtıw; ózbetinshe tálim hám ózbetinshe iskerlik; qánigeligin asırıw);

5. Sociallıq funkciya (baylanıs-sociallasıw procesiniń bir bólegi sıpatında; sociallıq tarmaqlar hám proektler);

6. Basqarıw funkciyası (elektron hákimiyat; kompaniya hám shólkemler basqarıwı; tálim sistemasındaǵı basqarıw);

7. Psixologiyalıq funkciyası (shaxs rawajlanıwı ushın tájiriybe maydanı; internet penen baylanıslı iskerlik nátiyjesinde shaxs ózlik kórsetkishleriniń ózgeriwi (motivaciyalar, "men" koncepciyası dúzilisinde, qádiriyatlardı ańlawdaǵı ózgerisler); internet addikcilar – minez-qulıq fenomenologiyası specifikaciyası (tarmaǵı); internet – baylanıs (kommunikaciya) ádettegidey jámiyetlik ámeliyattıń jańa quralı sıpatında);

8. Kewilkóteriwshi funkciya (oyınlar; video, audio, multimedia; internet-toparlar baylanısı).

Qızıǵı sonda, sanap ótilgen funkciyalar bir-biriniń logikalıq dawamı bolıp, olar bir-birin tákirarlaydı. Máselen, jámiyetlik funkciya mazmunında baylanıs, xabar, basqarıw, tálim hám úyretiw, kewilkóteriwshi funkciyalarınıń elementleri bar. Tálim beriw, úyretiw funkciyası xabar funkciyası, atap aytqanda, onıń xabar, maǵlıwmat deregi funkciyası menen sáykes keledi. Sonday-aq, mazmunı boyınsha kewilkóteriwshi hám sociallıq funkciyalardıń elementlerin de ańlatadı. Aralıqtan oqıtıwda tálim-tárbiya proceslerin ámelge asırıw ushın onı shólkemlestiriwde internettiń kásiplik baylanıs quralı sıpatında ózine tartıwın talap etedi [5].

Bilimlendiriwde Web 2.0 saytlarınan paydalanıwdıń innovaciyalıq qásiyetleri resurslardıń birgelikte jaratıw hám olardan paydalanıw. Bul ózine tánlik bilimlendiriw sistemasında Internetten, anıǵıraǵı, Web 2.0 texnologiyalarınan paydalanıwdıń didaktikalıq principlerin ózgertiredi.

Web 2.0 texnologiyasınıń payda bolǵanǵa shekem internet hám internet texnologiyalarınan tálim sistemasında, tiykarınan, tálimniń individual kórinislerde paydalanılǵan. Baylanıstıń jámáátlik kórinisleri bar bolsa da, usı texnologiya menen baylanıslı iskerlik jeke tártipte kalǵan.

Web 2.0 – tarmaqtan paydalanıwshılar sanı qansha kóp bolsa, tarmaqtıń jumısı sonsha jaqsılanadı hám bul tarmaqta óz ara qatnasıqlardı esapqa alıw arqalı anıqlawshı sistemalardı proektlestiriw metodikası. Web 2.0 diń qásiyeti – kontentti toltırıw ushın paydalanıwshılardı ózine tartıw principi.

Web 2.0 –internet tiykarında saytlar emes, insanlar, olardıń bilimleri hám óz ara qatnasıqları dáwiri esaplanadı. Demek, bul insanlar ushın veb hám onıń tiykarǵı ideyası óz ara qatnasıqlardı ápiwayılastırıw usılları.

Ádebiyatlar

1. Aripov M., Dottoev S., Fayzieva M. Web texnologiyalari. - T.: "Noshir", 2013, 280-b.

2. Aripov M., Fayzieva M. Web texnologiyalarga qaratilgan kurslarni o'qitishning hozirgi kundagi ahamiyati // O'qituvchilarning zamonaviy texnologiyalar bwyicha kompetentligi: muammo va echimlar. Vazirliv tizimidagi oliy tálim va ilmiy-amaliy anjuman materiallari. –Toshkent: TDPU, 2012, 152-154 -b.

3. Xaytullaeva N.S. Bo'lajak informatika o'qituvchilarini metodik tayyorlash tizimida Web-texnologiyalardan foydalanish: Avtoreferat: 13.00.02.-T. 2019. 45b.

4. http://www.intuit.ru/department/internet/webtechno/ - Web-texnologii. Uchebnıy kurs., A.V.Sıchev – Internet universitet informatsionnıx texnologiy İNTUİT.RU., 04.02.2009.

5. http://ru.wikipedia.org/wiki/Veb 2.0. - Veb 2.0., Vikipediya – svobodnaya entsiklopediya., 08.04.2009.

REZYUME

Maqolada İnternet texnologiyalarining rivojlanish bosqichlari husilsan Web-texnologiyalar haqida, ularnig tálim jarayoniga roli va ahamiyati va Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0 texnologiyalarining biri-biradan farqi haqida keltirib wtilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются этапы развития интернет-технологий, в частности, веб-технологий, их роль и значение в образовательном процессе, а также различия между технологиями Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0.

SUMMARY

The article discusses the stages of development of Internet technologies, in particular, Web-technologies, their role and importance in the educational process, and the differences between Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0 technologies.

ТАЛАБАЛАРДА КОГНИТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЧИЗМА-ТАСВИРИЙ МОДЕЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Ж.С.Отепбергенов – *катта ўқитувчи*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: компетенция, когнитив компетентлик, когнитив стратегия, чизма-тасвирий моделлар, метарежа, граф мантиғи, фрейм.

Ключевые слова: компетенция, когнитивная компетентность, когнитивная стратегия, графические модели, метарежа, граф-логика, фрейм.

Key words: competence, cognitive competence, cognitive strategy, graphic models, metaregas, graph-logic, frame.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида [1] олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш; халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилди. Ўқитишнинг кредит-модуль тизими компетенциявий ёндашув билан бевосита уйғун амалга оширилиб, модулли ўқитиш технологияларининг натижаси сифатида бўлажак мутахассисларда таркиб топтириладиган компетенциялар акс этади. Шундай компетенцияларнинг бири-бу бўлажак мутахассисларда когнитив компетентликни ривожлантириш ҳисобланади. Бугунги кунда дунё миқёсида компетенциявий ёндашувга асосланган таълим муаммолари педагогика фанида кенг тадқиқ этилмоқда. Компетенция (лотинча competencia) асосан инсон яхши хабардор, билим ва тажрибага эга бўладиган масалалар доирасини ифода этади ва "компетенция" атамаси 1965 йилда илк бор Н.Хомскийнинг "Синтаксис назарияси аспектлари" деб номланган асарида қўлланилган. Компетентлик деганда эса инсоннинг маълум бир соҳада самарали фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини ифода этувчи унинг интегратив шахсий динамик тавсифи тушунилади. "Когнитив" тушунчаси эса "билиш", "билиш фаолияти" билан бирга қўлланилади. Илмий адабиётлар таҳлили ҳозирга вақтда тадқиқотчилар томонидан когнитив компетентликнинг 20га яқин компонентини ажратиб кўрсатганлигини кўрсатди. Назарий қоидаларга асосланган ҳолда бўлажак

ўқитувчиларда когнитив компетентликни ривожлантириш тузилмасиини қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин (**1-расмга қаранг**).



1-расм. Бўлажак педагогнинг когнитив компетентлиги тузилмаси

Ўзбекистон узлуксиз таълимининг 110000 – Педагогика таълим соҳасининг Давлат таълим стандартида битирувчиларнинг касбий фаолиятининг асосий турлари ва уларга қўйиладиган умумий малака талаблари қуйидагича белгилаб берилган: [2:12-13].

- педагогик фаолиятида,
- илмий-тадқиқот фаолиятида,
- маънавий-маърифий фаолиятида,
- ташкилий-бошқарув фаолиятида.

Когнитив компетентликнинг етакчи фаолият тури сифатида ахборотларни самарали излаб топиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, тизимлаштириш, эсда сақлашга доир ўқув вазифаларини ишлаб чиқишга алоҳида зарурат борлиги аниқланди.агар когнитив фаолиятнинг хилма-хил метод ва усулларидан мақсадли фойдаланилса, мазкур фаолият самарали амалга ошиши мумкин. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида таълим мазмуни шахсий когнитив фаолият стратегияларини ўзлаштириш ҳисобига чуқурлаштириб борилди. Когнитив стратегия – бу оламни икки йўл билан англаш усули: алоҳида фан йўналишларининг когнитив стратегиялари (тадқиқот қонун ва методлари) ҳамда когнитив жараён амалга ошадиган билиш механизмлари ва воситалари нуқтаи назаридан [4:20].

Таълимни ахборотлаштириш шароитида когнитив компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёни доирасида ҳал этиш лозим бўлган вазифалардан бири талабаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари воситасида моделлар, семантик когнитив карт, чизма, граф, жадвал, диаграмма кабиларни яратишнигг турли усулларини ўзлаштиришдан иборат. Ахборотларни тақдим этишнинг чизма-тасвирий модели– бу “ихчамлаштирилган” методик ва технологик усуллар йиғиндиси ва ўқув материалларини визуллаштириш демакдир [3:160].

Ўқув жараёнида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришда чизма-тасвирий моделларнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш самарали бўлишини тажриба-синов ишлари исботлади. Булар:

- ўқув элементларининг граф мантиғи,
- метарежалар,
- Н.Эрганованинг таянч конспекти,
- М.Минскийнинг фрейм модели,
- продукцион модел,
- мантиқий модел,
- семантик тармоқлар модели,
- чизма-конспект,
- ментал(интеллект) карт ва ҳ.к.

Талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришда масалан матережалар муҳим аҳамтият касб этади. Н.Эрганова томонидан таклиф этилган метарежа талабаларнинг ўқув ахборотларини психологик ва психофизиологик идрок этиш талабларига жавоб берувчи геометрик шаклларда ифодаланган ахборот элементларидан фойдаланиш асосида идрок этиш жараёнларини фаоллаштиради.

Метарежа ўзида маълум бир маъно ифодаловчи инвариант кўплаб тасвирий шаклларни (чизиқ, булутсимон, тўртбурчак, учбурчак, доира) акс эттиради [5].

Метарежанинг ўқув жараёнидаги афзаллиги шундаки, эмоционал-ҳиссий шакллардан фойдалаш орқали ўқув материалини ўзлаштириш жараёни тезлашади ва осонлашади. Масалан, мотивлар назариясига доир қуйидаги метарежани намуна сифатида келтириб ўтиш мумкин (**2-расмга қаранг**).

2-расм. “Мотивацион назариялар мазмуни” мавзуси бўйича метарежа намунаси

Инсоннинг когнитив оламини тушуниш учун сунъий интеллект соҳаси билан боғлиқ когнитив чизмаларни тадқиқ этишнинг яна бир йўналишини қисқача баён этиш лозим. Бу йўналишларнинг бири фреймлар ҳисобланади. 1974 йилда америкалик олим Марвин Минский воқеий чизгиларни фрейм деб номлашни таклиф этди. Инглизчадан таржима қилинганда *frame* қолип (рамка), калка (каркас), тана маъноларини билдиради. Янги назарияга тааллуқли асосий атаманинг бундай номланишига сабаб фрейм ўзида инсон қачондир тўқнаш келган, кўп маротаба дуч келган одатий вазиятнинг барча қисмлари рўйхатини эмас, фақат мазкур вазият учун жуда муҳим бўлганларини акс эттиришидадир. Аниқ бир вазиятда мазкур зарур таркибий қисмларнинг бирортасини мавжуд бўлмаслиги инсонни уни бошқа турдаги одатдаги вазиятга олиб ўтишга мажбур қилади ҳамда унга мос келувчи бошқа фреймни фаоллаштиради. Фақат мажбурий белгилар (атрибутлар) реал вазиятларда аниқ моҳият касб этадиган мавҳум элементлардан ташкил топадиган воқеликка умумий қобиқ вазифасини бажарадиган умумлашган шакл кўринишига эга бўлади. Фрейм ўзида одатий вазиятларни тасаввур қилиш учун маълумотлар тизимини акс эттиради” [6].

Минский назариясида “вазият” атамаси остида инсон онгида акс этувчи ташқи оламнинг хилма-хил воқеликларининг умумий мазмуни тушунилади: ҳаракат, жараёнлар, ҳодиса, табиий объектлар ва артфактлар, бошқа одамларнинг хулқ-атвори, оғзаки ва ёзма матнлар ва ҳ.к. Фрейм ўзида қандайдир аниқ вазиятни ифода этади, унда маълум бир тоифага тегишли ўхшаш вазиятларнинг асосий белгилари сақланиб қолади. Фреймни тугунлар ва тугунлар орасидаги алоқадорликни ифода этувчи чизиқлардан ташкил топадиган чизмалар кўринишида график тасвирлаш мумкин. Фреймнинг умумлашган тузилмаси 2 -расмда келтириб ўтилган. Фреймнинг юқори тугунида одатда фреймни (тушунча, воқеа, роль ва ҳ.к.) тавсия этувчи маълум бир объектни аниқлаб берувчи унинг номи берилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, билимларни тақдим этишнинг фрейм модели “ихчамлаштирилган” ва тизимлаштирилган ахборотларни жадвал ёки матрица кўринишида акс эттиради.

3-расм. Фреймнинг график тузилмаси

Демак, бугунги ахборотлар оқими шиддат билан ривожланаётган бир вақтда ушбу ахборот мухитида катта хажмдаги маълумотларни ўзлаштириш ва талабаларнинг когнитив компетентликни ривожлантиришда юқоридаги каби чизма-тасвирий моделлардан фойдаланиш таълимнинг сифатини ошириш имконини яратади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
2. Олий таълимнинг Давлат стандарти: 110000 – Педагогика таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти. Расмий нашр. – Тошкент: 2015, 58-б.
3. Лаврентьев Г.В. Инновационные обучающие технологии в профессиональной подготовке специалистов. Часть 2. / Г.В. Лаврентьев, Н.Б. Лаврентьева, Н.А. Неудахина–Барнаул: АлтГУ, 2004. –С. 232.
4. Пилигин А.А. Познавательные стратегии школьников: от индивидуализации – к личностно-ориентированному образованию: Монография / А.А. Пилигин. – М.: Твои книги, 2012. –С. 416.)
5. Эрганова Н.Е. Методика профессионального обучения: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. -М.: Издательский центр «Академия», 2007, -С. 160.
6. Из интервью М.Минского журналу «Discover» в январе 2007 года. URL:http://www.raai.org/library/papers/Minsky/minsky.htm (Дата обращения3.04.2016

РЕЗЮМЕ

Жаҳон миқёсида таълим тизимига компетенциявий ёндашувни амалга ошириш талаб этилмоқда. Катта хажмдаги ўқув материалларини ўзлаштиришда ва талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришда чизма-тасвирий моделлардан фойдаланиш тавсия этилади.

РЕЗЮМЕ

Во всем мире требуется компетентностный подход к системе образования. Рекомендуется использовать графические модели в усвоении больших количеств учебных материалов и развитии когнитивной компетентности студентов.

SUMMARI

There is a need for a competent touch to the worldwide educational system. It is recommended to use graphic models in the development of large-scale learning materials and the development of students' cognitive competence.

ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

А.О.Очилов – *катта ўқитувчи*

Қарши давлат университети

У.У.Сададдинов – *ассистент ўқитувчи*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: касбий касалликлар,таркибий босқичлар, гипотеза қуриш, манзилли таълим олувчилар, ўқув палигонлари.

Ключевые слова:профессиональные заболевания, структурные этапы, построение гипотезы, целевые получатели образования, учебные полигоны.

Key words:professional disorders, structural stages, building hypothesis, targeted education recipients, training grounds.

Маълумки, мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар барча соҳаларда бўлаётгани сингари талабаларга ўқитилаётган касб таълими ва махсус техник фанларнинг, айниқса, бугунги кунда долзарблиги ортиб бораётган ҳаёт фаолияти хавфсизлиги сингари қўшимча фанларнинг мазмунан илгор ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этишни талаб этади. Бунда талабаларни таълим муассасасини тамомлагандан сўнг ишлаб чиқариш шароитида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, касбий касалликлар ва ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш, иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари тизимини ўқитишдан иборат.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида касбий таълим жараёнида талабаларга ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани инсоннинг кундалик яшаш турмуш тарзи, унинг меҳнат фаолияти,меҳнат ҳақидаги қонунларга тўғри риоя этиш шароитини, меҳнатнинг давлат ва тармоқ стандартлари тизими хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрларини таълим бериш орқали амалга оширади.

Касбий таълим жараёнида талабаларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасида педагогик таълим тизимининг мазмунини:

- ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг умумэътироф этилган илмий-назарий асосларини ўқитишни таъминлаш;
- мазкур йўналишдаги узлуксиз анъанавий ва ноанъанавий таълим тизимининг методик таъминотини такомиллаштириш;
- муносиб ҳаёт фаолиятини таъминлашга қодир маънавиятли шахсни тарбиялаш;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим тизимини ривожлантириш, илғор ғоялар ва стратегияларга асосланган янги техник воситалар ва технологияларни жорий этиш бўйича ишларни такомиллаштириш;
- барча соҳаларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишида ўқитишни модеринизациялаш;
- маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ўқитишнинг ҳуқуқий меъёрларини ва ишлаш механизмини методик таъминотини такомиллаштириш;
- бу соҳада илмий дунёқарашни шакллантириш, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳаётда ўз шахсий тақдирини белгилашни ўрганишни ташкил этади.

Юқорида қайд этганимиздек касбий фаолият жараёнида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани қўшимча фанлар сирасига кириб, уни ўқитиш методикасига доир илмий изланишлар ўтказишдан мақсад, ўқитиш ва ўрганиш хусусиятларини, самарали методларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашдан, техник воситалардан фойдаланишда хавфсизлик таъминотига доир масалаларни ечишдан иборат. Илмий изланишлар олиб бориш учун ўқитувчидан фаннинг мазмунини чуқур билиш талаб этилади.

“Кўпчилик талабалар ўзларининг касбий фаолият-

ларига доир илмий изланишларни ўқиш давридаёқ турли кўринишларда асос солиб борадилар (фанлардан ташкил этилган тўгаракларда, фан олимпиадаларида, илмий анжуманларда иштирок этиш, семинарларда қатнашиш, инновацион ярмаркаларда иштирок этиш ва ҳ.к.)”[1].

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасида илмий педагогик изланишлар жараёни шартли равишда қуйидаги таркибий босқичларга бўлиниши мумкин:

1.Ўқитувчининг адабиётларни ўрганиш ва амалий ишлар асосида муаммони аниқлаши.

- ўрганилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва шу мавзуда муаллифининг фикр мулоҳазаси;
- ўрганилаётган муаммо тўғрисида ананавий методлардан фарқ қилувчи янги ноананавий методлар ва киритилган таклифлари;
- ўрганилаётган муаммолар ва шу соҳада қанақа асосий масалалар адабиётларда ёритилмаганлиги;
- ўрганилаётган муаммони ечишда бундан кейин олиб бориладиган изланишлар;

2.Гипотеза қуриш, яъни ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш.

- ўрганилаётган муаммоларни аниқдалиллар орқали ифодалаш;
- олинган натижаларни бир-бири билан таққослаш орқали;
- олинган натижаларни бўйича аниқ таклифларни киритиш;
- изланишлар натижасида олинган маълумотларни расмийлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш орқали амалга оширилади.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасида педагогик таълим назарий маълумотлар, амалий машғулотлар, лабаратория ишлари, мустақил ишлар, ва ўқув палигонларида (фавқулотда вазиятлар вазирлиги ўқув лаборатория ва ўқув полигонлари, ёнғин хавфсизлиги бошқармалари лаборатория ва ўқув палигонларида, ишлаб чиқариш корхоналари меҳнат муҳофазаси бўлимлари хоналарида ва ҳ.к) жойлашган реал воситалардан фойдаланилган ҳолда тузилади”[2].

Машғулотларни олиб бориш жараёнида талабаларга берилаётган маълумотларни қуйидаги босқичлар орқали кўрсатиб ўтамиз:

Биринчи босқич-фанни ўқитиш жараёнида юзага келадиган мавжуд вазиятни ва дастлабки шарт-шароитларни ҳисобга олиб уч хил таҳлил, яъни манзилли (адресатли таълим олувчилар) таҳлили, шарт-шароитлар таҳлили ва махсус соҳа (мазмун) таҳлили амалга оширилиши лозим. Бу таҳлиллар одатда таълимнинг бошланишида, натижалари эса кейинроқ керак бўлади.

Иккинчи босқич-ўқув дастури асосида фанннинг ўқув мақсадларини белгилаш ёки машғулотларни олиб бориш учун махсус ўқув мақсадлари белгилаб олиш керак бўлади.

Учинчи босқич-ўтиладиган мавзулар бўйича машғулотлар режасини тузиш, режада фаннинг барча мазмунлари, мавзулар, режалаштирилаётган ўқув методлари, танлаб олинган ўқув материалларига асосланган ҳолда ўқув воситалари ва умумий вақт тақсимотини ифода эттирамиз. Бу режада нафақат таълим берувчининг фаолияти ва ҳатти-ҳаракатлари, балки таълим олувчиларнинг мавзулар бўйича тайёргарлиги, ҳатти-ҳаракатлари ҳам кўрсатиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчи босқич-ўқитиладиган курснинг ўқув материалларини тайёрлаш, бу фанни ўқитишда амалга оширилиши зарур бўлган биринчи босқичнинг асосий шартларидан бири. Бунда тайёр материаллар бор бўлса, уларнинг орасидан дастурларда белгиланганлари танлаб олинади. Агар ўқув материаллари мавжуд бўлмаса улар ишлаб чиқилади (маъруза матни, тарқатма материаллар, плакатлар ва слайтлар, топшириқ варақалари ва бошқалар) керакли ўқув адабиётлари тавсия этилади.

Бешинчи босқич -Режалаштириш ва ташкиллаштириш асосида олиб бориладиган машғулотларни амалга ошириш (ўтказиш). Бу дегани, барча ўқув воситалари билан жихозланган синфхона ҳамда, керак бўлса, устахонада, махсус жиҳозланган лаборатория хоналарида ва ўқув полиганларида жойлашган ўқув бурчаги ва вақт етарлича бўлиши керак.

Олтинчи босқич-касб таълим жараёнида талабаларга ҳаёт фаолияти хавфсизлигидан машғулотлар давомида ўзлаштирилганбилимларни баҳолаш.Бир томондан бу – таълим олувчилар керакли билимларни ўзлаштириб олганликларининг назорати.Яъни “Таълим олувчилар мақсадга эришишдими?” деган саволга жавоб берилиши керак. Бошқа томондан эса, таълим берувчи учун ўз-ўзини ҳамда ишнинг сифати қандай бўлганлиги текшириш. Яъни “Мен олдимга қўйган мақсадларимга эришдимми?”деган саволга жавоб берилиши керак. Иккала ҳолда ҳам ўлчанадиган натижалар бўлиши муҳимдир.

Хулосамиз шундан иборатки мазкур фанни ўқитиш бўйича изчил бир тизим ишлаб чиқилиши ва талабаларга бериладиган билимлар асосида ҳарбир бўлажак мутахассислар ҳар томонлама ривожланиб, камол топган, фаол ҳаётий мавқиени эгаллаган ва ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган фаолият хавфсизлигини бартараф этиши лозим бўлади.

Олий таълим муассаларида таълим олаётган талабаларни ҳаёт фаолияти хавфсизлигига тайёрлаш учун тайёрланган педагогик тизимнинг асослари қуйидаги концепцион қоидалар ҳисобланади:

- Атроф муҳитнинг ёмонлашиши муносабати билан ушбу фан ва бошқа умумий касб-ҳунар фанлари орқали ҳаёт фаолияти хавфсизлигини сақлашга тайёргарлик жараёни соғлиқни сақлашни, атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи таълим муҳитини шакллантиришда муҳим ва зарур омил ҳисобланади;
- Ҳаётнинг хавфсизлиги мазмуни ва таълим жараёни умумий маданият ва хавфсизлик маданиятини яратишга қаратилган соғлом турмуш тарзини, меҳнат хавфсизлигини, интеграл алоқаларга асосланган атроф-муҳит маданиятини, қиймат йўналишини, психологик ва педагогик тамойилларни яратиш нуктаи назаридан профессионал йўналишни бирлаштирилиши;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанидан талабаларни касбийтайёргарлик тизими таълим жараёнини ташкил қилишнинг турли шаклларидан фойдаланишга асосланган, динамик, ўқув, мослашувчан, ўзгарувчан бўлиши таъминлаш;
- “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанидан талабаларни касбий тайёргарлик тизими таълим жараёнини ташкил қилишнинг турли шаклларидан фойдаланишга асосланган, динамик, ўқув, мослашувчан, ўзгарувчан бўлишини ва олинган кўникмалардан фойдалана олишлари лозим.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанидан педагогик таълимнинг мазмуни талабаларни мавзуларни ўзлаштириш ва билиш фаолиятини ташкил этиш, дарсларда фаоллаштириш уларни кўникмаларни бошқаришга эришиш.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанини ўқитишда талабалар таълим мазмуни, методлари ва воситаларидан уйғун равишда фойдаланиш кўникмаларини эгаллаши лозим.

Таълим тизимининг янги сифат босқичига ўтиш нафақат умумий таълимнинг умумий стратегияси ва мақсадлари нуқтаи назаридан, балки касб таълими

илмнинг салоҳияти, ўзига хослиги, хусусиятлари ва педагогик аҳамияти ҳисобга олиниб, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани соҳасида жиддий ислоҳотлар олиб борилиши керак.

Адабиётлар

1. Кузьмина Н.В. Методы системного педагогического исследования. Учеб. Пособие.1980.
2. Кукин П.Л., Лапин В.Л., Понамарев Н. Л. и др. Безопасность технологических процессов. Учебное пособие для ВУЗов. - М.:«Высшая школа», 2001.

РЕЗЮМЕ

Мақолада касбий таълим жараёнида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанини ўқитиш методикаси тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, фанни ўқитиш жараёнида маълумотларни тақдим этиш босқичлари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается методика преподавания обучения безопасности жизнедеятельности в профессиональной подготовке. Рассматриваются также этапы предоставления информации в процессе науки обучения.

SUMMARY

The article deals with methods of teaching life safety in vocational training. The author also investigates the stages of information presentation in teaching process.

АЎЫЗЕКИ ӘДЕБИЯТ ҲӘМ АДАМЗАТ ТӘРБИЯСЫ

Т.А.Пазылов – *таяныш докторант*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: одамзод, оғзаки адабиёт, ижод, урф-одат, фольклористик асар, маданий ёдгарлик, этнопедагогика, тарбия, миллийлик.

Ключевые слова: человечество, устное народное творчество, творчество, традиции, фольклорные произведения, памятник культуры, этнопедагогика, воспитание, национальность.

Key words: humanity, folklore, creation, traditions, folklore compositions, cultural monument, ethnopedagogy, education, nationality.

Халық аўызеки дөретпелериниң адамзат дүньяға келиўи менен-ақ пайда бола баслағанлығы ҳеш кимге де сыр емес. Оның пайда болыўында сол дәўирдеги адамлардың жасаў жағдайлары, мийнети, турмыс тәжирийбелери, түсиниклери ҳәм дүньякараслары шешиўши роль ўазыйпасын атқарған.

Дүньядағы ҳәр бир халық өзиниң географиялық жасаў орнына, ана тилине, динине, үрп-әдет, салт-дәстүрлерине, тарийхына, миллийлигине ийе. Халықлар арасындағы бир-бирине онша уқсай бермейтуғын өзгешеликлерди, үрп-әдет, дәстүрлерди келтирип жүзеге шығарыўшы тийкарғы фактор - бул әзелден жалғасып киятырған сол халықтың аўызеки дөретпелериниң жемиси болып есапланады. Халық аўызеки дөретпелери әййемги дәўирлерден баслап тәрбия куралы ўазыйпасын да атқарып келгенликтен, ол турмыста қолланыўы арқалы адамзатты ҳәр тәреплеме тәрбиялаў ислеринде кең көлемде пайдаланып келинген.

Халқымыздың өзине тән тарийхы, үрп-әдет дәстүрлери өзинен алдыңғы әўлад ўәкиллеринен кейинги әўлад ўәкиллерине халық аўызеки дөретпелери арқалы жетип келген.

Қарақалпақ халқының фольклорлық шығармалары бир әсирдиң ғана жемиси емес, ал оның пүткил тарийхы менен жасап, пайда болып киятырған дөретпелер саналады [2]. Қ.Айымбетовтың көрсетиўи бойынша «Қарақалпақ халқы түрли тарийхый себеплер менен өзиниң жайлаўы менен қыслаўын таслап көшип, ўатаннан, жерден, суўдан, күн көристен айрылса да олар өзиниң руўхый азығы болған, жылағанда жубанатуғын, тарыққанда толғанатуғын, қапаланса кеўил көterip қуўанатуғын аўыз еки әдебиятын айтып жырлап өзи менен бирге ала жүрген» [2].

Халық - адамларға тән болған ең жақсы қәсийетлерди озинен соңғы әўладлардың минез-қулқында қәлиплестириў ушын фольклор материаллары арқалы нәсиятлаўдан жалықпаған.

Дәслепки дөретпелер «аўызеки дөретпе», «халық аўызеки дөретпелери», «аўызеки әдебият», «халық әдебияты» көринислеринде жүзеге келе баслаған ҳәм турмыс, өмир сабақлығы ретинде жас әўладты тәрбиялаўда зәрүр ўазыйпаларды орынлап келген. Әдебиятшы алым А.Қожықбаевтың атап өткениндей: «…халықтың аўыз еки дөретпелериндеги бай материаллар халықтың тарийхын, мәдениятын, этнографиясы менен археологиясын үйрениўде үлкен әҳмийетке ийе» [4,8] болған.

Әййемги уллы ойшыл Гомер өзиниң «Одиссея» поэмасында ўақыяларды әпсаналық, мифлик көринисте, адамзат жаратылған дәўирлерде жүз берген ўақыялар деп жүдә шеберлик пенен сүўретлеп берген болса, Қарақалпақ халқы да аты аңызға айланған ең ески дәўирдеги ўақыяларды сүўретлеўши «Шәрьяр» дәстанын дөреткен.

Халық аўызеки дөретпелериниң белгили баслы авторлары жоқ. Ол алдыңғы әўладтан кейинги әўладқа, аўыздан-аўызға, атадан балаға, ҳәр қыйлы формада, жыраў, толғаў, қыссаханлық, ертек, дәстан, рәўият, аңыз, әпсаналар, нақыл -мақаллар, қосықлар, үрп-әдет дәстүрлери ҳәм т.б. арқалы жетип келген.

Илимпаз Қ.Айымбетов өзиниң «Халық даналығы» атлы мийнетинде халық дәстанларының келип шығыў тарийхын терең үйрениўи нәтийжесинде дәстанларымыздың дөрелиў тарийхын дәўирлестириўге ерискен. Оның көрсетиўи бойынша, «Шәрьяр» дәстаны ең ески дәўирлерди, «Қоблан» дәстаны печенег-қыпшақ дәўирлерин (XI-XII әсир), «Едиге», «Ер Шора», «Нураддин» дәстанлары Алтын Орда дәўирин (XIII-XV әсирлер), «Алпамыс», «Мәспатша» дәстанлары Қоңырат-Байсун дәўирлерин (XV-XVI әсирлер), «Қырық қыз», «Бозуғлан», «Шийрин Шекер», «Ер Зийўар» дәстанлары Бухара-Булуңғыр дәўирлерин (XVI-XVII әсирлер) ҳәм «Юсуп Ахмед», «Ғәрип ашық», «Горуғлы» дәстанлары болса Хорезм дәўирин (XVII-XX әсирлер) өз ишине алады [2:94-95] бөлиўге болады деп көрсетеди.

Деген менен, мәмлекетимиз өз миллий ғәрезсизлигине ерискенге шекемги тоталитар дүзим дәўиринде бул мәдений естеликлерге «өтмиштиң қалдығы» деген айдар тағылып, оларды халқымыздың сана-сезиминен, пүткиллей алып таслаў, миллий руўхый туйғыларымызды ҳәлсиретиў сол дәўирдеги идеологияның баслы мақсети болғанлықтан, мийрасларымыздың өз ўақтында толық топланыўына, жетерли дәрежеде үйрениліўине үлкен тосқынлықлар болғанлығы ҳәммеге мәлим. Усыған қарамастан, белгили филолог алымлардан Н.Дәўқараев, Қ.Айымбетов, И.Т.Сағитов, Қ.Мақсетов ҳәм басқалар, бир қатар дәстанларды, аңыз-әңгимелерди, нақыл-мақалларды, халық аўзынан жыйнап алыўға ҳәм олардың гейпараларын жәриялаўға ерискен.

Өткен әсирдиң 70-80-жыллары аралығында барлық топланған фольклорлық материаллардың мақсетке муўапық деп табылғанлары «Қарақалпақ фольклорының көп томлығы» деген атама менен XX том көлеминде баспадан шығарылған.

2007-2015-жыллар аралығында жәрияланбаған бирқанша халық аўыз-еки дөретпелери қайта көрип

шығылып «Қарақалпақ фольклоры» деген атама менен 100 томнан ибарат китап ретинде баспадан шығарылып халқымыз нәзерине усынылды. Қазақ алымы Ш.Ўәлихановтың «Қарақалпақлар- сахра бүлбиллери» деген теңеўлери ҳақыйқатлыққа айланды.

Халқымыз, адамзаттың руўхый-әдеп-икрамлылық жақтан раўажланыўына унамлы тәсир жасаўшы, адамлардағы ең жақсы пазыйлетлерди өзинен соңғы әўладлардың минез-қулқында қәлиплестириўди мақсет еткен дәстан материаллары арқалы нәсиятлаўдан ҳеш-қашан жалықпаған. Н.Жапақов мийнетлериниң биринде Өзбекстан Илимлер Академиясының Қарақалпақстан филиалы архивинде 50 ден аслам жәриялан-баған халық дәстанлары болғанлығын айта келип бунның «…оғада үлкен мәдений байлық» [5:412] екенлигин тастыйықлайды. Және де, бул дәстанлардың «…халқымыздың тарийхын, мәдениятын ҳәм әдебият тарийхын толықтырыўда үлкен әҳмийетке ийе…» [5:412] екенлигине айрықша дыққат қаратқанды мақул көреди.

Фольклоршы илимпаз Ә.Тәжимуратов халық аўызеки дөретпелерин терең үйрениўи нәтийжесинде «Қарақалпақ халық педагогикасы» атлы мийнетин Республикамызда биринширлерден болып жәриялаўға еристи [6]. Бул мийнет халқымыз нәзерине түскен баҳалы мийнетлердиң қатарынан орын алды. Илимпаз өз мийнетинде халық аўызеки әдебияты үлгилериниң адамзатқа тәлим ҳәм тәрбия бериў ислеринде үлкен роль атқарып келгенлигин жоқары баҳалап, оларды халық педагогикасының әжайып дүрданаларының қатарынан орын алады деген жуўмаққа келеди ҳәм бул халық педагогикасының еле де болса өз изертлеўин күтип атыр»ғанлығын. [6,4] көрсетип өтеди. 2010-жыл академик Ж.Базарбаевтың илимий басшылығында А.Пазылов, Ә.Алымов О.Кназбаевлардың қатнасыўында «Қарақалпақ этнопедагогикасы» [3] атлы илимий жумыстың баспадан шығыўын, усы халық дөретпелерин изертлеўдиң және бир дәлили иретинде көриўимиз мүмкин.

Адамзат пайда болып ҳәр тәреплеме раўажланып, ҳәзирги аўҳалына келемен дегенше барқулла өзиниң тәрбияға мүтәжлигин сездирип келген. Алдағы ўақытларда да адамзат турмысындағы бул көринис өз сәўлелениўин таба береди. Себеби, ҳеш бир адам баласының «мен барлық билимлерди ийеледим», «мен тәрбияланып болдым», «мен тәлим ҳәм тәрбияның бийик шыңына жетип болдым» деген шешиўши пикирди айтыўының ҳеш бир иләжы жоқтай көринеди. Мине, усы көринислердиң өзи ҳақыйқаттан да «тәрбияның мәңгилик категория» екенлигинен дерек береди.

Педагогикалық әдебиятларда адам түсинигине тәлим ҳәм тәрбияның объекти сыпатында қаралады. Мәселен, белгили рус педагогы К.Д.Ушинский тәрбияға байланыслы дөретилген ҳәм сол мийнети арқалы дүньяға белгили болған мийнетиниң атамасын «Адам – тәрбия предмети сыпатында» [8] деп алғанды мақул көреди. Белгили илимпаз Қ.Назаровтың пикири бойынша, «Адам-ҳәр кандай философиялық тәлийматтың тийкарын қураўшы фундаментал философиялық категория. Адам түсинигин анық тәриплеп бериў ушын оны дүньядағы бар болған басқа да биологиялық жаратылыслардан ажыратып турыўшы ең айрықша өзгешеликлерин анықлаў зәрүр» [7] деп көрсетеди, Ҳақыйқатында да, философиялық, педагогикалық, психологиялық ҳәм физиологиялық көзқарас пенен қарағанымызда да адамның жаратылысы, келип шығыўы, басқа да биологиялық жаратылыслардан айырмашылығы - оның саналы түрде тәрбияға мүтәж жаратылыс екенлигинен дерек береди.

Тәрбия адам тәрепинен бериледи. Тәрбия бериўшиниң өзи де тәрбияланған болады ҳәм тәрбияланыўын даўам ете береди.

Адам тәрбия ислеринде өз мақсетине ерисиўи ушын бир қанша тәрбия қуралларынан: тәрбияшы, устаз, муғаллим тәрепинен сондай-ақ, халқымыздың аўызеки әдебиятынан, миллий үрп-әдет дәстүрлеринен, фольклорлық шығармалардан сөзсиз пайдаланады.

Жуўмақлап айтқанда, аўызеки әдебиятларда сәўлелендирилген қаҳарманлар жақсылықтың жеңиске ерисиўи ушын жаманлықлар менен гүреседи ҳәм жеңеди өзлериниң сол ўақыттағы мәдениятларын көрсетеди. Соның ушын да, аўызеки әдебият үлгилериниң қайсы бирин алып қарасаңыз да халқымыз қәстерлеген, этномәдениятымыздан орын алған әдиллик, инсаныйлық, ийманлылық, шүкирлик, аманатты аман сақлап өз ийесине қуўыстырыў, мәртлик, ҳадаллық, әдеплилик ҳәм өз орнында сөйлеў мәденияты сыяқлы көплеген унамлы қәсийетлер, сыпатлар бир-бирлери менен салыстырылып көрсетиледи. Бул көринислер өз нәўбетинде аўызеки әдебияттың адамзат қәлбине жол табыўда әҳмийетиниң уллылығын бәрқулла дәлиллеп турғандай сезиледи.

Әдебиятлар

1. Айымбетов Қ. Халық данальғы. - Нөкис: «Қарақалпақстан». 1988, 492-б.
2. Алеўов О. Қарақалпақстанда тәлим-тәрбиялық ойлардың қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўы. - Нөкис: «Билим», 1993, 504-б.
3. Базарбаев Ж., Пазылов А., Алымов А., Кназбаев О. Қарақалпақ этнопедагогикасы. - Нөкис: «Билим», 2010, 128-б.
4. Жапақов Н. Еске түсириўлер, илимий мийнетлери (Дүзиўшилер Мәмбетниязов, Х.Сейитов, И.Курбанбаев, У.Жапақова. Худ. А.Әметов). -Нөкис: «Билим», 1990, 626-б.
5. Қожықбаев А. Тарийхый қосықлар. - Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1980.
6. Тәжимуратов Ә. Қарақалпақ халық педагогикасы. - Нөкис: “Билим”. 1996.
7. Фалсафа: комусий луғат (Тузувчи ва масъул мухаррир К.Назаров). -Т.: «Шарқ», 2004, 496-б.
8. Ушинский К.Д. Человек как предмет воспитания. I-том. -Москва: «Директ-Медиа». 2012, -С. 245.

РЕЗЮМЕ

Мақолада одамзоднинг шаклланишида, ривожланишида, тарбияланишида, баркамолликка етишишида халқ ағзаки адабиётининг ўрни ва шу масалаларга боғлиқ бўлган айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига тўхталиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена роли фольклора в становлении, развитии, воспитании и развитии человечества, а также взглядам некоторых исследователей по этим вопросам.

SUMMARY

The article is devoted to the role of folklore in the formation, development, upbringing and development of mankind, as well as the views of some researchers on these issues.

ЛИНГВОМАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ МАЗМУНИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

З.Ж.Сарсенбаева - *ассистент ўқитувчи*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: маданият, стратегия, компетенция, коммуникатив кўникмалар, педагогик хусусиятлар, маданий алоқа, чет тилларини ўқитиш.

Ключевые слова: культура, стратегия, компетентность, коммуникативность, педагогические особенности, культурная коммуникация, преподавание иностранных языков.

Key words:culture, strategy, competence, communicativeness, pedagogic peculiarities, cultural communication, foreign language teaching.

Биз маданиятни кенг қамровли, маълум бир худудга хос бўлган ғоялар, урф-одатлар йиғиндиси, шунингдек, маълум бир гурух кишиларининг эътиқоди, анъаналари ва ҳаёт тарзи сифатида тушунамиз. Тилнинг аҳамиятига

келсак, у нафақат воқеликни акс эттиради, балки инсон ўзи яшайдиган алоҳида ҳақиқатни яратади ва шарҳлайди. Мана шунинг учун ҳам фалсафа минг йиллардан буён тилдан фойдаланиш асосида ривожланади. Бизнинг давримизнинг буюк мутафаккири А.М.Хайдеггер бу тилни "борлиқ уйи" деб атаган [6]. А.М.Ҳайдеггер бу мавзу бўйича қуйидагича ёзади: "... инсон фаолияти маданият сифатида тушунилади ва тартибга солинади. Маданият инсоний фазилатларни ривожлантириш орқали олий қадриятларни англашдир. Бу маданиятнинг моҳиятидан келиб чиқади, бу ўз навбатида, маданий ривожланишга айланиб, ўзини такомиллаштиради» [6].

Аммо маданият шунчаки артефактлар тўплами эмас, яъни инсон қўли билан яратилган моддий дунё – бу инсон ўз фаолияти маҳсулига ва фаолиятнинг ўзига нисбатан қўлланиладиган маънолар дунёси. Янги маъно яратилишининг ўзи маънавий маданиятда – санъатда, динда, фанда фаолиятнинг маъносига айланади [5].

Лингвокултурология тилшунослик ва маданиятшуносликнинг бирлашмасидан пайдо бўлган, тилда акс эттирилган ва мустаҳкамланган халқ маданиятининг намоёндаларини ўрганадиган тилшунослик бўлими. У этнолингвистика ва социолингвистика билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, В.Н.Телиа лингвокултурологияни этнолингвистиканинг бўлими деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, улар, асосан, турли фанлардир [7].

В.А.Звегинцев эса этнолингвистикани тилнинг маданияти, халқнинг урф-одатлари, жамиятнинг ижтимоий тузилиши ёки, умуман, миллат билан алоқаларини ўрганишга қаратилган йўналиш сифатида тасвирлаган эди [8]. Этнос – бу маданият ва психиканинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг келиб чиқиши ва тарихий тақдири, тилнинг умумийлиги, инсонларнинг ўз-ўзини англаши ҳақидаги ғояларнинг умумийлиги билан боғлиқ бўлган халқларнинг лисоний, анъанавий ва маданий жамоати ҳисобланади.

Лингвокултурология учун маданият цивилизацияга қараганда кўпроқ қизиқиш уйғотади, чунки цивилизация моддий, маданият эса рамзийдир. Лингвокултурология, асосан, афсоналар, урф-одатлар, маросимлар, маданият рамзлари ва бошқаларни ўрганади. Ушбу тушунчалар маданиятга тегишли бўлиб, улар кундалик ва маросим хатти-ҳаракатларида, тилда намоён бўлади. Лингвокултурология этнопсихолингвистика билан чамбарчас боғлиқ, нутқ фаолиятида маълум бир урф - одат билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг элементлари қандай намоён бўлишини, турли тиллар ташувчиларининг лисоний ва нолисоний хатти-ҳаракатларидаги фарқларни таҳлил қилади, нутқ этикетини ва "дунёнинг рангли расми"ни тадқиқ этади, маданиятлараро мулоқот жараёнида ва матнлардаги лакунани, турли халқларнинг нотиқлик борасидаги хатти-ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари сифатида икки тиллик ва кўп тилликни ўрганади. Дунё ҳақидаги маълумотларнинг аксарияти лингвистик канал орқали инсонга келади, шунинг учун инсон интеллектуал, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлар учун яратилган тушунчалар, шунингдек, объектлар ва нарсалар дунёсида кўпроқ яшайди: ахборотнинг катта қисми унга сўз орқали келади, яъни жамиятдаги инсоннинг муваффақияти, нутқ маданияти жиҳатига эмас, балки тил сирларини ўрганиш қобилиятига боғлиқдир. Файласуфлар, ҳатто, ҳар қандай объект маъносини англатадиган сўзни яхшилаб тушуниш орқали, ҳақиқий дунёни эгаллаш осонроқ бўлиши мумкинлигини айтишади.

Ушбу тадқиқот иши лингвокултурологиянинг асосий вазифаси яъни халқнинг руҳий онгини ва унинг маданиятини тил орқали кўрсатиб бериш, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирини фан сифатида шакллантириш, лингвомаданий компетенцияни ривожлантиришнинг педагогик ва дидактик имкониятларини очиб бериш мавзусига бағишланган.

Бизга маълумки, инсон болалигиданоқ тилни ўрганиши билан у инсонга айланади ва шу билан ўз халқининг маданиятини ўзига сингдиради. Халқ маданиятининг барча нозик ва ўзига хос бўлган жиҳатлари тилда кўринади, чунки у дунёни ва ундаги одамни турлича акс эттиради. Н.И.Жинкиннинг қайд этишича: "тил маданиятнинг ажралмас қисми ва унинг воситасидир, бу бизнинг руҳий ҳақиқатимиз, маданиятнинг юзи, ва миллий менталитетнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этади. Тил - бу инсон олдидаги онг доирасини очувчи механизм" ҳисобланади [4].

Демак, тил ва маданият бир бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади ва ўзгариб боради. Киши бирон бир тилни ўрганар экан, албатта шу тилда сўзлашувчи миллат ва элатлар маданиятининг ўз маданиятига ўхшаш ҳамда фарқли томонларига ҳам этибор қаратади ва таҳлил қилади. Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, айнан юқоридаги вазифаларни талабаларга ўргатиш, шунингдек, уларни касбий йўналиш доирасида тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари билан батафсил таништириш, ижтимоий маданий мулоқот малакаларини ривожлантириш, ўрганилаётган чет тилининг функционал шакллари ва услубларини, тил тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Талабаларнинг маданиятлараро мулоқотга кириш қобилиятини, лингвомаданий компетентлигини оширишда кўпгина педагогик механизмлардан, интерактив методлардан, фразеологизмлардан, халқ мақолларидан фойдаланилади.

Нима учун фразеологик бирликлар, метафора, рамзлар ва бошқалар ўрганилади, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаби, аслида улар халқнинг маданияти ва менталитети ҳақида энг қимматли маълумот манбаи бўлиб, уларда афсоналар, урф-одатлар сақланиб қолади.

Машҳур рус тилшуноси Б.А.Ларин шундай деб ёзган еди: фразеологик бирликлар ҳар доим билвосита халқнинг, ижтимоий тузумнинг ва ўз даври мафкурасининг қарашларини акс эттиради. Тафаккур - тонгнинг нури бир томчи шудрингда акс этгани каби инсон салоҳияти унинг ақлий заковатида акс этади [9]. Метафора, рамзлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Энг муҳими, тил сири инсоният сирларининг энг муҳимидир, деган фикр илгари сурилади: агар у ошкор бўлса, кўп асрлар ичида яширинган ёки йўқолган билимлар ҳам очилади. Бизнинг мақсадимиз тил бирлиги ортида турган унсурларни, тилнинг ташқи структураларини, уларнинг чуқур моҳияти билан боғлашга имкон берувчи маданий фонни кўришга ёрдам беришдир.

Маданият, урф-одат, тарих ҳақидаги билимларни шакллантириш жараёнида талабалар нутқ фаолиятининг барча турларини ривожлантирадилар, ўқув машғулотлари олиб бориладиган тил тўлиқ очиб берилади. Тил маданиятининг кўриниши, лингвокултурологиянинг асосий лингвистик бирликлари ҳақида маълум бир ахборотни сақлаш ва ўрганиш жараёнида намоён бўлади. Бундай лингвомаданий бирликлар эса ўзлаштирилиши керак, чунки билимлар мустаҳкамланиши, тасдиқланиши, такрорланиши ва актуаллашиши керак.

«Компетенция» атамаси шахснинг касбий ва шахсий фазилатларини ифодалаш учун ишлатилади. Инглиз тилидаги "competence" сўзидан хорижий тилда коммуникатив компетенцияни шакллантириш билан тавсифланадиган, ўқишга компетентив ёндашув орқали бошқа тиллар ва академик фанларга киритилган тушунча англашилади.

1. Antonacci, P. A., & O’Callaghan, C. M. (2006). A handbook for literacy: Instructional and assessment strategies K–8. Boston, MA: Pearson Education, Inc.

2. Blank, M. (n.d.). Levels of questioning. Retrieved October 8, 2019 from http://planningwithkids.com/2010/03/18/ blanks-levels-of-questioning-stimulatingchildren%E2%80%99s-language-development/

3. Burns, M.S., Griffin, P., & Snow, C.E. (1999). Starting out right: A guide to promoting children’s reading success. Washington, DC: National academy press.

4. Beals, D.E., De Temple, J.M., & Dickinson, D. (1994). Talking and listening that support early literacy development of children from low-income families. In D. Dickinson (Ed.) Bridges to Literacy: Approaches to Supporting Child and Family Literacy(pp. 30–40). Cambridge, MA: Basil Blackwell.

5. Chuska, K. (1995). Improving classroom questions: A teacher’s guide to increasing student motivation, participation, and higher level thinking. Bloomington, IN: Phi Delta Kappa Educational Foundation

6. Deshler, D. (2005). Adolescents with learning disabilities: Unique challenges and reasons for hope. Learning Disability Quarterly, 28(2), 122–124

7. Dickinson, D. K., De Temple, J. M., Hirschler, J., and Smith, M. W. (1992). Book Reading with Preschoolers: Co-Construction of Text at Home and at School.” Early Childhood Research Quarterly, 7, 323–346.

8. Glasson, S. (2005). Hooked on questioning: How the teacher librarian can change questioning practices in their schools. International Association of Librarianship. Selected papers from the Annual Conference, Brantford

9. Harvey, S., & Goudvis, A. (2000). Strategies that work: Teaching comprehension to enhance understanding. Markham, Ontario: Stenhouse Publishers

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқувчиларнинг ўқиган матнларни чуқур тушуниш, танқидий фикирлашини ривожлантирин учун баъзи аниқ ўқиш стратегиялари муҳокама қилинади. Ўқиш – бу маълумотларни били шва таҳлил қилиш жараёнидир. Ўқилган матнларни тушуниш стратегиясини ўрганиш ва ундан фойдаланиш ўқувчиларга хаётларининг барча сохаларида чуқур ва танқидий фикирлашга ёрдам беради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются некоторые конкретные стратегии понимания прочитанного для развития критического мышления учащихся. Чтение - это процесс познания и анализа некоторой информации. Изучение и использование стратегий понимания прочитанного поможет студентам глубоко и критически мыслить во всех сферах их жизни.

SUMMARY

This article discusses some specific reading comprehension strategies for development students' critical thinking. Reading is the process of acquiring and analysis some kind of information. Learning and implementing reading comprehension strategies helps students to think deeply and critically in all spheres of their life.

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

И.Р.Турдимамбетов – *география фанлари доктори, доцент*
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
Х.Б.Никадамбаева – *педагогика фанлари номзоди, доцент*
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Таянч сўзлар: олий таълим, инновацион ғоя, илмий тадқиқот, танқидий тафаккур, лойиҳа, ижодий ёндашув, мустақил таълим, модернизация.

Ключевые слова: высшее образование, инновационная идея, научные исследования, критическое мышление, проект, творческий подход, самостоятельное образование, модернизация.

Key words: higher education, innovative idea, research, critical thinking, project, creative approach, independent education, modernization.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йилни "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" йили деб эълон қилиниши, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар асосида ўқув жараёнининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда таълим муассасаларида ёш кадрларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориш олий таълим тизимининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик",–дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Юртбошимиз бу ҳақдаги сўзларини давом эттирар экан, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!" дея, Шарқ донишмандларидан иқтибос келтирди ва шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши кераклигини таъкидлаб ўтди [5].

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир [1]. Дарҳақақат, гуманитар фанларни ўқитиш ҳамда таълим–тарбия жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятининг энг юқори даражасини таъминловчи, уларнинг мустақил ижодий фикрлай олиш қобилиятларини ривожлантирувчи таълим воситалари, шакл ва услубларини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Илм-фан, жамият тараққиётини, гуманитар фанларнинг ривожланишини ҳар томонлама етук, баркамол, инновацион ғоялар билан куролланган, касбий компетенция ҳамда халқаро стандарт талабларига тўлиқ жавоб берадиган мутахассисларсиз тасаввур этиш қийин.

Гуманитар фанларни ўқитиш методикасининг мақсади ҳам инновацион ғояларга, илмий тадқиқот методларга ҳамда замонавий педагогик, ахборот коммуникацион технологияларга асосланган ҳолда воқеа ва ҳодисаларни, жараёнларни, уларнинг сабаб ва оқибатларини, қонуниятларини, табиий ва иқтисодий-ижтимоий тушунчаларни билим олувчиларга етказа олишга қодир юксак малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган.

Танқидий тафаккур – илмий изланиш, мустақил фикр, ўз позицияси ва ёндашуви, қарашлари, далиллаш ва исботлаш, ижодий ахборот алмашиш, ижодий мунозара, бағрикенглик, бошқалар фикрини эшитиш ўз илмий натижаларини танқидий баҳолаш, илмий муаммога шахсий ёндашув, муаммо ечимини яхши тушунишга олиб келади. Танқидий тафаккур, талабаларда илмий тадқиқот ишларини мустақил изланишлар олиб боришлари натижасида инновацион ғоялар шаклланишига асос бўлади. Илмий тадқиқотда – илмий муаммони тўғри қўйиш, тадқиқот мақсад ва вазифаларини аниқ қатъий белгилаш лозим.

Муаммоли вазият – илмий кашфиёт содир бўлган ва илмий тадқиқот жараёнида аввал эгалланган билим асосида тушуниб, талқин қилиб ва тушунтириб бўлмайдиган билим олинган ҳолларда фанда муаммоли вазият юзага келади: Ана шунда янги билимга эҳтиёж туғилади. Янги билимнинг ўзи эса фанда муаммолар ва муаммоли вазиятларни вужудга келтиради. Бундай ҳолларда танқидий фикрларнинг барча усуллари ва воситаларидан ижодий фойдаланиш, янгича тушунтириш, тавсифлаш ёки гипотеза таклиф қилиш, янги назария яратиш, мавжуд билимнинг чегараларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ҳаракат қилиш мумкин.

Пирсон, Хансен, Гордон (1979)лар таъкидлашадики, ўз фикрларини ижод қилиш гўё аввалги ғоя, тасаввур, учрашувлар ва тажрибаларни археологик жиҳатдан тадқиқ қилишга олиб келади. Танқидий фикрлашда эркинлик бўлиши учун талабалар маъқул ва номаъқул нарсаларни айтиш, улар ҳақида фикрлаш, ижод қилиш учун рухсат олишлари лозим. Талабалар йўл қўйиладиган ҳолатларни англаб олишгач, танқидий таҳлил қилишга фаол киришадилар. Михали Чикжентмихалий (1975) таъкидлайдики, талабалар ўша мураккаб даражадаги ўқув жараёнида фаол иштирок этишса, билиш жараёнида қатнашганлигидан катта баҳра оладилар ва ўзларида чуқур қониқиш ҳиссини сезадилар.



Олий мактабдаги ўқув жараёнида инновацион ғоялар ишлаб чиқишга, илмий тадқиқот методларга бўлган эҳтиёжни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши ва талабаларнинг ўз-ўзини баҳолай олишини, яъни рефлексияни, уларнинг касбий тайёргарлигини, янги билимларни эгаллашга бўлган онгли муносабатини аниқлаб беришга имкон беради.

Олий таълим тизимига илмий тадқиқот методларини кенг тарғиб этиш, талабаларни илмий тадқиқот фаолиятларини ривожлантириш билан бирга, машғулотларга тайёрланиш, олдиндан эгалаган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, индивидуал фаоллигини ошириш натижасида инновацион ғоялар туғилишига имкон беради. Инновацион ғоялар ишлаб чиқишни самарали ташкил этишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- *инновацион ғояларнинг илмийлиги, унинг тадқиқий характери;*
- *мустақил равишда ўз билимларини янада ошириб боришга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши;*
- *илмий тадқиқот ишида белгиланган вазифаларни индивидуаллаштириш ҳамда масъулият билан бажариш;*
- *илмий тадқиқот ишларни ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш.*

Инновацион ғояларни ишлаб чиқишнинг асосий мақсади талабаларнинг шахсий ва касбий сифатларини ўстиришдир. Инновацион ғоялар ишлаб чиқишнинг асосий вазифалари: *шахснинг интеллектуал имкониятларини янгилаш, уларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, касбий маҳорати ва маданиятини такомиллаштириш.*

Инновацион ғоялар ишлаб чиқиш бўйича машғулотларнинг изчиллигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг режаси тузиб олинади. Режага қуйидаги талаблар қўйилади:

- *режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми ва кетма-кетлиги;*
- *уларнинг бажарилиш муддатлари;*
- *мустақил фаолиятнинг ҳар бир турига мақсадли кўрсатмалар бериш.*

Талабаларда янги билимни ривожлантиришга, инновацион ғоялар ишлаб чиқишга мойиллик яратишга, ижодий- креатив жараённи юзага келтиришга имкон берувчи илмий тадқиқот методлардан бири *“Ўқув лойиҳаси” стратегиясиди*р. Метод талабалар томонидан индивидуал, гуруҳ ёки жамоа тарзида аниқ белгиланган вақт оралиғида ўрганилаётган мавзу бўйича ахборотларни йиғиш ва тадқиқ қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Машғулотларда методдан фойдаланиш талабаларда режалаштириш, қарор қабул қилиш, фаолиятни амалга ошириш, маълумотларни қайта текшириш, мавжуд маълумотларга таянган ҳолда хулоса чиқариш, натижаларни баҳолаш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради. Методни қўллашда талабалар мавзу бўйича янги лойиҳаларни ярата олишлари лозим. Лойиҳаларни яратишда таклиф этилган жараённинг моҳияти қисқа, аниқ фикр, белги, тасвирлар ёрдамида ифодаланиши талаб этилади [4].

Лойиҳа (projekt) – тушунчаси кенгроқ ифодаланиб, маълум натижа (лойиҳанинг бекиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади [3].

Лойиҳавий таълим қуйидаги долзарб таълим муаммоларини ҳал этиш имконини беради ва давр талабига мос келади [2]:

- таълимни реал ҳаёт билан амалий боғлайди;
- назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлаб, талабаларни мустақил ишлашга жалб этади;
- касбий ва таянч лаёқатларини шакллантиради ва ривожлантиради.



Ўқув лойиҳасини бажариш бўйича иш режаси наъмунасидан лавҳа

“Ўқув лойиҳаси” стратегияси илмий тадқиқот методини олий таълим тизимида ўқув жараёнига татбиқ этиш талабаларда:

- дарслик, ўқув қўлланмалар, хорижий адабиётлар билан индивидуал ишлаш;
- ахборотлар оқимида энг муҳим ахборотни топиш, унга тўғри баҳо бериш;
- ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида самарали фойдаланиш;
- инновацион ғояларни ишлаб чиқиш кўникмасини ва малакасини ривожлантиради.

Адабиётлар

1.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

2.Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: 2006, 159-б.

3. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси тўпламиЯ. Методик қўлланма / Серия “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида инновацион технологиялар”. – Т.: ТДИУ, 2013. 83-б.

4. Никадамбаева Х.Б., Рўзиева Д.И., Карабазов З.А. “Ўрта Осиё табиий фанлар”ни интерфаол методлардан фойдаланиб ўқитиш методикаси. Услубий қўлланма. Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2017. 224-б.

5. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat mirziyeevning-oliy-25-01-2020.

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий таълимда табиий ва гуманитар фанларни ўқитишда инновацион ғоялар ишлаб чиқишда, лойиҳа илмий тадқиқот методини татбиқ этиш натижасида талабаларда ижодий ёндашув ва танқидий тафаккур кўникмаларини такомиллаштириш каби масалалар ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье отражены такие вопросы, как совершенствование творческого подхода и навыков критического мышления студентов в результате внедрения проектного научно-исследовательского метода при разработке инновационных идей в преподавании естественных и гуманитарных наук в вузе.

SUMMARY

The article reflects such issues as improving the creative approach and critical thinking skills of students as a result of the implementation of the project research method in the development of innovative ideas in the teaching of natural and humanitarian sciences at the University.

ЗАВИСИМОСТИ ИЗНОСОСТОЙКОСТИ ПРЯЖИ ИЗ СВМ ВОЛОКОН ОТ УГЛА САМОИСТИРАНИЯ ПО МЕТОДУ ПЕТЛИ

И.Турманов – *кандидат технических наук, доцент*

В.Утешбаева, У.Қаниярова, Э.Уснатдинова - *студенты*

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Таянч сўзлар: ўз-ўзига ишқаланиш, ИПП асбоби, сиртмоқ услуби, ишқаланиш бурчаги, узилганча ишқаланиш сони.

Ключевые слова: самоистирание, прибор ИПП, метод петля, угол истирания, число истирания до разрыва.

Key words: self-imitation, IPP device, loop method, abrasion angle, the ability to rise to the break.

Изнашивание - процесс вызывающий, ухудшение свойств или постепенное разрушение материала под действием.

Истирание - это изнашивание волокон и нитей в результате внешнего трения. Оно возникает при их контакте с истирающими материалами (абразивами) или самоистиранием и сопровождается уменьшением массы изнашиваемого материала.

Устойчивость волокон к истиранию обычно оценивают числом циклов, вызывающих их разрушение. На основании экспериментов разных авторов [1,2] можно считать, что высокой устойчивостью к истиранию обладают волокна и нити, имеющие большую прочность на разрыв и долю обратимой деформации, но низкие модуль жестокости и коэффициент трения. Для натуральных и химических волокон и пряжи применяется прибор на самоистирание в петле. Изучается полного разрушения или до определенного числа циклов истирания с последующие изучение кинетики её изнашивания [3].

В работе использовалась промышленная ориентированная сверх высокомодульная (СВМ) волокна полученного одноосным деформированием. Изучения структуры волокна применялись рентгеноструктурный анализ, для установления разницы ориентации макромолекул с степени кристалличности волокон при нагревании (табл.1.)

Таблица 1. Величины структурных параметров синтетического СВМ волокна после отжига полученным методом рентген структурного анализа.

Температура отжига, ^{0}К	Степень Кристалличности, %	Степень ориентации, град	Прочность одиночных волокон *10^2 Н
293	84,1	17,2	39,9
373	84,1	17,2	39,9
423	84,1	17,3	39,7
473	84,1	17,4	38,9
523	84,3	17,7	38,0
623	84,7	18,9	36,8
723	85,2	20,7	34,9

Было испытано химическое сверх высокомодульное (СВМ) волокно самоистиранию при температуре окружающей среды t = 33°, влажность W =45% рабочая нагрузка на нить 60 г. при разных углах истирания.

Для изучения кинетики износа пользовалось прибор ИПП (для испытания нити на самоистирание) выпушенный Московским опытным заводом при ЦНИХБИ. Рис. 1. [3] .

На испытания нити на самоистирание брали нижеследующие параметры;

1) амплитуда истирания 30 мм.

2) частота истирания 80 цикл

3) угол истирания 60-120° (рис. 2)

4) рабочая нагрузка на нить до 5% от разрывной нагрузки.

Фактическая нагрузка на нить вычисляется по формуле

$$P_{факт} = \frac{13}{5} \cdot P'$$

где P'- груз предварительного натяжения $\frac{13}{5}$ – соотношение длин плечрычага предварительного натяжения.

В таблице 2 показано зависимости числа циклов до разрыва от угла самоистирания и на рис.3 показано график зависимости число циклов самоистирания до разрыва от углаистирания по методу петли.





Рис.2. Заправка по схеме петля. Рис.1 Прибор ИПП.

Таблица 2. Зависимости числа циклов до разрыва от угла самоистирания

Вариантов	Угол истирания, φ	Число циклов до разрыва, n
1	60	265
2	70	400
3	80	479
4	90	611
5	100	702
6	110	879
7	120	1248

Напряжения в нити при самоистирании формируется действием как нормальных $F_н$ так и тангенциальных F_T сил, действующих в каждой точке контакта «нить-нить» [2]. При этом согласно схема заправки нити:

$$F_H = 2P\cos\frac{\varphi}{2} \qquad 0 \le \varphi \le \pi$$

При постоянном $P = P_0$ зависимости от величины угла φ когда меняется соотношение между F_H и F_T, в местах контакта нитей при самоистирании происходят сложные процессы, связанные как силами трения $F_{TP} = fF_H$ f-коэффициент трения , так и с деформацией нитей.



Рис.3. График зависимости число циклов самоистирания до разрыва от угла самоистирания

Из полученных результатов можно сделать следующие выводы:

1) с уменьшением угла истирания φ увеличивается F_H , в местах контакт увеличивается сжатие нитей, сопровождающееся нарушением фрикционных связей волокон в пряже или элементарных нитей в комплексной СВМ нити. При этом происходит усиленное внедрение одной нити в другую, увеличивается площадь фактического контакта нитей, поверхности истирания и, таким образом, возрастает F_{TP}.

2) Увеличение же за счёт F_{TP} тангенциальных сил F_T приводит в процессе самоистирания к смещению вдоль нити отдельных волокна и даже их выдергивание. Больше выдергивание происходит, когда нить с меньшей круткой характерно к данной СВМ нити.

3) С увеличением угла истирания увеличивается число циклов самоистирания до разрыва.

4) Наибольшая ориентация кристаллов и высокое значение степени кристалличности ($\varphi = 17°$, 84,1%) СВМ волокна определяет высокие показатели её механических свойств (39,9*10^2 Н) в исследуемой температуре. Эти показатели влияет на долговечность исследуемого волокна на самоистиранию.

Литература

1. Малкин А.Я., Аскадский А.А. Методы измерения механических свойств полимеров. -М.: Химия, 1978, -С. 238.
2. Кобляков А.И., Селиверстов В.В. Об износостойкости нитей при самоистирании по методу петли. Тезисы докладов X Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Ч.1. –Львов: 1990, -С. 3-10.
3. Турманов И. и др. Отчёт по теме «Определение взаимосвязи между механическими и структурными характеристиками материалов ТЗП». –Нукус: 1983, -С. 128.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўта юқори модулли синтетик толанинг ўз-ўзига ишқаланишидан емирилиши сиртмоқ услубида ўрганилган. Ишқаланиш бурчагининг ортиши билан узилишгача ишқаланиш сонининг артиши аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены результаты исследования износа до разрыва свехвысокомодульного синтетического волокна по методу петли. Определено что с увеличением угла истирания, увеличиваются число циклов истирания до разрыва.

SUMMARY

The article presents the results of a study of the wear before breaking from a high-modulus synthetic fiber using the loop method. It is determined that by an increase of the abrasion angle, there is an increase in the number of abrasion cycles before rupture

XALÍQ PEDAGOGIKASÍNDA BALALALARDÍ TÁRBIYALAWDA DENE TÁRBIYASÍNÍŃ ÁHMIYETI

G.Zarımbetova - *assistent oqıtıwshı*

Ájiniyaz atındagı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch so'zlar: pedagogika, xalq pedagogikasi, bola tarbiyasi, adob-axloq, jismoniy tarbiya, ota-ona.

Ключевые слова: педагогика, народная педагогика, детское воспитание, манера и поведение, физическое воспитание, родители.

Key words: pedagogics, folk pedagogics, education of a children, manners and behavior, physical education, parents.

Xalıq pedagogikası turmıstaǵı hár qıylı nárselerge uqıplı, ushırasqan qıyınshılıqlardı shıdamlılıq penen jeńip shıǵatuǵın quwatlı jaslardı jetilistirip tárbiyalaw kerekligine ayrıqsha dıqqat qaratadı. Bunda aldı menen balanıń deni saw bolıp ósiwin maqset etip adamnıń kúndelikli tirishilikte zárúrli bolatuǵın tiykarǵı dene sapalılıǵın, tez háreket etiwin, shaqqan qıymıldısı zárúr ekenligine tárbiyalawdı erkin, ıqtıyarın ózinde uslap tutıwın qáliplestiriwdi, miynetke uqıplılıqqa hám eldi dushpannan qorǵawǵa ǵayrat salatuǵın batırlarǵa tán kónlikpeler payda etiwdi názerde tutqan. Jaslardı dene jaǵınan quwatlı etip tárbiyalaw barısında tiykarǵı dıqqattı adamnıń ómir jasın uzaytıwǵa, sonday-aq kóp jasawshılıǵına qaratqan. Insan ushın eń qádirli nárse onıń ómiri, tiri jasawı ekenligin, awırmay, sırqalanbay uzaq jasaw bálent baxıt bolıp esaplanatuǵınlıǵın túsindiriw barısıhda geyde jaslayınan awırıwǵa shalınǵan biytap bolǵanlarǵa ayanısh penen qarap, «Awırıw azabın saw bilmeydi», «Densawlıq- tereń baylıq», «Awrıwdıń aldın al», dep naqıl keltirgen xalıq deni saw bolıp, uzaq ómir súriwdi insannıń birinshi maqseti dep esaplanǵan.

Úlken qáriyalar jaslarǵa jaqsılıq isleri ushın pátiya bergende «Ilayım jasıń uzaq bolǵay», «Ay júr, aman júr» dep duwa qılǵan. Insan dúńyanıń qızıǵın kórip kóp jasawı, miynet etip unamlı at qaldırıwı lazım. Deni saw ǵayratlı adamlardı xalıq ayrıqsha jaqsı kórip húrmetlegen, oǵan

háwes penen qarağan. Bazda birewlerdi qartaysa da «bir tisi túspegen qarıwlı adam eken» dep bahalağan. Geyde kózi jaqsı kóretuğın kempirlerdi «Ele iyneni ózi sabaqlap tigedi» yamasa «qartaysa da beli búgilmegen» dep ádewir jasına qaramastan densawlığı bekkem adamlardı úlgi etip kórsetip, óz ara maqtaytuğın bolğan. Kekselik kelgen bolsa da jas jigittey atqa shaqqan minetuğın ğarrılardı bolsa «Ele atqa ırğıp minedi»-dep súysinip qarağan. Al, erinshek, biraq fizikalıq jaqtan quwatlı, qáliplesken jaslardı xalıq «ğarrı quraqım joqsan, isheginde qartayğan yamasa ishten qartayıp tuwılğan» dep mazaqlaytuğın bolğan.

Xalıq pedagogikası adamdağı ruwx penen denege tiyisli quwatlılıqtı óz ara baylanıslı dep sanağan. Insan fizikalıq kúshti iyelegen menen qorqaq bolsa, onda kúshtiń paydası joq, adamğa kushke say keletuğın, hátteki onnan da artığıraq qáliplesken júrek, batırlıq ruwxı bolıwı lazım dep xalıq dene tárbiyasınıń nátiyjesin jaslarğa joqarğı morallıq hám erk kúshin tárbiyalaw menen de baylanıslı túsindiredi. Qara kush adamdağı bekkem ózin tuta biliw, ádep-ikramlılıq penen baylanıslı qáliplesiwi tiyis dep bayanlağan xalıq jaslardı fizikalıq morallıq jaqtan jaqsı qáliplestire otırıp, dene tárbiyasınıń xalıqlıq sistemasınan turmıstağı ádalatsızlıq, teńsizlik islerine qaray güresiwde keń paydalanıp kelgen. Xalıq dástúrinde tuwılatuğın balanıń densawlığınıń jaqsı bolıwı ushın kelińine ele úylenbesten burın ğamqorlıq islengen. Bul aldı menen jaqsı kelin hám kúyew tańlaw isinen baslanğan.

Xalıq qalıńlıq bolıp esaplanğan qızdıń da,uldıń da uzın boylı, keń qushaqlı, dene qurılısı sımbatlı, densawlığı mıqlı bolıwın jaqsı kórgen. Qalıńlıq tańlanğanda úy bolatuğın qız jigittiń tuwısqanlıq jaqtan jaqın bolıwına ulıwma jol qoyılmağan. Shınında da, qaraqalpaq xalqı balalarına óz urıwınan qız alıwğa ruxsat etpeydi. Morallıq jaqtan bul uyat is dep te esaplanılğan. Al, xalıq medicinası buniń aqıbetinde tuwılğan balalar nárenjan bolıp dúńyağa keletuğınıın dáliyllep bergen. Usı sebepli xalıq óz zúriyatlarınıń dene jağınan saw- salamat tuwılıwı ushın jaslarğa qalıńlıq tańlağanda basqa ruwlardan quda túsiwdi qatań talap etken. Usılay etkende bala ata- anadan saw hám salamat tuwıladı dep esaplağan. Tuwılğan náreste eń dáslep, dene tárbiyasın tiri jan sıpatında ózin háreketke keltire baslawı arqalı ala baslaydı. Ayaq- qolın qıymıldatıp, keńislikti sezedi. Usı háreketlerdi tákirarlaw arqalı bala qorshap turğan ortalığın ańlay baslaydı. Enbekleydi,sоń jatıp ayaqların sermeydi. Úzliksiz juwıradı, tórt- bes jaslarında birin-biri quwadı bir orında turıp sekiredi, qolındağı zattı ılaqtırıp izinen juwıradı.

Ásirese, bul dáwirde balalar ózin qorshağan keńisliktegi zatlardı tanıy baslaydı. Olardı baqlap, sınap kóredi ózine tanısların bilgisi keledi hám seziw ağzaları sınaladı, zatlar menen oyınshıqlardıń sırın, qásiyetin biliwge qumarlanadı. Belgili bir túsiniklerdi elesletiw júzege kele baslaydı. Zatlardıń ózine tán qásiyetlerin biledi. Balalardıń sezimi onıń túsinigine salıstırğanda zárre aldınıraq rawajlanıwğa erisken, ásirese esitiw sezimleri aqılınan ilgeri júzege kelgeni málim. Usı sebepli, balanıń bul dáwirde kórgenin qaytalawğa umtılıw háreketi kúshli boladı. Oyın waqtında bala kórgeniniń bárine ásirese úlkenlerge kóp elikleydi. Olardıń islegenine háwes etedi. Bul demek,ózin-ózi tárbiyalawdıń bir usılı ekenligin xalıq jaqsı bilgen.

Xalıq pedagogikasında balalardıń jas waqtınan otırıw háreketiniń de bir neshe úlgi alarlıq túri bar. Saqqa júginip otırıw, oń yaki shep dizerlep otırıw, maldas qurınıp otırıw hám t.b. bolğan. Saqqa júginip otırıw kóbinese mektepte, medresede sabaq oqıp otırğanda orınlanğan. Al, adamnıń sıpayı ádepliligine kórik qosatuğın bir dizerlep otırıw otırıspaqlarda sıylı qonaqlar bar jerde talap etilgen. Lekin, ákesi bar jas balalarğa maldas qurınıp otırıwğa ruxsat etilmegen. Bunday etip otırıw olardıń ákesine jamanlıq keledi degen ırımğa baylanıslı bolğan. Maldas qurınıp otırıw tek erkeklerge ğana ruxsat etilgen. Xalıq jaslardı otırıwğa úyretkende olardıń dene jağınan durıs qáliplesiwin hám islenip atırğan is túrine qaray qolaylı otırıwğa úyretiw kóp qırlı dene tárbiyasınıń bir túri esaplanğan. Sonday-aq, dene tárbiyasın beriwdiń bir usılı balalardıń waqtında uyqılap dem alıwın shólkemlestiriw bolğan. Besik jırı olardıń tınığıp uyqılawın ámelge asırıp dene tárbiyasın beriw xızmetin de atqarğan. Xalıqtıń milliylik belgileriniń tiykarğı mazmunı besik jırlarında sáwlelenip, ana óz perzentiniń batır , xalıqqa tanılğan qaharman bolıwın árman etip, dene jağına saw- salamat, quwatlı bolıp qáliplesiwine tilekler aytqan. Bala háyyiwden ózin tınıshlandırıp, pútkil denesin bosatıp dem aladı. Uyqılaw densawlıqtıń bekkemleniwi hám tınığıp qaytadan kúsh jıynawdıń deregi esaplanadı. Adam sharshasa oğan dárhal uyqıla, demińdi al,- dep másláhát berilgen. Bala uyıqlamasa ashıwshaq, jılawıq boladı dep balanıń uyqısına xalıq ayrıqsha kewil bólgen. Geyde awqat jeytuğın yaki emetuğın waqtı bolğanda bala uyqılap atırsa uyqısın buzbayıq, dem alsın,- dep onı oyatpağan.

Xalıq pedagogikasında ul balalar qanday dene shınıqtırıw tárbiyasın alsa, qızlar da sonday tárbiya alıwı olardıń da bul arqalı óz densawlığın, quwatlılığın bekkemlewi lazım dep qaralğan. Bunı «Qırıq qız» dástanındağı Gulayımnıń qırıq qızı menen dene shınığıwların islew barısınan ayqın bayqaymız. Bunda Gulayım hám onıń qırıq qızı qılıshlasıwdı, oq jay atıwdı, palwanlıq ónerin shınığıw jasaw arqalı sheber ózlestirilgenligi aytılğan. Usı maqsette, qaharmanlıq dástanlardı batırdıń jaslayınan dene tárbiyasın alıp dáwdiń kúshin iyelewi, bular izbe- iz berilgen dene tárbiyasınıń shınığıw mashqın qılıwdıń nátiyjesi ekenligin túsindirilgen. Shınında da, xalıq batırlıqtıń ózinen ózi shıqpaytuğının onı arnawlı túrde shınıqtırıw arqalı qáliplestiriw kerekligin jaqsı túsingen. «Qırq qız» dástanında jaslardı batır qaharman bolıwğa tárbiyalaw haqqında Sárbinazdıń tilinen Gulayımğa aytılğan. «Bedew minip, jawğa qalay barıwdı, jan anajan ush ay on kún úyrettiń» - degen sózleri bar. Usılay etip, erte zamandağı ásirese matriarxatlıq dáwir barısında jaslarğa dene shınıqtırıw tárbiyasın beriwdegi bir artıqmashılığı, dene shınıqtırıw oyınların qızlarğa da úyretiwinde boldı. Xalıq eldi dushpan shawıp búlginshilikke salğanda, tek erler ğana emes, al hayalqızlar da watandı qorğawğa at salısıwı tiyis, bul ushın jaslarğa ğalaba dene shınıqtırıw tárbiyası beriliwi lazım degen idealar bayanlağan. Xalıq jaslardı dene jağınan shınıqtırıwda balalar oyınların keń paydalanğan.

Oyın kópshilik jağdayda tayar mazmunğa iye. Háreket etiw qağıydaları hám izbe- izligi aldın ala belgilenip, tastıyıqlanğan bolıp, bundağı baslı maqset oyın tártibin saqlap alğa qoyılğan wazıypağa erisiw bolıp esaplanadı. Oyınlar xalıq pedagogikasında óziniń oynalıw hám tárbiyalıq tásir tiygiziw xarakteri boyınsha shártli túrde tortke bólinedi,

1. Dene shınıqtırıwshı háreketli oyınlar
2. Arqanlı shınıqtırıwshı háreketli oyınlar
3. Aqıl túsinikti rawajlandırıwshı didaktikalıq oyınlar
4. Ádep- ikramlılıqtı qáliplestiriwshi hám estetikalıq tárbiya beriwshi oyınlar bolıp bólingen.

Oyınlar bul taqılette taypalastırılğan menen olardıń elementleri geyde bir birine aralasıp júredi. Háreketli oyınlardıń mazmunı balalardı rawajlandırıwshılıq áhmiyetine iye. Al, bazı bir didaktikalıq oyınlar balalardağı ádep- ikramlılıq estetikalıq tamanlardı da mazmunlastırıw qásiyetlerin iyelegen. Shınında da, qaraqalpaq xalıq oyınlarınıń bir toparı jaslardağı intelektuallıq qubılıslardı mazmunlastırıwğa bağıshlanıp, olardağı oylanıw, pikir júritiw qábiletlerin shınıqtırıwğa beyimlesken. Mısalı, toğız qumalaq, bes tas, kóshpek, jumbaq, teppek, t.b oyın turleri jaslardı ózbetinshe izleniwsheńlikke májbúrleydi. Ondağı sheshiliwi lazım bolğan mazmundı abstraktlı serlep, hár bir etaptı salıstırıp kóriwge ayırmashılığın túsinip dóretiwshilik penen basqasha jolların tabıwğa juwmaq jasawğa iytermeleydi.

Ásirese, háreketli oyınlar olardaǵı hárekettiń sulıw orınlanıwın qıymıldınıń anıq dál iske túsiwin jıynaqlı jeńil háreket etiwin jetilistirip usınday gózzal háreketlerden jaslardıń estetikalıq lázzet alıwın insan denesindegi epli háreketlerden zawıqlanıwın payda etedi. Balalar oyını sanı jaǵınan qızlar oyınına salıstırǵanda ádewir kóp ushırasadı. Ásirese, bul jas óspirim hám úlken jastaǵı dáwirde ayrıqsha kózge túsedi. Bunıń sebebi ,qızlar jaslayınan analarına uy ishi jumıslarına aktiv járdemshi bolǵanlıqtan qızlar ushın arnawlı oyınlar oǵada kemeyip ketken. Bul jasta olar keste toqıw kishkene úkelerin jubatıw menen bánt bola baslaǵan. Kóbinese, anasına járdemlesip, uy xojalıǵı jumısların úyreniwge kirisken. Usıǵan qaramastan, xalıq pedagogikası jaslardıń jaqsı pazıyletlerge bay, shınıqqan, turmıstaǵı qıyınshılıqlarǵa uqıplı, aqıllı adamgershilikli, dúńya gózzallıǵın sezinip er jetiwine xalıq oyınlarınıń tárbiyalıq tásirinen keń paydalanıp kelgen. Xalıqtıń bul tájiriybeleri házirgi jaslardı qáliplestiriwde de úlken áhmiyetke iye.

Ádebiyatlar

1. Bazarbaev J., Dáwletova Q. Ádeptanıw. - Nókis: 1992.
2. Qaraqalpaq folklorı. V tom, -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 1980.
3. Shılmanov P. Milliy oyınlarımızdı umıtpayıq. /«Erkin Qaraqalpaqstan». –Nókis: 1991, 10-avgust, 53-sanı.

REZYUME

Maqolada qoraqalpoq xalqining tarixiy tarbiya uslublari haqida aytilgan. Xalq pedagogikasida bolalarga jismoniy tarbiya berishning o'ziga xos turlari tahlil qilingan.Tarbiya turlarining bir-biriga boǵliqligi aks etgan.

РЕЗЮМЕ

В статье описываются исторические методы воспитания каракалпакского народа. Анализируются свойственные виды физического воспитания детей в народной педагогике. Рассматривается взаимосвязь между видами воспитания.

SUMMARY

The article describes the historical methods of Karakalpak folk education. There are analyzed specific types of physical education of children in national Pedagogics. The author also shows the relationship between types of education.

Tálim - tárbiya teoriyası hám metodikası

UDK: 7A8. A-15

BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT VA SPORT O'QITUVCHILARINING MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH

N.A.Abdukarimov– *katta o'qituvchi*
S.S.Tuychiyev – *katta o'qituvchi*
Jizzax davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: auditoriya, ma'naviyat, axloq, sport, gimnastika, sport to'garaklari, axloqiy madaniyat.
Ключевые слова: аудитория, духовность, этика, спорт, гимнастика, спортивные кружки, нравственная культура.
Key words:audience, spirituality, ethics, sports, gymnastics, sports clubs, moral culture.

Mustaqillik yillarida mamlakatimizda barcha sohalar singari, ta'lim sohasiga ham e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, ta'limning barcha bo'ginlari zamonga mos tarzda tubdan qayta qurilmoqda. Zero, Prezidentimiz SH.Mirziyoev Oliy Majlisga Murojaatnomada belgilab bergan vazifalar bu sohaga yanada e'tibor qaratilayotganligidan dalolat beradi. Xususan, O'zbekiston Oliy pedagogik ta'lim jarayonining hozirgi bosqichida muhim vazifalaridan biri boshlangich ta'limning sifat va samaradorligini oshirishdir [1].

Ushbu ta'kidni amalga oshirishda barcha OTMlarida bo'lajak jismoniy tarbiya va sport yo'nalishida tahsil olayotgan bo'lajak o'qituvchilarni yuksak darajada tayyorlashni taqozo etmoqda [2:20].

Ayniqsa, darsdan tashqari mashgulotlarda talabalarning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish va ularni ma'naviy-axloqiyjihatdan tarbiyalash bugungi kunning dolzarb vazifalaridan bo'lib qolmoqda.

Darhaqiqat, ma'naviy-axloqiy tarbiya bo'lajak o'qituvchilarning ongi, ruhi va qalbida shakllangan ma'naviy qarashlar, axloqiy fazilatlar, ijtimoiy munosabatlarni takomillashtirish mazmunini ifodalaydi. Chunki bu masalada oliy pedagog olim ta'lim jarayonida rivojlantirish yoki takomillashtirish to'grisida so'zlash kerak bo'ladi. SHu jihatdan bo'lajak jismoniy tarbiya va sport o'qituvchilarini tayyorlashda darsdan tashqari mashgulotlar nazariy va amaliy imkoniyatlariga egaligi bilan diqqatini tortadi.

Darsdan tashqari mashgulotlarning quyidagi turlari samarali ekanligi kuztilmoqda.

a) Darsgachagimnastika;
b) Ko'ngilochar sport o'yinlari;
c) Sportto'garaklari;
d) Bayramlar;
e) Musobaqalar;
f) Uchrashuvlarvah.k.

Bu jarayonlarda ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalash muayyan reja dasturga asoslanishi kerak.

O'qituvchi bu masalaga alohida yondashishi va o'zining ishiga va modullariga ega bo'lishi kerak.

Darsdan tashqari mashg'ulotlarda talabalarni ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalashda quyidagi xususiyatlariga ega bo'ladi:

1)Jismoniy etuklashtirish
2) ma'naviy onglilikni kuchaytirish
3) axloqiy madaniyatni tarkib toptirish [3:46].

Aynan jismoniy, ma'naviy va axloqiy komillik bo'lajak jismoniy tarbiya va sport o'qituvchilarining ma'naviy-axloqiy tarbiyasi negizini tashkil qiladi.

SHu sababli bu negizlar darsdan tashqari mashgulotlarda tashkil qilinadigan ma'naviy-axloqiy tarbiya ishlari mazmuni, maqsadi va muddaolarini belgilaydi. Jismoniy, ma'naviy, onglilik axloqiy madaniyatga asos bo'lishi pedagogik omillar to'plamida asoslab o'tilgan [3:48].

Bo'lajak jismoniy tarbiya va sport o'qituvchilarining darsdan tashqari mashgulotlarda ma'naviy-axloqiy tarbiyasini tashkil qilish mazkur usullarga tayanadi:

1) Yo'naltirish
2) Tashkillashtirish
3) Ko'niktirish

Bunday o'naltirish talabalarni ideal maqsad-muddaolarga yo'naltirish, "takomillashtirish", ularning ma'naviy, axloqiy va ijtimoiy fazilatlarini rivojlantirish hamda ko'niktirish esa ma'naviyat va axloq qoidalariga amal qilish bilan qurollantirishga asoslanadi. Ko'p hollarda shakllantirish, tarkib toptirish, rivojlantirish to'grisida gapirilganda va bu yondashuv ta'limning umumiy o'rta va o'rta maxsus bosqichlariga mos kelishini unutib bo'lmaydi [4]. SHu sababli oliy pedagogik ta'lim bosqichlariga yo'naltirish, takomillashtirish va ko'niktirish masalalariga e'tibor berish, bizningcha, kutilgan samara beradi.

Jismoniy madaniyat va sport o‘qituvchisi ma’naviyat va axloq masalasida namuna ko‘rsatishi taqozo etiladi. Chunki mazkur soha xususiyati o‘ziga xos bo‘lib, unga ko‘ra, mahoratni sport ustalari va jismoniy tarbiya o‘qituvchilari ma’naviyat va axloq masalasida ibrat ko‘rsatib kelmoqda.SHu sababli darsdan tashqari mashgulotlarning uchrashuv kabi turlarining imkoniyatlaridan oqilona foydalanish kerak bo‘ladi. Misol uchun, “O‘zbekiston belgisi” sovrindori FIDA referenti Ravshan Ermatov ma’naviyat va axloq masalasida namuna bo‘ladigan sport ustasi va murabbiylardan biridir. Kuzatishlar shuni ko‘rsatadiki, uning ma’naviy-axloqiy qiyofasida quyidagi jihatlar bo‘rtib turadi:

- Bilimdonlik;
- Kasbiy etuklik;
- Kamtarlik;
- Bosiqlik;
- O‘z ustida mudom shug‘ullanish;
- Katta kichikka bir xil munosabatda bo‘lish;
- O‘zini boshqara olish;
- Faqat olg‘a intilish…

Bunday shaxs bilan muloqotda bo‘lish, uning yutuqlari va kamchiliklarini o‘rganish bo‘lajak o‘qituvchilar uchun foydadir. Muayyan jihatdan ma’naviy-axloqiy tarbiya aniq va real namunalar asosida amalga oshirishni taqozo etadi.

Zero, audotoriyadan tashqari mashg‘ulotlarda ma’naviy-axloqiy tarbiyani tashkil qilish indikatorlarni ham e’tibordan soqit qilmasligi kerak. Bu o‘rinda ta’kidlab o‘tish lozimki, indikatorlarning quyidagi uchtasi e’tiborni tortadi:

1) Sharoiti;
2) Muhit;
3) Nazorat.

Darsdan tashqari mashg‘ulotlarda ma’naviy-axloqiy tarbiyani tashkil qilishda sharoitni yuzaga keltirish muhim o‘rin tutadi. Buning uchun:

- Mavjud vaziyat, holat va imkoniyatlardan oqilona foydalanish;
- Ma’naviy-axloqiy tarbiya beruvchilarni belgilash;
- Har bir imkoniyatdan foydalanish harakatida bo‘lish;

Diqqat qilinsa, ma’naviy-axloqiy tarbiya jismoniy madaniyatning poydevoridir. E’tibor bering (1- chizma)



Bunday yondashuv bo‘lajak mutaxasislarni ko‘tilgan darajada ma’naviy-axloqiy tarbiyalash imkonini beradi.

Muhit-ma’naviy-axloqiy tarbiyaning poydevoridir. Bunda e’tibor berish kerak:

- Talabalar bilan individual shug‘ullanish;
- Ochiq, erkin va oshkora muloqotni tashkil qilish;
- YUtuqlarni raqbatlantirib, kamchiliklarni isloh qilib borish;

Ma’naviy-axloqiy tarbiyani tashkil qilishning nazorat indikatori quyidagilarga tayanadi:

- Talabalarning ma’naviy va axloqiy sifatlarini rivojlantirish;
- Talabalarning individual ma’naviy-axloqiy qiyofasini tarkib toptirish;
- Talabalarning ma’naviyatini va axloqning darajasini kuzatib borishdan iborat.

Xulosa o‘rnida shuni aytish joizki, bo‘lajak jismoniy tarbiya va sport yo‘nalishida tahsil olayotgan o‘qituvchilarini yuksak darajada tayyorlash va darsdan tashqari mashg‘ulotlarda ularni ma’naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalash o‘ziga xos xususiyatlarga egaligi bilan diqqatni tortadi. Bu borada tadqiqot ishlarini davom ettirib borish zaruriyat bo‘lib turibdi.

Adabiyotlar

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.Mirziyoevning Oliy Majlisiga Murojaatnomasi. /“Xalq so‘zi” 2017 yil 23 dekabr.
2. Ahmedov F., Atamurodov SH. Boshlang‘ich sinflarda jismoniy madaniyat darslari. -T.: 2017. 20-b.
3.Ma’naviyat: Asosiy tushunchalar izohli lug‘ati. -T.: 2009, 46-48-b.

REZYUME

Mazkur maqolada Oliy o’quv yurtlari bo’lajak jismoniy madaniyat darslarining auditoriyadan tashqari mashqulotlarida talabalar ma’naviy-axloqiy tarbiyasini tashkil qilish to‘qrisida fikr yuritilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изложена организационная работа по нравственному воспитанию со студентами во внеаудиторный работе на занятиях физической культуры в высших учебных заведениях.

SUMMARY

This article considers the role of physical education in circle classes to the spiritual upbringing of the students in Higher Educational institutions.

«ГАЛОГЕНЛАР» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

М.Б.Ажиева – *педагогика фанлари номзоди, доцент*
Г.Кувватова – *магистрант*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сузлар: галоген, дидактика, кимё, фтор, хлор.
Ключевые слова: галогены, дидактика, химия, фтор, хлор.
Key words: halogen, didactics, chemistry, fluorine, chlorine.

Мазкур мақола мисолида галоген элементларнинг Республикамиздаги табиий заҳиралари ва улардан махсулотлар ишлаб чиқарилишни дарсда баён этишни кўриб чиқамиз. Бу маълумотлар дарснинг самародорлигини оширишнинг ва ўкувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мухим омили эканлигини кўрсатиб ўтамиз.

Мазкур дарсни мактаб кимё курси 8-синфида, академик лицей, касб-хунар колледжлари ва олий ўқув юртлари “Умумий ва ноорганик кимё” дарсларда ўтиш тавсия етилади.

Мавзу бўйича қўшимча дидактик материаллар берилган. Масалан, шу элементларнинг очилиши тарихидан, республикамизда табиий заҳираларининг жойлашиши бўйича харитаси, саноатда бу элементларнинг олиниш усуллари, халқ хўжалигида ишлатилиши батафсил берилган. Фойдаланган адабиётлар манбаи кўрсатилди.

Ўзбекистан Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг бажарилиши ўкув - тарбия жараёнини юқори сифатли ўкув адабиётлари билан таьминлаш, уларда таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таьлим ва тарбия узвий боғлиқлигининг кўрсатилиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистан Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистан буюк келажак сари» асарида «Ўзбекистан ўз ер ости бойликлари билан ҳақли равишда фахрланади ва бу ерда машҳур Д.И.Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган» - деб ёзилган. Кимиёвий элементларнинг республикадаги табиий заҳиралари ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари асосида жадал суръатлар билан ривожланиши кўрсатилган. Асар кимё таълимининнинг тарбиявий томонини ёратишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Фтор ва уларнинг бирикмалари» мавусини ўқитишда қуйдаги дидактик материллардан фойдаланиш тавсия этилади. Фтор асосан фосфор маъданлари таркибида учрайди, уларга фосфорит $Ca_3(PO_4)_2$ ва флюорит CaF_2 киради. Ватанимиз фосфор маъданларига бойдир,уларнинг Жерой-Сардирадаги заҳираси 100 миллион тоннани ташкил этади. Марказий қизил қумдаги фосфорит комбинати ишга туширилди. Бойитилган табиий фосфоритларга сульфат кислата таъсир эттириб, суперфосфот ўғити ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган водород фторидгаз чиқинди сифатида чиқариб юбрилади. Фторли бирикмаларни олиш учун водород фторит газ фторнинг мухум манбай ҳисобланади. Фосфорит рудаларидаги фторид миқдори ундаги фосфорнинг 20% ни ташкил этади. Фосфорли ўғитларининг кўп муқдорда ишлаб чиқарилиши фторли бирикмаларнинг катта муқдорда ишлаб чиқариш комбинатлари атрофидаги экологик ҳолатни бутунлай яхшилайди, фтор газларнинг утилизациясини вужудга келтиради. Газ ҳолида ажиралиб чиқадиган водород фторидини тозалдаб, сувда эритиб, фторид кислота ишлаб чиқарилади. Фторид кислота шиша буюмларга гул солишда, уран металини ишлаб чиқаришда, металл қуймаларидан қумни чиқариб ташлашда, фторид тузларини олишда ишлатилади.

«Фтор ва унинг бирикмалари» мавзусида фторнинг кашф этилиши тарихи, хоссалари ва қўлланилишига оид фан янгиликларини баён қилиш ўкувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини кескин орттирди.

Бир аср давомида фторни кашф этиш учун бўлган харакатлар фан қурбонларини келтириб чиқаради. Инглиз олимлари ака-ука Томас ва Георг Нонс қўрғошин (II) фториддан фтор олишга уринишда Томас заҳарланиб ўлди, Георг ногирон бўлиб қолди. XIX аср йирик кимёгари Х.Деви тажриба ўтказиш жараёнида заҳарланиб, оғир касалланди. Гей-Люксак, Т.Тенар соғлиғини йўқотдилар. Фақат 1886 йилда француз олими Анри Муассан электролиз усулида махсус лабораторияда фтор олишга муяссар бўлиб, уни кашф этди. У NF KF аралашмасининг суюқланмасини электролиз қилиб, фтор газни олди.

Аниқланишича, фтор ўрта заҳарли газ бўлиб, ҳавонинг миллондан бир процентини (0,000001%) ташқил қилган. Фтор йиси инсон бурнига сезиларли бўлиб, у етишмаса тишларда кариес касаллиги келиб чиқади. 1л денгиз сувида 0,3 мг, оддий сувнинг 1 тоннасида 0,2 мг фтор бўлади. Денгиз моллюскаси чиғаноғининг 1 кг да 6 мг фтор бўлади.

«Хлор ва уларнинг бирикмалари» мавзусини ўқитишда қуйдаги дидактик материаллардан фойдаланиш тавсия қилинади:

Бу мавзу мисолида хлор элементининг Республикамиздаги табиий заҳиралари ва улардан махсулотлар ишлаб чикарилишни дарсда баен этишни куриб чиқамиз. Бу кушимча материаллар дарснинг самародорлигини оширишнинг ва ўқувчиларни ватанпарварлик рухида тарбиялашнинг мухим омили эканлигини, утказилган педагогик эксперимент натижалари исботлади. Дидиактик манба сифатида бериладиган баъзи маълумотларни келтирамиз.

Хлорнинг Ўзбекистандаги табиий заҳиралари чексиздир. Қашқадарё вилоятидаги Тубакат ва Сурхондарё вилоятидаги Хожайкон конлари жуда катта калий тузи конлари ҳисобланади. Ҳисобларга қараганда, калий тузлари 100 йилдан кўпироққа этади. Тубакат калий тузлари кони асосида калийли ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилиб ишга туширилиши мўлжаланмоқда. Республикамиз ош тузи (натрий хлорид) конларига бой. Аниқланган 5та ош тузи кони Хожайкон,Тубакат, Борса-келмас, Бойбичикон ва Оққалъа конларидан тахминан 90 миллиард тонна хом ашё бор. Қонғиротда Борса-келмас конининг тузлари хом ашёси билан ишлайдиган, кальцийнацияланган ва каустик сода ишлаб чиқарадиган сода заводи ишга тушди.

Ўзбекистан мустақилликка эришгандан сўнг Навоийда, ош тузи конларининг хом ашёси билан ишлайдиган электрокимёвий усулда ўювчи натрий, сода, хлор, водород ишлаб чиқарадиган завод барпо этилиб, ишга туширилди ва бу махсулотларни Россиядан валютага сотиб олишга чек қўйилди. Натижада ишлаб чиқарилган маҳалий махсулотлар республикадаги кимё, озуқ-овқат,тўқимачилик саноатларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Олинган маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти яратилди. Ош тузининг сувдаги эритмасини электролиз қилишнинг бошқа усулида хлорнинг кислородли бирикмалари- натирий гипохлорит, хлорли охак, натирий хлорат, магний хлорат, калций хлоратларни ишлаб чиқариш мумкин.

Улар матоларни оқартиришда,дезинфекция қилишда, гербицид ва дефолиантлар сифатилар ишлатилиши мумкун.

«Йод ва унинг бирикмалари» мавзусида куйдаги тажрибаларни намойиш этиш тавсия қилинади:

1) йоднинг сувдаги кўчисз эритмасини бензол билан экстрация қилиб йод ажратиб олиш;

2) алюминий йодидининг олиниши

3) қўрғошин ацетат эритмасига калий йодид эрит масини қўшиб, олтин рангдаги қўрғошин йодид кристалларини олиш;

4) калий йодид эритмасига мис сульфат эритмасини қўшиб йодид олиш ва бошқалар.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистон буюжак келажак сари. -Т.: «Узбекистон», 1999.
2. Аскаров И. ва бошк. Кимё -Т.: «Шарк», 2017.
3. Буторин А.О., Фатахов Е.Н. Минерально-сырьевые ресурсы. Научно-технический прогресс и развитие производительных сил. -Т.: «Фан», 2000.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада «Галогенлар» мавзусини ўқитишда янги дидактик материалларни қўллаш методикаси ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводится новый дидактический материал, который можно использовать в преподавании темы «Галогены».

SUMMARY

This article describes the use of new didactic materials for teaching halogen subjects.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ОРҚАЛИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ СИНГДИРИШ УСУЛЛАРИ

Ф.Қ.Ахмедов - *педагогика фанлари номзоди, доцент*
Ш.Ў.Атамуродов - *катта ўқитувчи*
Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: миллий қадриятлар, спорт тадбирлари, инсоний фазилатлар, тизимли тадбирлар, умуминсоний ғоялар, мусобақалар, ўйинлар.
Ключевые слова: национальные ценности, спортивные мероприятия, человеческие качества, системные события, универсальные идеи, соревнования, игры.
Key words: national values, sport events, human qualities, systemic events, universal ideas, competitions, games.

Мамлакатимизда аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратилмоқда. Спорт мусобақалари ва тадбирлари орқали ёшларга миллий қадриятларни сингдириш, ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат каби туйғулари сингдириб борилади.

Мамлакатимизда аҳоли жисмоний маданиятини ошириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда ва бунга давлат масаласи сифатида қаралади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июнь ПҚ–3031-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қарорда асосан жисмоний тарбия ва спорт тадбирларнинг йил давомида ўтказиладиган дастури ишлаб чиқилди. Дастурнинг 4-бандида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган жисмоний тарбия ва спорт тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Миллий қадриятларни илмий ўрганиш ва тарғиб қилишда олимлардан академик Ж.Туленов, профессорлар М.Муродов, У.Қорабоев, И.Жабборов, Н.Бекмуродов, Т.Жавлиев кабиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Жисмоний тарбия ва спортга оид миллий қадриятларни илмий ўрганиш ва кенг тарғиб қилишда олимларимиздан Абдумаликов Р., Усмонхўжаев Т.С., Саломов Р.С., Ибрагимов Ў., Атаев А., Мелиев Х.А., Хонкелдиев Ш., Абдуллаев А., Махкамжонов К., Рафиев Х.Т., Ярашев К.Д., Қудратов Р.К., Холдоров Т.Х., Хўжаев Ф., Юсупов К ларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш зарурдир.

“Al-Muallim as-Soniy” ya’ni “Ikkinchi muallim – Sharq Aristoteli” nomi bilan mashur al-Farobiy fanga riyoziyod, falakiyot, tabobat, musiqa, falsafa, tilshunoslik va adabiyotga oid jami 160 dan ortiq asarlar muallifi hisoblanadi va fanga “bo‘sh fazo” ya’ni vakuum tushunchasini kiritgan. Forobiy «Yulduzlar haqidagi qoidalarda nima to‘g‘ri, nima noto‘g‘riligi to‘g‘risida» risolasida osmon jismlari bilan Yerdagi hodisalar o‘rtasidagi tabiiy aloqalarni, xususan, bulutlar va yomg‘irlar paydo bo‘lishining Quyosh issiqligi ta’sirida bug‘lanishiga sababiy bog‘liqligini yoki Oy tutilishini Yerning Quyosh bilan Oy o‘rtasiga tushib qolishi deb tushuntiradi. Uning siymosi Qozog‘iston Respublikasining 2000-yili muomilaga kiritilgan 10 000 tenge pul birligida aks ettirilgan (7-rasm).

Abu Rayhon Beruniy (973-1048)

O‘rta asr Sharq olimlari ichida Abu Rayxon Beruniyning ilmiy merosi alohida o‘rin tutadi. Hozirgacha Beruniyning 152 asari ma’lum bo‘lib, bizga uning faqat 30 tasi saqlanib etib kelgan. Jami asarlarining 70 tasi astronomiyaga bag‘ishlangan. Bularga “Geodeziya ”, “Qonuni ma’sudiy” va “Yulduzlar ilmi” asarlarini keltirish mumkin, ularda Quyosh,Oy va planetalarning harakatlariga doir ko‘plab ma’lumotlar, Yer radiusini o‘lchashning o‘sha zamonda ma’lum bo‘lgan bir necha usullari keltirilgan. Uning ayniqsa Yer radiusini juda aniq o‘lchaganligi (Beruniyda 6490 km, hozirgisi 6400 km) diqqatga sazovordir. Uning siymosi O‘zbekiston Respublikasining 1999-yili muomilaga kiritilgan 100 so‘mlik tangasida aks ettirilgan [3] (8-rasm).

7-rasm. Qozog‘iston Respublikasi 10000 tenge pulining (2000 y.) ko‘rinishi.

8-rasm. O‘zbekiston Respublikasi 100 so‘mlik tangasining (1999 y.) ko‘rinishi.

Mirzo Ulug‘bek (1394-1449)

XV-asrda Sharq astronomiyasining yana bir buyuk namoyandasi Ulug‘bek Samarqandda dunyoda eng yirik astronomik rasadxona va uning bosh teleskopi - sekstantning qurilishida boshchilik qilgan. Bu asbob yordamida Quyosh, Oy va planetalarning yulduzlar oralab harakatlarini, minglab yulduzlarning koordinatalarini aniqlagan. Uning «Zij» asari ham shu kuzatishlar asosida yozilgan bo‘lib, u ikki qismdan, ya’ni keng muqaddima (nazariy) va amaliy qismdan, ya’ni 1018 ta sobit yulduzning o‘rni va holati aniqlab berilgan jadvaldan iborat[4]. Ulug‘bekning astronomik kuzatishlari haqida batafsil ma’lumotlar 11-sinf hamda Akademik litsey astronomiya darsliklarida “Ulug‘bek rasadxonasi” mavzusida o‘rganiladi. Mirzo Ulug‘bekning qilgan mehnatlarini qadrlagan holda uning siymosi O‘zbekiston Respublikasi davlati 100 000 so‘mlik pul-qog‘ozida aks ettirilgan(9-rasm).

Astronomiya fanining keyingi rivoji Yevropada bir qator olimlarning astronomiya sohasidagi fundamental kashfiyotlari bilan bog‘liq. Albatta, ularning siymolarini ham o‘z davlatlari pul birliklarida aks etganligini ko‘rishimiz mumkin.

Nikolay Kopernik (1473-1543)

Mashhur polyak olimi Nikolay Kopernik Olam tuzilishining geliosentrik nazaryasi asoschisi. Kopernik birinchi bo‘lib, planetalarning yulduzlar fonidagi sirtmoqsimon harakatlanishlarining sababi, Yerning Quyosh atrofida boshqa barcha planetalar qatori, aylanishidan ekanligini ko‘rsatib bergan. Kopernikning astronomik kuzatishlari haqida batafsil ma’lumotlar 11-sinf hamda Akademik litsey astronomiya darsliklarida “Quyosh sistemasining tuzilishi” mavzusida o‘rganiladi. Uning surati Polshaning 1000 zloty pul birligida aks ettirilgan (10-rasm).

9-rasm. O‘zbekiston Respublikasi 100 000 so‘m pulining (2019 y.) ko‘rinishi.

10-rasm. . Polshaning 1000 zloty pulining ko‘rinishi (1982 y).

Galileo Galiley (1564-1642)

Italiyalik fizik va astronom. 1610-yil birinchi refraktor-teleskopni yaratgan. Kuzatishlar natijasida Veneraning Oyga o‘xshab turli fazalarda ko‘rinishini ochdi. Oyda esa Yerdagi kabi dog‘lar pasttekisliklar borligini aniqladi.Galiley o‘z teleskopi yordamida Quyoshda dog‘lar borligini, Yupiterning atrofida aylanayotgan to‘rtta yo‘ldoshini kashf etgan[4]. Galileyning astronomik kuzatishlari haqida batafsil ma’lumotlar 11-sinf hamda Akademik litsey astronomiya darsliklarida “Quyosh sistemasining tuzilishi” va “Teleskoplar. Optik teleskoplar” mavzularida o‘rganiladi. Uning surati 1973-yilda Italiyaning 2000 lirasida bosib chiqarilgan (11-rasm).

Iogann Kepler (1571-1630)

Sayyoralarning Quyosh atrofida harakatlanishining uchta qonunini XVII asrning boshida Kepler tomonidan empirik (tajribalarning natijalarini umumlashtirish) yo‘l bilan kashf qilingan va shuning uchun Kepler qonunlari dep atalgan. 1596-yili bosilgan “Kosmografiya sirlari” nomli asar yaratgan[3]. Keplerning astronomik kuzatishlari haqida batafsil ma’lumotlar 11-sinf hamda Akademik litsey astronomiya darsliklarida “Kepler qonunlari” va “Mayda planetalar (asteroidlar)” mavzularida o‘rganiladi. 2002-yilda Avstriyaning 10 evro qiymatidagi kumush tangada Kepler o‘zining astronomik asboblari bilan tasvirlangan. (12-rasm).



11-rasm. Italiya 2000 lirasi pulining ko‘rinishi (1973 y).

12-rasm. Avstriyaning 10 evro tangasining ko‘rinishi (2002 y).

Xristian Gyuygens(1629-1695)

Gollandiyalik fizik va astronom. 1657-yilda Xristian Gyuygens o‘zi yasagan teleskop yordamida Saturnning chiroyli halqalari borligini kuzatgan. Gyuygens yorug‘lik-ning to‘lqin nazariyasini ilgari surdi. 1690 yilda Leyden shahrida “Yorug‘lik to‘g‘risida traktat”i chop etildi. Uning surati Gollandiya 25 gilden pulida aks ettirilgan (13-rasm).

Isaak Nyuton (1643-1727)

U matematika, mexanika, astranomiya, fizika fanlarining taraqqiyotiga katta hissa qo‘shgan mutafakkir olim. 1648-yilda birinchi reflektorni yasagan. Osmon jismlarining massalarini o‘lchash usulini yaratgan[4]. Buyuk Britaniyaning 1 funt sterling kupyurasida Isaak Nyutonning rasmi qo‘yilgan (14-rasm).

13-rasm. Gollandiya 25 gilden pulining ko‘rinishi (1955 y).

14-rasm. Angliya 1 funt sterling pulining ko‘rinishi (1978-1984 y).

Olaf Ryomer (1644-1710)

Daniyalik olim, u E.Bartolin rahbarligida fizika va astronomiyani o‘rgangan. 1671-yilda Fransiya rasadxonasida faoliyat yuritgan. Reomer nafaqat turli xil astronomik kuzatishlar o‘tkazgan, balki bir qator texnik muammolarni hal qilishda yordam bergan, shuningdek fransuz taxtining vorisiga matematikadan dars bergan. Uning surati Daniyaning 50 Kroner pul birligiga 1970-yilda aks ettirilgan (15-rasm).

M.V.Lomonosov (1711-1765)

Zamonaviy rus adabiy tilining asoslarini yaratgan, rassom va shoir M.V.Lomonosovning tadqiqotlari matematika, fizika, kimyo, yer to‘g‘risidagi fanlar va astronomiyaga ham bag‘ishlangan desak mubolag‘a bo‘lmaydi. 1761-yil 26-mayda Lomonosov noyob astronomik hodisani- Veneraning Quyosh diskidan o‘tishini kuzatdi va Venera atmosferasini kashf etdi[3]. Uning surati Rossiyaning 100 rubl qiymatidagi tangasida aks ettirilgan (16-rasm).

15-rasm. Daniyaning 50 Kroner (1970 y) pulining ko‘rinishi..

16-rasm. Rossiyaning 100 rubl (1992 y) qiymatli tangasining ko‘rinishi.

K.E.Tsiolkovskiy (1857-1935)

Kosmonavtikaning otasi, uning ilmiy asoschisi sifatida kalugalik K. E. Siolkovskiy tan olingan. U birinchi marta, raketa harakati qonunlariga aloqador matematik formulalarni keltirib chiqargan olim hisoblanadi. K.E. Siolkovskiy birinchilardan boʻlib, Yer tortish maydonida raketa harakatining hisob-kitobini qilib, reaktiv dvigatellar, raketalarni qanday kosmik tezliklarga erishtirish imkoni borligini asosladi. K.E. Siolkovskiy, Yer atrofida orbital stansiyalarni qurish va undan boshqa planetalarga uchishda baza sifatida foydalanish mumkinligi haqidagi fikrni ham berdi. Nazariy kosmonavtikaning asoslari uning 1903-yilda chop etilgan «Olam fazosini reaktiv priborlar yordamida tadqiq etish» kitobida bayon qilingan.Uning surati CCCP 1 rubl qiymatidagi tangasida aks ettirilgan[3](17-rasm).

V.A.Ambartsumyan

Dunyo miqiyosidagi taniqli astrofizik olim, Byurakan astrofizik obsevatoriyasi asoschisi (1946-y.) va yulduzlar toʻplami (assosiatssiyasi) ixtirochisi (1947-y). Uning surati 1998-yili Armaniston Respublikasi 100 dram pulida aks ettirilgan [3] (18-rasm).

17-rasm. CCCP 1 rubl (1987 y) qiymatli tangasining koʻrinishi.

18-rasm. Armaniston Respublikasi 100 drami (1998 y.) pulining koʻrinishi.

Bu roʻyxatni albatta, uzoq davom ettirish mumkin. Fizik va astronom olimlar siymosi tarixiy-moliyaviy ramzlarda aks ettirilishi haqida yanada toʻliqroq maʼlumotni [5] internet sahifasidan olsa boʻladi.

Astronomiya mashgʻulotlarini oʻtishda yuqoridagi maʼlumotlardan maqsadli foydalanib oʻquvchilar xotirasida oʻrganilayotgan mavzuning yanada mustahkam qolishini taʼminlash va ularni astronomiya faniga boʻlgan qiziqishini yanada oshirish mumkin. Muhokamadagi masala yosh avlodni barkamol etib tarbiyalashda, ularda astronomiya faniga boʻlgan qiziquvchanlikni yanada oshirishda, jahon miqiyosida raqobatbardosh kadrlar etib tayyorlashda, va albatta, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda naqadar muhim ekanligini inobatga olib quyidagini taklif qilamiz: bizning mamlakatimizda ham milliy pullarimizda buyuk ajdodlarimiz siymosini aks ettirila boshlandi. Masalan, biz yuqorida Al-Forobiy,Al-Beruniy va Mirzo Ulugʻbek siymolarini keltirdik va bularning safini yanada oshirishni lozim deb oʻylaymiz. Albattabundan tashqari jahonga dongʻi ketgan olimlarimiz yetarlicha. Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy, Ahmad Fargʻoniy,Ali-Qushchi va boshqa koʻplab olimlar shular jumlasidandir.

Xulosa. Yuqorida muhokama qilingan oʻqitish usulidan foydalanish maktab astronomiya kurslari bilan bir qatordaoliy oʻquv yurtlari umumiy astronomiya kurslarida ham qoʻllanilsa maqsadga muvofiq boʻladi.Xulosa qilib shuni aytish joyizki, agar barcha mavzular shu kabi noanʼanaviy usullar orqali oʻquvchilarga oʻrgatilsa, ular fanga yanada qiziqadi, fikrlashi, dunyoqarashi rivojlanadi va biz ularni buyuk ishlarga undagan boʻlamiz.Dunyo davlatlari xalqi, vatandoshi yoki millati orasidan yetishib chiqqan buyuk olimlar siymosini davlat pullarida aks ettirish orqali olimlar xotirasini abadiylashtiribgina qolmay, balki oʻz fuqarolarini, jumladan, oʻquvchi yoshlarini vatanparvarlik ruhida tarbilaydi, ularda fan bilan shugʻullanishni qandaydir maʼnoda ragʻbatlantiradi. Bu esa oxir oqibat shaxsning, jamiyatning, mamlakatning rivojini taʼminlaydi, uning buguni va kelajagini belgilaydi. Buyuk ajdodlar bilan faxrlanish, ular siymosi aks etgan ramzlarni, jumladan tarixiy-moliyaviy ramzlarni, taʼlim jarayonida qoʻllash esa koʻp qirrali muhim va doim dolzarb boʻlgan tarbiyaviy masalani hal etadi.

Adabiyotlar

1. MirziyoyevSh. Ilm fan yutuqlari – taraqqiyotning muhim omili. / “Xalq soʻzi”, 2016, 31-dekabr.

2.YavidovB., OtajonovaM. Tarixiy-Moliyaviy ramzlarni namoyish etish orqali fizika mashgʻulotlari samaradorligini oshirish.// «Fan va Jamiyat», № 1 (61) 2019, 92-96-б.

3. Васильев А.Н. Учёные на монетах мира. -М.:ФИЗМАТЛЕТ, 2005, -С.27-30-102-169-232.

4.Mamadazimov M., Astronomiya. Akademik litsey va kasb-hunar kollejari uchun daslik. -Toshkent: “Oʻqituvchi”, 2007, 100-104-105-159-170-b.

5.http://www2.physics.umd.edu/~redish/Money/

REZYUME

Maqolada astronomiya mashgʻulotlari samaradorligini oshirish metodlaridan biri muhokama qilinadi. Xususan, astronomiya mashgʻulotlarida “tarixiy-moliyaviy ramzlarni nomayish etish” metodiniqoʻllash tavsiya etiladi. Metodning tamoyili astronomlar siymolari yoki ular nomi bilan bogʻliq kashfiyotlar aks ettirilgan tarixiy- moliyaviy ramz(pul)larni namoyish etish va ular haqida qisqacha axborot berib oʻqitishdan iborat.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается один из методов повышения эффективности занятии по астрономии. В частности, рекомендуется использовать метод «демонстрации историко-финансовых символов» на занятиях астрономии. Принцип метода обучения заключается в демонстрации историко-финансовых символов (денежных знаков), которые отражают личности астрономов или открытия, связанные с ними, с предоставлением краткой информацию о них. Рекомендуется использовать метод в занятиях по астрономии.

SUMMARY

The article discusses one of methods of enhancing the effectiveness of astronomy classes. In particular, a recommendation is given to use the “demonstration of historico-financial symbols” method in astronomy classes. The principle of the method is to present historical-financial symbols (or coins) that reflect the identities of the astronomers or discoveries related to them with giving a brief information about them.

ЎҚУВЧИЛАР ТАДҚИҚОТЧИЛИК ВА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ж.Э.Пардабоев - *ўқитувчи*
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: тадқиқотчилик, робототехника, касбий кўникма, танқидий фикрлаш, мантиқий фикрлаш, ахборотларни йиғиш, диспозиция.
Ключевые слова: исследования, робототехника, профессионализм, критическое мышление, логическое мышление, сбор данных, диспозиция.
Key words: research, robotics, professionalism, critical thinking, logical thinking, data collection, disposition.

Жаҳон таълим тизимида фан ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ҳамда барқарор ривожлантириш мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. АҚШ, Россия, Англия, Жанубий Корея, Япония каби давлатларда, юқори технологик тайёргарликка эга рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ривожланишнинг асосий йўналиши сифатида қаралиб, таълимда инновацияларни, шу жумладан, робототехника, моделлаштириш, конструкциялаштириш, дастурлаштириш, 3Д-лойиҳалаштириш ва виртуал муҳандисликни ўргатиш юзасидан назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида шаклланган узлуксиз таълим тизими баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлаш жараёнининг самарали ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилади. Узлуксиз таълим тизими доирасида фаолият олиб борувчи мактабдан ташқари таълим муассасаларида STEAM фанлар, танқидий фикрлаш ва ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенциялари ва малакаларининг ривожланишига алоҳида урғу беришни ҳисобга олган ҳолда, замонавий рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муаммолари бугунги кун вазифаларидан бирига айланмоқда.

Ҳозирги кунда мактабдан ташқари таълим жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш, мактабдан ташқари таълим фаолиятига қўйилаётган ижтимоий буюртма илғор хорижий тажрибалар билан уйғунлаштирилмаганлиги ҳамда таълим мазмунини янгилаб бориш зарурати; замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали болаларни индивидуал ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва услубий материаллар, ўқувчилар касб – ҳунар тайёргарлигини ривожлантириш етарли даражада таъминланмаганлиги; ўқувчилар эгаллаётган билим ва кўникмаларининг касбий фаолиятда талаб этиладиган кўникма ва малакалар даражасига мувофиқ эмаслиги тадқиқ этилаётган муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Ўқувчилар касб – ҳунар тайёргарлигини такомиллаштиришда STEAM таълимни амалиётга тадбиқ этиш орқали ўқувчилар тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини ривожланитиришнинг иновацион технологиялари кенг тадбиқ этилмаган бўлсада танқидий фикрлашга ўргатиш зарурлиги, ўқувчилар тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини ривожлантириш востаси сифтида қаралмоқда.

Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўрагатиш деганда нималар назарда тутилади. Танқидий фикрлаш нима? Танқидий фикрлаш - бу маълумотни объектив таҳлил қилиш ва асосли хулоса чиқариш қобилиятини англатади. Бу маълумотлар, фактлар, кузатиладиган ҳодисалар ва тадқиқот натижалари каби манбаларни баҳолашни ўз ичига олади.

Танқидий фикрлаш - бу хулоса чиқариш учун далилларни таҳлил қилиш. Мураккаб мавзулар ва объектлардаги далилларни рационал, скептик, холис таҳлил қилиш ёки баҳолашни ўз ичига олган бир нечта турли хил таърифлардир. Танқидий фикрлаш - бу ўқувчини ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи назорат қилиш ва ўзини ривожлантиридиган фикрлашдир. Бу қатъий мукаммал шартлар ва улардан оқилона фойдаланишни назарда тутади. Бу самарали мулоқот ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятлари, шунингдек, маҳаллий эгоцентризмни ва социоцентризмни енгиш мажбуриятини олади.

Танқидий фикрлаш изчилиги ва ўқувчилар тафаккурининг мантиқий фикрлашида танқидий фикрлашнинг боғлиқлигини қуйидаги чизмада акс эттириш мумкин.



Дарс ва дарсдан ташқари фаолият давомида ўқувчилар тамонидан олиб бориладиган машғулотлар кўпинча тадқиқотчиликга йўналтирилган бўлиб бунда ўқувчининг мустақил ҳаракатланишда, унга берилаётган топшириқлар ва уларни ечимини топишда ўқувчининг мантиқий тафаккурини ривожлантириб бориш ва танқидий фикрлашига йўналтириш доимо муаммо бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда замонавий дунёда касб – ҳунарга тайёрлаш, ўргатиш бир томонлама ёндашув асосида олиб борилиб бир нечта янгидан янги касблар ҳосил қилинди, буларга мисол қилиб АТ мутахассиси, роботехника, мехатроника ва муҳандислик касбларидир. Ушбу касбларни ўрганишда ҳамда мураккаб технологик жараёнлар, операцияларни бажаришда ўқувчиларнинг дастурлаш, йиғиш, бажариш, ишга тушириш ёки технологик кетма-кетликни уддалай олиш кўникмаларининг ўзи етарли бўлмай балки, тадқиқотчилик кўникмалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун ўқувчилар танқидий фикрлашни мунтазам ривожлантириб бориш таълаб этилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки таълим олиш мобайнида ўқувчиларнинг кўникма ва қобилятларни ривожлантиришда аксарият тадқиқотчилар кўникма ёки қобилиятдан ташқари танқидий фикрлашни ҳам тан олишмоқда. Бу эса диспозицияларни ўз ичига олади. Ушбу тушунчанинг келиб чиқиши 1985 йилда олиб борилган тадқиқот ишларида танқидий фикрлаш қобилияти “бажариш ва уддалай олиш” қобилиятидан фарқ қилишини тан олинган бўлиб танқидий фикрлаш қобилияти деган тушунчани тасдиқловчи эмпирик далиллар ҳам пайдо бўлади ва ажратмалар аслида алоҳида объектларга хослиги ўз исботини топган. Ушбу фикрлар ҳар хил муносабат ёки одатлар сифатида ташланган. Фасионе танқидий фикрлаш ҳолатларини қуйидагича белгилайди "Шахсларга, воқеаларга ёки шароитларга нисбатан бўлган муносабат ёки уларга муносабат

билдириш учун доимий пайдо бўладиган ички мотивлардир. Тадқиқотчилар шунга ўхшаш тўпламларни аниқлашга ҳаракат қилиб танқидий фикрлашни вужудга келтирадиган бир неча сабаблар ва омилларни асослаган. Масалан, энг тез-тез такрорланадиган танқидий фикрлаш ҳолатларини ўз ичига оладиган қобилият турлари қуйдагилардир:

- очиқ фикрлаш қобилияти;
- адолатли фикрлаш қобилияти;
- сабаб излашга мойиллик қобилияти;
- қизиқувчанлик қобилияти;
- хабардор бўлишни хоҳлаш қобилияти;
- мослашувчанлик қобилияти;

Бугунги кунда бир неча ғарб олимлари Фасионе, Эннис, Байлин ва бошқалар тамонидан танқидий тафаккурни аниқлаш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борган бўлсада, кўпчилик тадқиқотчилар тамонидан танқидий фикрлаш “кўникмалар ва мулоҳазалар”ни ўз ичига олади деган фикрга қўшилишмоқда. Танқидий мулоҳаза юритиш нуқтаи назарини унинг меёрларида кўриб чиқиш керакми деган хулосага боришмоқда 1990 йилда Америка файласуфлар уюшмаси (АПА) бир муросага келиш учун танқидий фикрлайдиган тадқиқотчилар гуруҳини тузиб келгусидаги тадқиқот ҳаракатларига ёрдам берадиган танқидий фикрлашни аниқлаш топшириғини беришган. Гарчи кўпчилик мутахассислар диспозициялар муҳим таркибий қисм эканлигига келишиб, улар муайян ҳаракатларга қарши чиқиб, бу танқидий фикрлаш таърифи доирасидаги диспозициялар деб ҳисоблашган, баъзилари шу фикрларга асосланиб шунчаки мақтовга сазовор рол ўйнайди ва бу қарашларни қўллаб-қувватловчи бошқалар ҳам норматив ролга эгадир деб ҳисоблайди.

Ўқувчилар тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини ривожлантиришда танқидий фикрлашга ўргатишнинг бир неча шакллари мавжуд бўлиб шулардан муҳандислик тўгаракларида қуйдагиларни ўргатиш мукин:

Хулоса. Ушбу кўникма одатда умумлаштирувчи ва якуний ҳисобланади. Биз аниқ нимани тушунганимизни, қандай тажриба орттирганимизни, қандай хулосалар чиқарганимизни ва буларнинг барчасини умумлаштиришни билишимиз кераклигини ўрганиш.

Катта эҳтимол билан ўқувчилар ушбу кўникмаларни бир вақтнинг ўзида ўзлаштира олмайди. Бироқ, биз буларни яхшироқ қарор қабул қилиш ва жасорат билан ҳаракат қилиш учун уларни умумлаштиришимиз мумкин. Ҳар бир ўзлаштирилган кўникма ўқувчиларнинг фикрлаш тарзини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин.

Фикрлашнинг турли хил усуллари мавжуд, аммо уларнинг ҳеч бири муаммоларни танқидий фикрлаш каби ҳал қилишда самарали эмас. Унинг ёрдами билан биз ҳиссий онгни ва ҳиссиёт даражасини кўтаришимиз, шунингдек, когнитив бузилишлар ва эгоцентризмнинг олдини олишимиз мумкин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4467-сонли қарори.

2. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: 2004. – 314 б.

3. Facione, P. A. (2000). The disposition toward critical thinking: Its character, measurement, and relationship to critical thinking skill. Informal Logic, 20(1), 61-84.

4. Facione, Peter A., 1990 a, Critical Thinking: A Statement of Expert Consensus for Purposes of Educational Assessment and Instruction, Research Findings and Recommendations Prepared for the Committee on Pre-College Philosophy of the American Philosophical Association, ERIC Document ED315423.

5. Adams, C.A. (2013), Sustainability reporting and performance management in universities: Challenges and benefits. Sustainability Accounting, Management and Policy Journal Vol 4 Iss 3, pp. 384-392.

6. Hauser, S.M. (2000), “Education, ability, and civic engagement in the contemporary, United States. Social Sciences Results, Vol. 29 No 4, pp.556-582.

7. Pardabaev J.E. ““STEAM” - Education as an innovative approach to the development of vocational training for students” // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 8 No. 3, 2020. ISSN 2056-5852.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқувчилар тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш мазмуни, таълимнинг иновацион технологиялари робототехника, моделлаштириш, конструкциялаштириш, дастурлаштиришни ўргатишда танқидий фикирлаш қобилятининг аҳамияти ва уни шаклланиш жараёни тўғрисида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается содержание развития исследовательских и профессиональных навыков студентов с помощью критического мышления, важность инновационных технологий мышления в обучении робототехнике, моделированию, дизайну, программированию, умению критически мыслить и процессу его формирования.

SUMMARY

This article discusses the content of the development of research and professional skills of students using critical thinking, the importance of innovative thinking technologies in teaching robotics, modeling, design, programming, the ability to think critically and the process of its formation.

ЎҚУВЧИЛАР КАСБ – ҲУНАР КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РОБОТОТЕХНИКАНИНГ ЎРНИ

Ж.Э.Пардабоев - *ўқитувчи*
Н.Утаева – *магистрант*
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университи

Таянч сўзлар: модернизациялаш, робототехника, кўникма, мобиль, таълим модели, робот дизайнер, муҳандислик кўникмалари.
Ключевые слова: модернизация, робототехника, мастерство, мобильность, модель обучения, робот-конструктор, инженерные навыки.
Key words: modernization, robotics, skill, mobility, training model, robot designer, engineering skills.

XXI аср ахборот ва замонавий илмий билимлар асри ҳисобланади, шунинг учун замонавий жамият ривожланиши ҳар биримиздан юқори даражадаги тайёргарликни талаб қилади. Турли соҳалардаги билим

ва тайёргарлик даражасини ривожланганлиги, яъни саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишида юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқади. Шу муносабат билан бугунги кунда замонавий таълим тизими ахборот ва мобиль шароитда яшаш ва ишлашга асосланган муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда [1].

Замонавий дунёда истиқболли муҳандис кадрлар тайёрлашда, ёш авлодни тарбиялаш, энг янги технологияларни жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Замонавий жамиятнинг устувор йўналишларидан бири бу “Робототехника”дир. Бугунги кунда робототехника автоматлаштирилган тизимларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шу тамоилга амал тариқасида турли ҳил ўқитиш соҳасидаги техник ва муҳандислар мураккаб техник тизимларни ишлаб чиқиш ва автоматлаштиришда иштирок этмоқдалар. Ҳозирги вақтда муҳандислик ихтисосликлари жамият тараққиёти соҳаларидан энг машҳурларидан бирига айланмоқда. Ҳар бир ўсиб бораётган мутахассис юқори маълумотли ва муҳандислик соҳасида малакали бўлиши учун, ёшликдан техник ижодкорлик қобилятларини ривожлантириш кераклигини англамоқда. Умумий ўрта таълим мактабларининг ҳар бир битирувчиси замонавий жамиятда келажак ҳаётига профессионал даражада тайёр бўлиши кераклигини тушуниб етмоқда.

Ўқувчилар касб – ҳунар тайёргарлигини авволо касбий кўникма ва малакалар шаклланиши жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб ўқувчилар тамонидан дастлабки касбга оид тушунчалар, маълум иш ҳаракат турлари, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш усуллари ва мураккаб технологик жараёнларни тушуниш ҳолатлари билан белгиланиб, педагогика фанлари доктори профессор Ў.Қ.Толипов томонидан касбий кўникма ва малакалар шаклланиш жараёнини бир нечта босқичларга ажратиш кўрсатилган.

Ушбу босқичларнинг биринчиси маълум меҳнат, иш ҳаракат ва технологик операцияларни дастлабки таништирув аҳамияти муҳим ҳисобланиб, вазифаси ўқувчини нимага ва қандай эришиш тўғрисидаги билимлар, ўз ҳаракатларини мустақил назорат қила олиш имконини берувчи йўналишлар билан таништиришни кўзда тутади.

Иккинчи босқичда кўникма ва малакалар ҳосил бўлишининг амалий босқичи ҳаракат элементларини эгаллашдан бошланади деб ҳисоблайди.

Навбатдаги малака ва кўникмалар шаклланишининг учинчи босқичи дастлабки кўникмаларнинг такомиллашиши ва мустаҳкамланиши, унинг машқлар ёрдамида малакага айланиб бориши билан белгиланади. [2-3].

Учала босқични эгалаш учун ҳозирги кунда ўқитиш ва ўргатишнинг инновацион технологияларни қўллаш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб робототехникани ўргатиш ушбу муаммоларни ечими сифатида кўрсатилмоқда. Робототехникани ўргатишни яна бир долзарблиги муҳандисликни эгалалаш, когнитив тадқиқот ва конструктив фаолиятни ривожлантиришдан ибортдир. Ўқув жараёнида содда муҳандислик ва робототехника воситаларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини ривожлантириш давлат таълим стандарти талаблари билан белгиланган.

Муҳандислик кўникмаларидаги асосий нарса бу аниқ техник, технологик, ишлаб чиқариш, ташкилий ва бошқарув муаммолари ва вазифаларини техник воситалар ёрдамида ҳал қилиш, инновацияларни илгари суриш ва амалга оширишни назарда тутади. Бугунги кунда жамиятимиз ривожланиш тендецияларидан бири бўлган рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда техник иқтисодий, самарали ва юқори сифатли натижаларга эришиш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва меҳнатни, машиналар ва технологияларни инсонпарварлаштириш учун лозим бўлмоқда.

Таълим жараёнида фойдаланиладиган роботлар ҳозирги пайтда тобора муҳим ва долзарб бўлиб бормоқда. Бу муҳандислик кўникмаларини шаклланиши ва ривожланиши жараёнинг муҳим объекти ҳисобланади. Робототехника муҳандислик таълимининг бир қисми бўлиб бугун биз бу билан фаол равишда шуғулланишимиз керак бўлмоқда. Мактабдан бошлаб муҳандислик касбларини оммалаштириш мақсадида ҳозирги кунда турли танловлар, мусобақалар ташкил этиш лозим бўлмоқда. Робототехника ўқувчиларни илғор ривожланиш режимида ривожлантиради, яъни робототехника информатика, математика, технология, физикага асосланган. Асосий вазифамиз инновацион таълим сермаҳсуллигини аниқлаш, таъминлаш ва шакллантиришдан иборатдир ҳамда ўқувчиларни ўқитишнинг узлуксизлиги орқали муҳандислик кўникмаларни ривожлантириш, янги авлод робот дизайнер воситаларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ҳар бир мамлакатнинг глобал иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти бевосита унинг юқори технологияларга эга бўлишига ҳамда иқтисодий тежамкорликка эга бўлишига боғлиқ бўлиб, муҳандислик таълимини ривожлантириш ҳам шундай муаммоларига қаратилган.

Бу технологик таълимининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси ҳисобланиб таълим асосларидан бошланадиган динамик тизимни яратиши керак, аниқроғи болалар боғчаси, мактаб ва мактабдан ташқари таълим жараёнида узликсиз ва узвийлик асосида. Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичи муҳандислик ва технологиянинг жадал ривожланиш суръатлари билан тавсифланади. Янги ғоялар доимий равишда зарур бўлиб, рақобатбардош маҳсулотлар яратиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг заминидир. Ташқи шароитлар ижодий ҳаётни амалга ошириш учун зарур шартлардан бири ҳисобланиб, ўқувчилар шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришнинг муҳим воситасидир.

Бугунги кунда таълим жараёнида ўрганилаётган робототехникага оид ўқув материалларининг асосини ҳаракатнинг механик узатилиши ва элементар дастурлашнинг асосий тамойилларини ўрганишни ташкил этади. Бу эса якка, жуфт ёки жамоавий тарзда ишлаш орқали ўқувчилар қандай қилиб моделларни яратиш ва дастурлаш, тадқиқотлар ўтказиш, ҳисоботлар ёзиш ва муҳокама қилишни ўрганишларига замин яратмоқда. Ўқувчилар томонидан ушбу моделлар билан ишлаш вақтида пайдо бўладиган ғоялар, уларнинг ёшлигидан касб – ҳунар тайёргарлигини такомиллаштириш воситаси ҳисобланади. Замонавий дунёда муҳандислик кўникмаларининг ривожлантирилиши етарли даражада муҳим рол ўйнайди.

Робототехникани ривожланиши ўтган асрнинг 90-йилларда хорижий педагогика тизимда махсус йўналиш сифатида - янги ўрганиш фалсафаси билан боғлиқ "Лего педагогикаси" – конструкционизм сифатида ривожлана бошлаган. Унинг муаллифи С.Паперт (С.Паперт) ҳисобланиб Лего конструктори, компьютер дастурлари ёки қум қалъалари тарзида ўз фалсафасини ўқтира бошлаган бўлиб, ўқувчиларни улар билан ишлашга жалб қилинган бўлса, шу билан бирга янги билимларни яратишда хизмат қилиши мумкинлигини ҳам аниқлашган. Лего дизайнери конструкционизм фалсафасида ўқитиш воситаси сифатида жуда мос келди ва ўзининг фаол ҳаракатини бошлади.

Қисқа вақт ичида Лего дизайнерларининг тўпламлари болалар ва ўқитувчилар орасида катта шуҳрат қозонди, чунки улардан фойдаланиш фаол

когнитив фаолиятни ўйин лаҳзалари билан уйғунлаштиришга имкон беради. Бугун хорижий мамлакалар таълим тизмида бошланғич синфлардан бошлаб то юқори синф ўқувчилари ҳам робототехникани ўрганишни бошлаб юборишган бўлиб, турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Инсоният тарихи давомида илмий-техник тараққиёт жадал суратларда ривожланиб замонавий робототехника илмий-техник тараққиётнинг муҳим йўналишларидан бирига айланиб бормоқда, бунда механика ва янги технологияларнинг муаммолари сунъий интеллект муаммолари билан боғлиқ ҳолда ўз ечимларини топади. Дунёда робот технологиясининг жадал ривожланиши - бу технологик сифат кўрсаткичларига нисбатан мутлақо янги бозор талабларидан келиб чиқадиган табиий жараён машиналари ва ҳаракатланувчи тизимларни яратишга имкон яратмоқда.

Замонавий дунёда робототехника воситаларини инсон фаолиятининг турли соҳаларида қўллаш соҳаси жуда кенг бўлиб у ўсишда давом этмоқда. Роботлардан фойдаланиш инсоннинг оғир ва хавфли ишларда иштирокини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Масалан, мудофаа, кимёвий, атом соҳаларида ишлаш, ёнғинларни операторнинг ёрдамисиз ўчирадиган, қутқарув ишларини бажарадиган ёки илгари номаълум бўлган жойда ҳаракатланадиган қурилмалар ва машиналар. Аста-секинлик билан роботлар инсоннинг одатий ҳаётига ҳам кириб келмоқда. Шундай роботлардан бири мобиль робортлардир.

Мобиль роботлардан фойдаланиш бизга кундалик эҳтиёжларни қондиришга имкон беради:

роботлар - васийлар, роботлар - энага, роботлар - уй бекалари ва бошқалар, натижада замонавий жамият ҳақиқатан ҳам ушбу соҳада малакали мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда.

Бугунги кунда робототехникани ўрганишда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарурлиги бизнинг фикримизнинг асосидир:

- нафақат ўтмишдаги ютуқларни, балки келажакда фойдали бўлган технологияларни ўрганиш;
- таркибий қисмларнинг билим ва фаолият йўналишлари бўйича махсус таълим [1].

Робототехникани ўрганиш ўқувчиларга касбий кўникмаларини ривожлантиришга имкон беради асосан роботлар қурилиши бир гуруҳда бўлиб ўтади, мустақил бўлишни ўрганади шу билан биргаликда ностандарт ечимлар, ижодий фикрлашни ривожлантиришга асосланади.

Шунингдек, робототехника нафақат муҳандислик фанлари калити сифатида ўрганилиши, балки рифожланитириши ҳам мумкин. Робот дизайнерлари физика, математика, физика ва технология фанларидан ўқув тажрибаларини намойиш қилиш учун фойдаланиши мумкин, бу бизга ҳақиқий дунё аксини кўришга имкон беради. Роботлардан фойдаланиш ўқув жараёнини янада қизиқарли ва тушунарли бўлишини таъминлайди. Ўқувчи ўзи яратган ва ўзини кўрган нарсани яхшироқ билади. Шунинг учун робототехника асосларини мактаб ўқув дастури давомида қўллаш зарурдир.

Ўқувчиларни робототехника соҳасидаги тадқиқотларга жалб қилиш, техник маълумотлар ва бошланғич муҳандислик билимлари билан алмашиш, янги илмий-техник ғояларни ишлаб чиқиш ўқув жараёнида янги педагогик ёндашувлар ва янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали юқори сифатли таълим олиш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Технология феноменини тушуниш, технология қонунларини билиш имкон беради.

Ўқув жараёнида робототехника бизга бир қатор фойдали вазифаларни ҳал қилишга имкон беради: дизайнда нозик моторли кўникмаларни ривожлантириш, ижодий шахсни тарбиялаш, дастурларнинг блок-схемаларини ёзишда мантиқий фикрлаш, дастурлаш тилларини ўрганиш, замонавий технологиялар билан танишиш, тегишли соҳада бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг дастлабки босқичини амалга ошириш. Бироқ, амалда, таълим муассасалари моддий базани таъминлашда қийинчиликларга дуч келади. Робототехника дарсларини ўтказиш учун маълум тўпламлар керак бўлади, уларнинг танланиши кўп нарсага боғлиқ. Робототехника фанининг тармоқларидан бири сифатида ўқув жараёнига жорий этилиши бизга таълим олдида турган муаммоларни ҳал этишда бир қадам яқинлашишга имкон беради.

Бугунги кунда баркамол авлод болалар мактабларда робототехника тўлиқ тўгарак шаклида мавжуд бўлиб, ушбу соҳада дарслар олиб борадиган марказлар ҳам ташкил этилмоқда. Баркамол авлод болалар мактаби ўқувчиларининг ўқув робототехника соҳасидаги фаолиятини ташкил қилиш учун бугунги кунда бозорда ўқувчиларга структурани тезда йиғиш, сенсор ва электр моторларини улаш, дастур яратиш ва робот моделини ишга туширишга имкон берадиган бир қатор дизайнерлар таклиф этилмоқда. Кўпгина таълим муассасаларида робототехника машғулотларини ташкил қилиш учун энг машҳур дизайнер LEGO Mindstorms EV3 ва ARDUINO. Ушбу дизайнерлар 1998 йилдан бери ишлаб чиқариш дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган. LEGO конструктор қисмларининг юқори сифати етарли куч, хавфсизлик, махсус воситаларни талаб қилмайдиган монтажнинг қулайлиги билан бирлаштирилган. Дизайнер дастурлаш тизимлари болаларнинг ёшига мослаштирилган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4467-сонли қарори.
2. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: 2004. – 314 б.
3. Leaning, M. A study of the use of games and gamification to enhance student engagement, experience and achievement on a theory-based course of an undergraduate media degree.// Journal of Media Practice, 16(2), 2015. Pp. 155- 170.
4. Сосновский С.А., Гиренко А.Ф., Галиев И.Х. Информатизация математической компоненты инженерного, технического и естественнонаучного обучения в рамках проекта MetaMath.// Образовательные технологии и общество. Выпуск № 4, том 17, 2014. - С.446- 457.
5. Байденко В.И. Болонский процесс: Результаты обучения и компетентностный подход (книга- приложение 1) / Под науч. ред. д-ра пед. наук, профессора В.И. Байденко. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2009. – 536 с.
6. Pardabaev J.E. ““STEAM” - Education as an innovative approach to the development of vocational training for students” // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 8 No. 3, 2020. ISSN 2056-5852

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бугунги кунда хорижий тажрибалар асосида “Баркамол авлод” болалар мактабларида ташкил этилган “Робототехника” тўгараклари муҳандислик кўникмаларини ривожлантиришдаги ўрни ва таълим жараёнидаги авзаллиги ҳамда робототехникани ўргатиш таълим жараёнидаги иновацион технологияларидан бири эканлиги ҳақида.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль робототехники в развитии инженерных навыков и преимуществ в образовательном процессе, а также тот факт, что преподавание робототехники является одной из инновационных технологий в образовательном процессе.

SUMMARY

This article discusses the role of robotics in the development of engineering skills and advantages in the educational process, as well as the fact that the teaching of robotics is one of the innovative technologies in the educational process.

РОЛЬ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПОДГОТОВКЕ НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ ВУЗА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Б.Рахимов – *доктор педагогических наук, профессор*

Б.Хакимжанов, Р.Турдиева - *преподаватели*

Гулистанский государственный университет

Таянч сўзлар: таълимни ривожлантириш дастури, таълимни ислоҳ қилиш, инновация, фан, тадқиқот, юқори малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш, олий ўқув юртидан кейинги касбий таълим, модернизация.

Ключевые слова: программа развития образования, реформы образования, инновации, наука, исследование, подготовка научно-педагогических кадров высшей квалификации, послевузовское профессиональное образование, модернизация.

Key words: program of development of education, reformation of education, innovations, science, research. preparation of highly qualified scientific-pedagogical personnel, post university professional education, modernization.

В условиях широкого внедрения информационной среды в республике Узбекистан созданы условия дляразвития профессиональных компетенций у будущих учителей с опорой на передовой международный опыт, креативность и инновационное мышление которые признаны в качестве важного индикатора. В корне обновлены материально-техническая и нормативно-правовая базы, обеспечивающие развитие профессиональных компетенций у будущих учителей и формирование творческих качеств будущих специалистов на основе креативного подхода.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в качестве приоритетной определена задача “стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику, создание при высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах научно - экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков»[1]. Реализация задач в этой области служит повышению научности содержания образовательных процессов, формированию когнитивного и дивергентного мышления и развитию исследовательской деятельности студентов.

В результате проведённых исследований были определены следующие уровни сформированности научной деятельности исследователя:

- низкий уровень: занятие самостоятельным научным поиском (научным исследованием) протекает трудно, управленческие навыки слабо развиты;
- средний уровень: проявляются осознанные навыки управления научной деятельностью;
- высокий уровень: наличие управленческих навыков, позволяющих придать самостоятельной научной деятельности конкретность (точность), целесообразность, построить научно-исследовательскую деятельность на несколько высоком уровне и критически её оценивать.

Подготовка научно-педагогических находит своё отражение в самореализации студентов, определении и проявлении ими своих внутренних возможностей, работе над исследованием не покладая рук в качестве творца, привлекательности данной работы благодаря своей новизне, возможности практического применения, необычностью.

Развитие системы непрерывного образования-одно из важных направлений инновационной образовательной деятельности, предполагающее непрерывность процессов в системах общего среднего, высшего, послевузовского и дополнительного профессионального образования. Его эффективность заключается в том, что конкурентоспособный учащийся или специалист готовится поэтапно по видам образования. Непрерывное образование должно рассматриваться как составная часть структуры так называемого «обучения в течение всей жизни» и является одним из важных условий инновационной образовательной деятельности.

Эффективность государственной системы непрерывного образования в Республике Узбекистан напрямую связана с его экономическим и культурным потенциалом, со значением и ролью в мировом сообществе.

Стратегия реализации целей, которые наша страна поставила перед собой на среднесрочную и долгосрочную перспективы, представлена в концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества[4] в стране. Демократические изменения, происходящие сегодня в Узбекистане, вызвали необходимость поиска оптимальных путей преобразования различных сторон общества, в том числе и системы профессионального образования, одной из подсистем которой является подготовка научно-педагогических кадров в институте старших научных сотрудников– соискателей.

Профессиональное образование, направленное наподготовку научно-педагогических кадров высшей квалификации, становится все более существенным фактором развития образовательной системы Узбекистана. На наш взгляд, возрастание роли специалистоввысшей квалификации обуславливается: (1) потребностью в обновлениинаучно-педагогических кадров в высшей школе («старение» научно-педагогических кадров); (2) интересом выпускников вузов к послевузовскому профессиональному образованию и получению ученой степени; (3) потребностью субъектов формирующейся рыночной экономики вспециалистах высшей квалификации в связи с повышением сложностирешаемых задач.

Одной из проблем подготовки научно-педагогических кадров в Узбекистане становится поиск ориентиров для усовершенствования системы обучения кадров высшей квалификации в институте старших научныхсотрудников или через самостоятельное соискательство. Решение этой проблемы связано с местом и ролью науки в информационном обществе. Согласно мнению Ю. Ю. Ковалева[4], наука стала универсальнымсредством решения актуальных проблем человечества благодаря тому, что: (1) наука характеризуется непрерывностью, сменой эволюционныхи революционных периодов развития; (2) развитию науки свойственненпрогресс, т. е. каждый новый этап эволюции все более углубляет человеческое понимание природных и социальных процессов; (3) развитие науки носит экспоненциальный характер, т. е. рост количественных и качественных характеристик науки постоянно ускоряется; (4) преобладание частных, социальных приоритетов в науке над когнитивными–отличительная черта её современного периода развития; (5) мироваянаука обла-

[1]Указ Президента Республики Узбекистан. №УП-4947. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. 7 февраля 2017 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г. № 6, ст. 70.

дает определённой пространственной иерархичностью– в ней можно выделить центр и периферию. Центром является та часть мировой научной системы, которая обладает большим притяжением для учёных и которая пользуется огромным авторитетом благодаря своим творческим достижениям. В развивающемся информационном обществе наука оказывает влияние на многие другие сферы человеческой деятельности, начиная регулировать их, перестраивая средства и методы. Согласно мнению Б. П. Вульфсона[1], в будущем, по-видимому, будут развиваться процессыне накапливания знания, а систематической выработки нового знаниядостаточно традиционными путями, т. е. при помощи методов и средствинтеллектуального труда, озарений, выдвижения и проверки гипотез, реализации идей. Суть изменений, происходящих в современной науке, может быть определена как смена стратегии, переход от преимущественно дисциплинарного, предметно-фундаментального развития научного познания к проблемно-ориентированным формам научно-исследовательской деятельности. Иными словами, когда новые областизнаний развиваются в связи с выдвижением определенной крупной теоретической или практической проблемы. Это требует развертывания междисциплинарных и комплексных исследований, проводимых средствами нескольких научных дисциплин, конкретные сочетания которыхопределяются характером соответствующей проблемы [2].

Развитие науки в информационном обществе имеет свои особенности, которые следует учитывать в качестве ориентиров для подготовкинаучно-педагогических кадров: (1) изменение средств и методов научно-исследовательской деятельности в условиях информационного общества влечёт за собой повышение технологической грамотности будущих учёных: им необходимо владеть методами автоматизации наблюдения и экспериментальной деятельности, моделирования и анализа изучаемых процессов и явлений с использованием различного рода электронной вычислительной и аудиовизуальной техники; (2) доступность научной-информации, а также возможности общения с учёными из разных странмира резко увеличились благодаря развитию сети Internet; (3) недолговечность знания– еще одна черта современности, которая диктует своитребования к подготовке научно-педагогических кадров. Традиционный подход к содержанию образования можно сравнить с накопительной системой, когда каждое новое знание уточняет, расширяет, конкретизируетуже освоенное. Современный же подход напоминает гипертекст, когда впредлагаемом содержании сам исследователь выбирает тот компонент, который интересует его больше всего, и уже самостоятельно(или подруководством научного руководителя, консультанта) углубляется в требуемое знание, устанавливая для себя лично взаимосвязи нового знания с уже известным; (4) возросла роль интеграционных процессов внауке и одновременно усилилась дифференциация научного знания, этот процесс находит своё отражение не столько в содержании дисциплин, изучаемых соискателями в институте старших научных сотрудников, сколько в проведении научного исследования. Это требует отбудущего ученого более глубоких и разносторонних знаний и навыковисследования, которые используются в каждой конкретной науке.

Таким образом, при подготовке научно-педагогических кадров необходимо усилить фундаментальную базу, ввести интенсивные методики освоения академических дисциплин образовательной программы с акцентом на индивидуализацию образовательного процесса.

Говоря о возрастающей роли науки в современном обществе Узбекистана, следует отметить еще одну задачу, которая стоит перед институтом старших научных сотрудников, – привлечение талантливой молодёжи к научной и преподавательской деятельности. Высшая школа должна уделить особое внимание следующим проблемам: развитию умолодых людей стремления к научным знаниям и приобщению их к достижениям мировой науки и культуры; организации научно-исследовательской деятельности студентов, магистрантов, молодых специалистов; воспроизводству профессорско-преподавательских кадров для системы среднего и высшего образования на основе непрерывного образования. Наука сегодня превратилась в специфическую область профессиональной деятельности, поэтому для нее необходимо готовить современных исследователей, которые смогут реализоваться в ней [3].

Таким образом, послевузовское профессиональное образование, направленное на подготовку научно-педагогических кадров высшей квалификации, становится все более важным фактором развития образовательной системы Республики Узбекистан. Это обстоятельство заставляет искать оптимальные пути интеграции науки и образования, улучшать процесс подготовки научно-педагогических кадров. При этом следует отметить, что совершенствование системы подготовки научно-педагогических кадров высшей квалификации в Узбекистане не должно проходить в замкнутой среде. Необходимо разумно использовать зарубежный опыт, находить способы интеграции отечественной системы в европейское образовательное пространство.

Литература

1. Вульфсон Б.Л. Стратегия развития образования на Западе на пороге XXI века. – М.: УРАО, 1999.
2. Кадырова З.Р., Кадырова Ф.Р. Некоторые аспекты интеграции науки и образования в Узбекистане. // Социально-гуманитарные науки в системе образования. – Ташкент: 2015, №1. -С. 59–64.
3. Кадырова З.Р., Кадырова Ф. Р. Роль образования в развитии профессиональной и социальной компетенции личности// Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития, 2-й этап. –Астана: 2014, -С. 268–271.
4. Ковалев Ю.Ю. География мировой науки. -М.: «Гардарика», 2002.

РЕЗЮМЕ

Мақолада «Кадрлар таййорлаш миллий дастури» асосида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими очиб берилган, шунингдек, Ўзбекистонда илмий ва педагог кадрлар таййорлаш жараёни масалалари кўриб чиқилган, фан ва таълим ривожининг ҳозирги босқичида юқори малакали мутахассислар ролининг ортиб бориши сабаблари асосли, илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашда ўзгаришлар киритиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается система непрерывного образования в Узбекистане на основе «Национальной программы по подготовке кадров», а также рассматриваются вопросы процесса подготовки научно-педагогических кадров в Узбекистане, обосновываются причины возрастающей роли специалистов высшей квалификации на современном этапе развития науки и образования, делается вывод о необходимости изменений в подготовке научно-педагогических кадров.

SUMMARY

Given article is written about the system of constraint education in Uzbekistan on the basis of “National program of training personnel”, and also special attention is paid to the system of reforming education. This article discusses the modernization process of the preparation of the teaching staff (highly qualified scientific-pedagogical personnel) in Uzbekistan, substantiates the reasons for the increasing role of highly qualified specialists at the present stage of development of science and education, draws the conclusion about the need for changes in the preparation of the scientific-pedagogical teaching staff.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

С.З.Рахимов - *ассистент ўқитувчи*
Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: мультимедиа технологиялари, ўқув жараёнининг ахборот базаси, интерфаол интерфес, кўргазмали материаллар, мультимедия ускуналари, электрон ўқув тизимлари.

Ключевые слова: мультимедийные технологии, информационная база учебного процесса, интерактивный интерфейс, демонстрация визуальных материалов, мультимедийное оборудование, электронные системы обучения.

Key words: multimedia technologies, informational base of educational process, interactive interface, demonstration of visual materials, multimedia equipment, electronic learning systems.

Маълумки, олий таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, умуман таълим тизимини модернизация қилишнинг асосий йўлидир. Шиддат билан ривожланаётган ахборот оқимида эркин йўналиш олиш учун ҳар қандай замонавий мутахассис компютер, телекоммуникация ва бошқа ахборот воситаларидан фойдалана олиш, ўзига керакли маълумотларни топа билиш, уларни қайта ишлаш имкониятига эга бўлиши керак [1:20].

Бундай шароитда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳар қандай мутахассис учун, айниқса, шу соҳада ўқув жараёнини олиб бораётган ўқитувчи учун муҳим саналади. Дастлабки ахборот технологияси ҳақидаги билимларни ўрта мактабда ўзлаштирган талаба олий таълим тизимида фаннинг янги йўналишларини билгиси, ўргангиси келади.

Олий таълим тизимида таҳсил олаётган талабаларга мултимедиа технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда дарс ўтиш ижобий самара беради. Жумладан, олий таълим битирувчилари ўз соҳаларини мукаммал эгаллаш билан бир қаторда махсус ахборот тайёргарлигига эга бўлишади; маълумотларни қидириш, тўплаш ва таҳлил қилиш механизмларини яхши билишади; ғоялар, тушунчалар, жараёнларнинг визуал кўринишини идрок эта олишади.

Таълим жараёнида мултимедиа технологияларини жорий этиш усулларини ишлаб чиқиш, номутахассис таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг компютер саводхонлигини ошириш долзарб муаммо саналади.

Шунинг учун ҳам электрон ўқув адабиётларини яратиш ва тадбиқ этиш технологиясининг муаммоларини ўрганиш ва уни татбиқ қилиш ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш усулларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ўқув жараёнининг барча жабҳаларида электрон ўқув адабиётларини қўллаш, кўплаб ахборот ва коммуникацион технологияларининг, шу жумладан мультимедиа воситаларининг кенг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитишни юқори даражада самарадорлигини таъминлаш учун ўқув материалларини турли кўринишларда тасвирлаш учун турли хил мултимедиа иловаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мултимедиа инглиз тилидан таржима қилинган мулоқот режимида матн, график, видео ва анимациянинг ишлатилишини таъминлайдиган кўп компонентли муҳит бўлиб, компьютерни ўқув жараёнида қўллаш имкониятларини кенгайтиради. Ижодий фикрлаш таълим олувчиларга таклиф қилинган мателиални яхлит тарзда қабул қилишга ёрдам беради. Назарий ва намойиш материалларини бирлаштириш имконияти пайдо бўлади [2:35].

Мультиедиа воситалари – амалий дастурий воситалар бўлиб, улар ўқитиш жараёнининг барча соҳаларида дастурий тизимларни яратиш, тайёрлаш, ташкилий материалларни ва маълумотларни жамлаш, график ёки анимацияларни қўшиш ва намойиш учун мўлжалланган.

Ахборот технологиялари фанини мактабгача таълим йўналиши талабаларига мультимедиа воситалари асосида ўқитиш жараёнини ташкиллаштиришда турли услуб ва технологиялардан фойдаланиш зарур. Таълим йўналишлари учун яратилган барча мультимедиа воситалар амалий тадбиқдан ва тажрибадан ўтган бўлиши билан бирга, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиши керак. Ахборот технологиялари фани бўйича мультимедиа воситаларининг хусусиятлари билим ва кўникмаларни шакллантириш учун фойдаланиладиган ўқув материалларининг тасвирланиш формасига ва кўринишига боғлиқ бўлади. Улар фақатгина мисол ва масалалар ечиш, амалий ва лаборатория машғулотларини бажариш жараёнидагина эмас, балки бутун ўқув жараёнида талабаларни касбий билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши лозим. Мультимедиали воситалар турли хил ахборотларни – матн, статик ва динамик графика, видео ва аудио ёзувларни интеграциялаш имконини беради. Талабани ўқув жараёнида фаолроқ ва диққатлироқ бўлишга ўргатади, чунки ахборотлар маълум бир ҳаракатли амалларга мос жавоблар асосида баён қилинади.

Мактабгача таълим йўналишларига оид фанларни мультимедиали ўқув воситалари асосида ўқитишда видео-маърузалар, анимацион моделлар, компьютерли лаборатория амалиётларидан фойдаланиш ўз самарасини беради, чунки улар натурал объектлар ва кўргазмали қуролларнинг камчиликларини маълум бир миқдорда ёки тўлиқ қоплаш имконини беради. Бу эса қуйидаги афзалликларни келтириб чиқаради:

- талабалар бевосита кўриб бўлмайдиган жараёнларни дастурий воситалар ёрдамида кузатади, яъни визуал кўриш амалга оширилади;
- ўқув материаллари чуқурроқ ва мукаммалроқ ўзлаштирилади;
- вақт тежалади;
- олинган билимлар амалда қўлланилади ва ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланади;
- машғулотлар чиройли ўқув кўрмазмалари асосида ташкиллаштирилади ҳамда талабалар билан интерфаол мулоқот қилиш имкони пайдо бўлади.

Мактабгача таълим йўналишлари талабалари учун ўқитиладиган фанларни компьютер технологиялари ва мультимедиа ўқув воситалари асосида ўқитишнинг асосий ўқув-услубий ва дастурий таъминоти - гиперматн, видео ва аудио-иловалар, анимациялар, катта сондаги намойиш материалларидан фойдаланиладиган мультимедиали ўқув қўлланмалари ҳисобланади. Мультимедиали ўқув воситалари турли табақали ва иқтидорли талабаларга мўлжалланган бўлади. Бу эса уларнинг тузилишининг кўп даражали ва тармоқли - модулли характерга эга эканлиги билан аниқланади..

Мультимедиа ўқув воситаларини яратишда ва улардан фойдаланиш локал компьютер ва Интернет тармоғи кенг имкониятларни очиб беради. Мультимедиали ўқув воситаларини бутун дунё компьютер тармоғига жойлаштирилиши, улардан ўқув жараёни фойдаланишда тўғридан тўғри мурожаат қилиш имконини беради, бу эса талабаларга ахборотларни топиш , излаш ва ўрганиш фаолиятини шакллантириш ва кенгайтириш имкониятларини яратади [3:15].

Масалан, олий таълимнинг мактабгача таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар замон талаблари асосида билим ва малакага эга бўлишларида ўқитиш технологияларининг замонавий воситаларидан, айниқса, мультимедиали ўқув воситаларидан электрон кўринишда фойдаланишлари янада юқори самара бермоқда.

Бугунги кунда мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг асосий бўғини саналади. Шу сабабли бу тизимда асосий эътибор дастлабки таълим сифатига қаратилиши зарур. Буни амалга оширишнинг асосий усулларидан бири машғулот жараёнларида замонавий ўқитиш технологияларини, яъни мультимедияли ўқув воситаларини қўллаш, тарбиячи ва тарбияланувчининг ўзаро алоқаларини таъминлашдан иборат бўлади [1:24].

Мультимедиа технологиялари асосида ўқитиш жараёнини ташкиллаштиришда машғулотлар ўтишнинг турли услублари ва технологияларидан фойдаланиш лозим. Бунинг учун талабаларнинг ўқув аудиторияларида, компьютер синфларида, ўқитишнинг техник воситалари хонасида, услубий кабинетда, кутубхоналарда амалий шуғулланишларини ташкиллаштириш керак бўлади. Мактабгача таълим йўналишлари бўйича яратилган барча мультимедиа воситалари амалий тадбиқдан ва тажрибадан ўтган бўлиши билан бирга, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиши керак.

Мактабгача таълим йўналишлари бўйича мультимедиа воситаларининг хусусиятлари билим ва кўникмаларни шакллантириш учун фойдаланиладиган ўқув материалларининг тасвирланиш ҳамда ифодаланиш формасига ва кўринишига боғлиқ бўлади. Улар фақатгина оддий ва содда кўринишдаги анимациялар кўрсатиш, илк математик тасаввурларни ўстириш, болалар нутқини равон қилиш, дастлабки тасвирлаш кўникмаларини шакллантириш жараёнидагина эмас, балки бутун машғулот жараёнида талабаларни профессионал билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мультимедиа воситаларини таълим жараёнида қўлланилиши мантиқий, мнемоник ва ижодий фаолиятини янги шаклларини пайдо бўлишига олиб келади. Бу холатни инсоннинг психик жараёнларини тарихий ривожланиши деб қараш мумкин. Таълимда мультимедиа воситаларнинг моҳияти ва ўзига хослиги инсоннинг психик жиҳатидан тузилишини, тафаккурини шакллантиришга ва ривожлантишга таъсир этади. Ахборотнинг асосий манбаи бўлган печатланган матн, мазмунини ҳақиқатдан абстраклаштириш принципига асосланади. Бу эса ўз навбатида фикрлаш фаолияти кўникмаларини шакллантиради ва шу билан бирга чизиқлилик, кетма-кетлик, аналитик ва иерархик хусусиятларини ривожлантиради. Мултимедиа техологияларнинг қўллаган ҳолда ташкил қилинган дарс машғулотларида таълим олувчиларга кузатувчининг пассив роли эмас, балки ўқув жараёнга бевосита таъсир қилувчи фаол иштирокчининг роли ажратилади.

Адабиётлар

1. Юлдашев У.Ю., Боқиев Р.Р., Зокирова Ф.М. Информатика ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Талқин» 2004. 187-б.
2. Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2003. – 192 с.
3. Лернер И.Н. Дидактические основы методов обучения. - М.: Педагогика, 1981. - с. 94-100, 114-123.
4. Мосина М. Мультимедийный проект — средство интерактивного общения // Высшее образование в России. — 2008. — № 6. — С. 68-72.
5. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии / СЛ. Рубинштейн. - СПб.: Питер, 2006. - 713с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бугунги кунда бўлажак мактабгача таълим тизими тарбиячиларини тайёрлашда улар учун ахборот технологиялардан фойдаланилган ўқув жараёнини ташкил этишнинг афзалликлари ҳақида сўз юритилган. Хусусан, талабаларни ижодий қобилиятларни ривожланти-ришда мультимедияли воситаларнинг ўрни, улардан фойдаланиш янги имкониятларни яратиб бериши ҳамда бу асосда сифатли кадрлар тайёрлаш муаммосининг ечилиши хусусида ҳам фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются преимущества создания учебного процесса для будущих учителей дошкольных учреждений с использованием информационных технологий. В частности, роль мультимедийных инструментов в развитии творческих способностей студентов, использование ими новых возможностей и решение проблемы качественной подготовки кадров.

SUMMARY

The article discusses the benefits of creating an educational process for future teachers of preschool institutions using information technology. In particular, the role of multimedia tools in the development of students' creative abilities, their use of new opportunities and the solution to the problem of quality training.

LUG’AT MUKAMMALLIGI-TA’LIM-TARBIYA GAROVI
(Yangi lug’atlar misolida)

Sh.Ruzimov – *assistent o’qituvchi*

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so‘zlar: leksikografiya, ma’nodosh, urg‘u, tamoyillar, tanqidiy, takliflar, ishlab chiqmoq, yaxlit tizim, ilmiy,tahlil qilmoq.

Ключевые слова: лексикография, синоним, ударение,принципы,критически, рекомендации, разрабатывать, целая система, научный, изучать.

Key words: lexicography, synonym, stress, principles, critically, recommendations, work out, whole system, scientific,investigate.

Milliy istiqlol tufayli ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy hayotdagi o‘zgarishlar, ilm-fan, texnika, san’at, adabiyot, tilshunoslikning jadallik bilan rivojlanishi, olimlarimiz oldiga yangidan yangi muammolarni yechish masalasini qo‘ymoqda. Mustaqillikka erishganimizdan so‘ng hukumatimiz xorijiy tillarni o‘rganishga keng yo‘l ochib berdi. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov ta’kidlaganidek, “Jahon hamjamiyatidan o‘ziga munosib o‘rin egallashga intilayotgan mamlakatimiz uchun, chet ellik sheriklarimiz bilan hamjihatlikda, hamkorlikda o‘z buyuk kelajagini qurayotgan xalqimiz uchun xorijiy tillarni bilish ahamiyatli” [1:185].

Shu o‘rinda shuni ta’kidlash lozimki, bugungi kunda chet tilini o‘rganish davr talabiga aylanib ulgurgan. Shularni hisobga olib, S.Nazarov, F.Nazarova, N.Adizova, D.Poltayeva **kabi** filolog olimlarimiz tomonidan, ayniqsa, inglizcha-o‘zbekcha lug‘at tuzish masalasiga katta ahamiyat berib kelinmoqda. Mazkur maqola yuqorida keltirilgan lug‘atshunoslar lug‘atining yutuq va kamchiliklari haqida so‘z yuritadi.

Lug‘at boshida ingliz tilidagi unli va undosh tovushlarning fonetik belgilari ko‘rsatilgan jadval berilgan: **ai** my ...

Undan so‘ng o‘zbek tili alifbosi va lug‘atda foydalanilgan qisqartmalar ro‘yxati keltirilgan: *adj., adjs.*

adjective (s)

Lug‘at maqolalari alifbo tartibida berilgan va farqlanib turishi uchun qora rang bilan ajratib qo‘yilgan: ABC [eibi:si:] *n*. alifbe; alifbo.

Har bir lug‘at maqolachasidan so‘ng uning transkripsiyasi o‘rta qavs “[]” ichida berilgan: ABC [eibi:si:] *n*. alifbe; alifbo.

Transkripsiya qilingan paytda unga qo‘shimcha tarzda so‘zning urg‘usi ham ko‘rsatilgan: **lady** [ˈleɪdi] *n*. xonim, ...

Bosh so‘z ibora yoki misolda yana qaytarilmasligi uchun “~” belgisidan foydalanilgan: book [buk] *n* kitob; ABC ~ alifbo kitobi.

Ammo lug‘at maqolasi tarkibida bosh so‘zning negizi asosida yasalgan boshqa turkumga oid so‘z berilsa to‘lqinli chiziq ishlatilmasdan, so‘z to‘liq yozilgan: **adapt** [əˈdæpt] *v*. moslashtirmoq;... **adaptable** *adj*. moslashadigan. **adaptation** *n*. uyg‘unlashtirish, moslashtirish,...

Yuqoridagi misolda “adapt” fe’li bosh so‘z sifatida berilgan, uning tarkibida o‘sha so‘z negizi asosida yasalgan “adaptable” sifati va “adaptation” oti to‘liq yozilgan.

Omonimlar bir-biridan tepasiga raqam yozish bilan farqlangan. Ularning ma’nosi esa qavs ichidagi yordamchi so‘z bilan oydinlashtirilgan:

cape^1 [keip] *n. (geog.)* burun,…

cape^2 [keip] *n. (cloak)* pelerine (*yelkaga tashlab yuriladigan kiyim*),…

Ushbu usuldan o‘zbek tilidagi so‘zlarning ma’no jilolari yaqqol anglashilishi uchun ham foydalanilgan, demoqchimizki qavs ichida so‘zning aniq ma’nosini ochib beruvchi so‘z yoki ibora keltirilgan.

Lug‘at hajmining ixchamligini saqlash uchun bir necha o‘zakdosh yoki shaklan o‘xshash bosh so‘zlar bitta lug‘at maqolasining tarkibiga kiritilgan, ammo bosh so‘zning transkripsiyasiga qiyosan talaffuzi ayonlashishi mumkin bo‘lgan so‘zlarga alohida transkripsiya berilmagan. Transkripsiyasi berilmagan so‘zda ta’kid urg‘usi o‘zgargan hollarda, urg‘u tushgan bo‘g‘inning oldiga (′) belgisi qo‘yilgan: **counter** [ˈkaʊntə(r)] *n*. peshtaxta; (token) fishka, jeton; *adj*. teskari, qarama-qarshi; *adv*.; **run ~ to** -ga qarshi harakat qilmoq; *v*. zarbani, hamlani qaytarmoq. **counte′ract** *v*. qarshilik qilmoq. **counte′raction** *n*. qarshi harakat. **counterbalance** *n*. qarama-qarshi, zid, aks;... [2:33].

Ammo navbatdagi misolda asosiy o‘zak emas uning asosida yasalgan so‘z bosh so‘z sifatida berilgan: **countrified** [ˈkʌntrɪfaɪd] *adj*. qishloqqa oid, qishloqdagi. **country** *n*. (nation) mamlakat, yurt, el;... [2:34].

Demoqchimizki misoldagi “**countrified”** so‘zi **“country”** so‘zining negizi asosida yasalgan, shu sababli aksincha bu yerda “**country**” so‘zini bosh so‘z sifatida berish maqsadga muvofiq.

Lug‘at maqolasiga biror komponent qo‘shish mumkin bo‘lsa o‘sha joyning o‘zida qavs ichida keltirib o‘tilgan: **Afghan (hound)** [ˌæfgan] *n*. afg‘on tozisi (it zoti). [2. 13]

Asosan biror komponent bilan qo‘llaniluvchi birliklar quyidagicha izohlangan: **afoot** [əˈfʊt] *adv*.: **set ~** ishga solmoq [2:14].

Ko‘rganingizdek avval paronimik uyani tashkil etuvchi komponenti berilib, transkripsiya va turkumni anglatuvchi qisqartmadan so‘ng ikki nuqta qo‘yilib birikma ko‘rinishi berilgan. Ammo e’tibor berilsa bu yerda sifat turkumiga xos so‘z ravish deb berilganini ko‘rish mumkin. Ba’zan esa shu kabi birliklar maqolasida so‘zning qaysi turkumga taalluqli ekanligi ko‘rsatilmagan:

afraid [əˈfreɪd]: **be ~** qo‘rqmoq, cho‘chimoq, hayiqmoq [2:6].

Berilgan so‘z turli xil turkumga oid so‘z bo‘lib keladigan bo‘lsa aksariyat hollarda quyidagicha berilgan: **counter** [ˈkaʊntə(r)] *n*. peshtaxta; (token) fishka, jeton; *adj*. teskari, qarama-qarshi; *adv*.; **run ~ to** -ga qarshi harakat qilmoq; *v*. zarbani, hamlani qaytarmoq.

Ya’ni bunda har bir turkumga xos tarjimasi bir-biridan nuqtali vergul bilan ajratilgan.

Ammo lug‘at maqolasi ikkita so‘z turkumiga xos bo‘lsa ba’zan quyidagi ko‘rinishda ham berilgan: **adult** [ˈædʌlt, əˈdʌlt] *adj. & n*. yetuk, balog‘atga yetgan kishi [2:4].

Ya’ni bosh so‘z transkripsiyasidan so‘ng og‘ma yozuv bilan yozilgan sifat va ot turkumini anglatuvchi qisqartmalari orasiga “va” bog‘lovchisi qo‘yilgan.

Bosh so‘z sifatida biror birikma yoki so‘zning qisqartmasi (abreviaturasi) berilsa qavs ichida to‘liq varianti ham berilgan: **AC** *abbr*. (*of* **alternating current**) o‘zgaruvchan tok [2:3].

a/c [əˈkaʊnt] *n. abbr*. (*of* **account**) joriy hisob.

Ushbu lug‘atda ham boshqa lug‘atlarda bo‘lgani singari sinonimlardan birining ma’nosini boshqasiga yuklash hollari uchraydi: **loadstar** *see* **lodestar**, **loadstone** *see* **lodestone**.

Lug‘atdagi hayratlanarli, boshqa lug‘atlardan farqli jihat shundaki unda berilgan lug‘at maqolasi uchun uning tarkibida deyarli barcha sinonimlari qavs ichida og‘ma yozuv bilan quyidagi tartibda keltirilgan:

abate [əˈbeɪt] *v*. (*lessen*) kichiklashmoq, maydalashmoq; (*weaken*) kuchsizlanmoq; (*calm*) tinchlanmoq; (*die down*) jim bo‘lib qolmoq; ovozi o‘chmoq; uni o‘chmoq...

Ko‘plikni anglatuvchi -es qo‘shimchasi qo‘shilganda negizda o‘zgarish bo‘luvchi otlarning ko‘plik shakldagi yasalishi ham ko‘rsatib o‘tilsa maqsadga muvofiq bo‘lardi: **family** [ˈfæmili, fæmli] *n* oila;...

lady [ˈleɪ.di] *n*. xonim, ledi...

life [laɪf] *n* hayot;...

wife [waɪf] *n* xotin, rafiqa.

Lug‘atda o‘zakdagi unlini boshqa unli bilan almashtirib ko‘pligi yasaluvchi nostandart otlarning ko‘plik shakli ham ko‘rsatilmagan: **woman** [ˈwʊmən] *n* ayol.

goose [guːs] *n*. g‘oz, urg‘ochi g‘oz.

louse [laʊs] *n*. bit.

Ingliz tiliga boshqa tillardan o‘zlashgan otlarda yuqoridagi holatni kuzatish mumkin, ya’ni ko‘plik shakli ko‘rsatilmagan: **basis** [ˈbeɪsɪs] *n* asos, sabab.

antenna [ænˈtenə] *n* (*zool.*) mo‘ylov, paypaslagich; (*also radio*) antenna.

crisis [ˈkraɪsɪs] *n*. tang ahvol, muhtojlik, pulsizlik.

Lug‘atda fe’llarning o‘timlilik, o‘timsizlik, otlarning sanalish yoki sanalmaslik xususiyatlariga e’tibor berilmagan: **life** [laɪf] *n* hayot;...

teeter [ˈtiːtə(r)] *v*. tebranmoq; chayqalmoq.

Qoidadan mustasno ravishda yasaluvchi nostandart sifatlarning oddiy darajasi yonida qiyosiy va orttirma darajasi, agar uning qiyosiy yoki orttirma darajasi bosh so‘z sifatida berilgan bo‘lsa uning qaysi sifatning qiyosiy yoki orttirma darajasi ekanligi ko‘rsatib o‘tilsa maqsadga muvofiq bo‘lardi, ammo lug‘atda unday emas: **many** [ˈmeni] *adj. & n*. ko‘p, ko‘pchilik;...

much [mʌtʃ] *adj. & n*. ko‘p; ko‘pgina;...

Misol sifatida “good, bad, farther, further, furthest” so‘zlarini ham olish mumkin.

Ot turkumidagi bosh so‘zning sanaladigan, sanalmaydiganlik, fe’l turkumidagi maqolaning o‘timli, o‘timsizlik xususiyatlari ko‘rsatilmagan.

Lug‘atlarni yaratish jarayoni qanchalik mashaqqatli bo‘lmasin lug‘at maqolalarining alifbo tartibining to‘g‘ri qo‘yilishi, sinonim, antonim, omonim, paronimlarning, so‘z turkumlarining o‘z o‘rnida ishlatilishi, agar zarurat bo‘lsa lug‘at maqolasi tarkibida grammatik ma’lumot berilishi, fonetik transkripsiyaning to‘g‘ri berilishi natijasida erishilgan muvaffaqiyat shuncha ahamiyatli bo‘ladi.

Adabiyotlar

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдеври. - Т.: “Шарқ”, 1997.

2. Nazarov S., Nazarova F., Adizova N., Poltayeva D. Inglizcha-o‘zbekcha lug‘at. (35000 so‘z va ibora). –T.: “Niso Poligraf” nashriyoti, 2013.

REZYUME

Mazkur maqolada lug‘at sistemasining tizimli tadqiq usuli, komponent tahlil qilish, qiyoslash, tavsiflash, tasniflash usullari foydalanilib Sanjar Nazarov, Feruza Nazarova, Nigora Adizova, Dilbar Poltayevalarning inglizcha-o‘zbekcha lug‘atlari tuzilishi tamoyillari tanqidiy tahlil qilindi, yutuq va kamchiliklari misollar bilan ko‘rsatilgan holda uni takomillashtirishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqildi. Ishlab chiqilgan taklif va mulohazalar tilni yaxlit tizim sifatida o‘rganishda ilmiy, lug‘at tuzishda amaliy ahamiyatga ega.

РЕЗЮМЕ

В статье собраны принципы составления англо-узбекские словари С.Назарова, Ф.Назарова, Н.Адизова, Д.Полтаева, были исследованы и показаны их преимущества и недостатки с примерами и разработаны практические рекомендации по совершенствованию принципов составления словарей следующего поколения с помощью сравнительно-типологического метода, компонентного анализа и метода классификации. Разработанные рекомендации могут быть использованы для дальнейшего совершенствования и повышения качества переводческих словарей.

SUMMARY

In the article compiling principles of Sanjar Nazarov, Feruza Nazarova, Nigora Adizova, Dilbar Poltayeva’s English-Uzbek dictionaries, were investigated and shown their advantages and disadvantages with examples and practical recommendations for improving compiling principles of the next generation dictionaries were worked out with the help of comparative-typological method, componential analysis and classification method.Worked out recommendations can be used in the further perfection and improvement of the quality of the translation dictionaries.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИКИ НА ТЕМУ «ТЕПЛОВОЕ РАСШИРЕНИЕ ТВЕРДЫХ ТЕЛ»

Т.Сапарбаев – *доктор философии по физике*
М.Б.Жанибеков, Г.Б.Таутанова *– магистранты*
Кокшетауский университет имени А.Мырзахметова, Казахстан
Э.О.Куткельдиева *– докторант*
Институт математики, физики и информатики КНПУ имени Абая, Казахстан

Таянч сўзлар: чизиқли кенгайиш коэффиценти, виртуал лабораториялар, дастурлар, ходисалар, тажрибалар ва металлар.
Ключевые слова: коэффициент линейного расширения, виртуальные лаборатории, программы, явления, эксперименты и металлы.
Key words: coefficient of linear expansion, virtual laboratories, programs, phenomena, experiments and metals.

I. Введение: В настоящее время большое внимание уделяется повышению эффективности учебного процесса. Решение этой проблемы связано с применением в учебном процессе новых методов и приемов обучения. Новые информационные технологии могут эффективно использоваться на традиционных уроках, включающих демонстрационные опыты по физике, на лабораторных занятиях, а также на занятиях физического практикума.

Одним из наиболее перспективных направлений использования новых педагогических технологий в физическом образовании является компьютерное моделирование лабораторных работ по физике, физических явлений и процессов. Виртуально-анимационные компьютерные модели легко вписываются в традиционные занятия, позволяя преподавателю продемонстрировать на экране компьютера многие физические эффекты, а также позволяют организовывать новые, нетрадиционные виды учебной деятельности обучающемуся.

На современном этапе развития науки ее методологическая направленность становится доминирующей чертой научного стиля мышления. Благодаря сильному развитию вычислительной техники и педагогических программных средств широко применяется проведение лабораторных работ по физике с помощью виртуально-анимационными технологиями, успешно развивается математическое и физическое моделирование физических явлений и процессов, превращаясь в один из основных методологических подходов преподавания разнообразных реальных процессов. Современная методика преподавания физики характеризуется модельным представлением знаний о природе, поскольку физическое знание напрямую соотнесено не с реальными объектами, процессами или явлениями, а с моделями этих объектов. Однако анализ действующих программ по физике, современных вузовских учебников и учебных пособий, методической литературы для преподавателей физики, а также практики преподавания физики в образовательных учреждениях показывает, что методологический компонент знаний, в целом, представлен неадекватно его роли в науке. В процессе выполнения виртуально-анимационных лабораторных работ обучающемуся открываются следующие возможности:

− безопасность от возможных опасных ситуаций во время эксперимента;

− возможность увидеть в разной степени сложности ситуации и процессы;

− возможность наблюдения за изменениями параметров объекта во время работы;

− экологически чистое выполнение сложных технических лабораторных работ;

− подведение итогов, исходя из данных диаграммы и графика;

Развитие и модернизация физического образования в общеобразовательных и высших учебных заведениях сегодня ведутся в нескольких направлениях. Появились программы, отличающиеся от друг друга по объёму, структуре и содержанию. Возросло число соответствующие учебников и методических пособий по физике. Все они предусматривают индивидуальное развитие мировоззрения будущих специалистов в области естественных наук, формирование их творческих способностей. На методику преподавания физики оказывают влияние современные информационные технологии, новые педагогические технологии и идея компьютеризации учебного процесса. Однако виртуальные лабораторные работы не могут полностью заменить реальную физическую лабораторию, они естественным образом их дополняют. Они не требуют большого времени на выполнение, поэтому могут предлагаться и в качестве дополнительного задания к реальным экспериментам на ту же тему.

II. Методологическая основа исследования.

Твердые тела при нагревании увеличивают свой объем, это явление называется тепловое расширение, то есть при повышении температуры увеличиваются средние расстояния между атомами кристалла твердого тела. Эту явлению можно определить экспериментальным методом. По конструкции прибор (установка) по определению коэффициента линейного расширения металлов представляет собой перфорированный стакан состоит из наполненной водой пробирки, нагревательной микропечки, микрометрического индикатора часового типа, закреплен винтом в обойме. Индикатор поворачиваться в горизонтальной плоскости вокруг вертикальной оси стойки на 90° вместе с кронштейном, на котором он закреплен. Образец (стержень металл) - 6 располагается между толкателем, индикатора и дном пробирки с водой. При нагревании микропечки образец расширяется и перемещает толкателем часового инди-

катора. Линейный расширение (удлинение) металл стержня фиксируется на шкале индикатора. На панели корпуса расположена индикаторная лампа и кнопочный выключатель для включения прибора [3].

III. Теория расширение твердого тела.

При нагревани тела с ростом температуры твердого тела происходит увеличение теплового движения, то есть тепловых колебаний атомов в твердом теле и рост амплитуды этих колебаний. Но увеличение амплитуды колебаний атомов не всегда приводит к увеличению среднего расстояния между ними. Если бы колебания атомов были строго гармоническими, то, поскольку, при этом каждый атом настолько же приближается к одному из своих соседей, насколько удаляется от другого, увеличение амплитуды его колебаний не приведет к изменению среднего межатомного расстояния, а следовательно, и к тепловому расширению. На самом деле атомы в кристаллической решетке совершают ангармонические (то есть негармонические) колебания. Это обусловлено характером зависимости сил взаимодействия атомов от расстояния между ними. Экпериментальным методом установлено, что свойства твердых тел определяются главным образом тем, что атомы располагаются в них в определенном порядке.

Очевидно, объем твердого тела (металл) определяется средним расстоянием между атомами. Повышение температуры приводит к увеличению этого расстояния.

Пуст твердого тело имеет начальную $l_0 -$длину при 0^0C температуре. Расширение на $\Delta l = l - l_0$ длины тела пропорционально к температуре:

$$\Delta l = \alpha \cdot l_0 \cdot t^0 C \qquad (1)$$

где, $\alpha -$коэффициент линейного теплового расширение твердого (металла) тела и характеризует $\frac{\Delta l}{l_0}-$относительную удлинению при повышении его температуры на 1^0K. Тогда удлинение тела при t^0C температуре равна:

$$l = l_0 + \Delta l = l_0(1 + \alpha \cdot t^0 C) \qquad (2)$$

Для анизотропных твердых тел (кристаллов) коэффициент линейного теплового расширения зависит от направления оси решетки, для изотропных (аморфных, таких как стекло, и поликристаллических, к которым принадлежат металлы) не зависит. Для твердых тел $\alpha -$коэффициент $(10^{-5} \div 10^{-6})K^{-1}$ в порядке [3, стр-327].

По идее реального эксперимента из уравнения (2) получаем выражение:

$$\alpha = \frac{l - l_0}{l_0 \cdot (T - T_0)} \qquad (3)$$

Из проведенного опыта измерив величины l_0, $l - l_0$, T, T_0, можно определит $\alpha -$коэффициент линейного теплового расширение твердого тела и его погрешности. При нагревании твердого тела на $\Delta l = l - l_0$- удлиняется, его можно измеряет с помощью специального микрометрического индикатора часового типа, в нем удлинения длина твердого тела выражается:

$$\Delta l = (l - l_0) = (n_2 - n_1) \cdot 0.01\ мм \qquad (5)$$

Из формулы (4) и (5) $\alpha -$ коэффициент линейного теплового расширение твердого тела:

$$\alpha = \frac{\Delta l}{l_0 \cdot (T - T_0)} = \frac{(n_2 - n_1) \cdot 0.01мм}{l_0 \cdot (T - T_0)} \qquad (6)$$

В этой экспериментальной модели l_0 с условиями его первоначальная длина (мм) при $T_0{}^0K$ температуре (металла + воды), T^0K температуры кипения ($T = 100^0C$), а n_1 и n_2 соответственно показания микрометрического индикатора часовго типа обеспечивающий для определения линейного удлинения твердого тела.,

III. Виртуальные лабораторные методы работы

Визуализация физических процессов и виртуальное обучение помогают решить проблемы изучения тяжело усваиваемых тем курса физики. Кроме этого, помогают правильному формированию мировоззрения о строении атома и вещества в целом, о реальной картине построения природы. В данной работе авторами усовершенствована методика проведения лабораторных работ по теме «Определение коэффициента линейного расширения металлов» – смоделирована с помощью специальной программы «Macromedia Flash8». Описание лабораторной работы было скачено из интернета по адресам: http://internat.msu.ru/, http://physicsffm.narod.ru [5], а сама лабораторная работа может выполняться в реальных условиях.

При выполнении данной работы в виртуальном виде мы можем увидеть виртуальный модуль, указанный на рисунке - 1, а также пробирки, используемые в процессе работы, образцы исследуемых металлов: алюминий, железо, латунь, медь, сталь. Выбираем любой образец металла, с помощью курсора перемещаем его в пробирку. Пробирка заполнена на 2/3 объема воды при комнатной температуре. Пробирку с испытуемым образцом металла нужно поместить в перфорированный стакан прибора. В поворотном кронштейне имеется вставленный индикатор удлинения часового типа. Показания индикатора удлинения часового типа можно изменять с помощью мышки, перекручивая циферблат в левую или правую стороны, таким образом можно получить значение $n_1 = 0$. В виртуальной модели в нагревательную печь мы поставили термометр, который показывает изменение конечной температуры T от начальной T_0. Положение включателя, расположенного на корпусе установки, переставляем с помощью мышки из положения "0" в положение "1". Лампочка, установленная на корпусе прибора загорается, соответственно, показания термометра повышаются, а показания индикатора удлинения часового типа расположенного на кронштейна увеличатся, т.е. изменяются в нарастающую сторону.



Рис.1.

Когда показания термометра доходят до температуру кипение *T*, нужно отключить прибор, т.е. переместить положение включателя на «0». В это время нужно записать показания удлинения индикатора часового типа и подставить значение n_2 в формулу (5), затем вычислить коэффициент линейного расширение соответствующего металла. Так как значение $n_1 = 0$, то можно без труда вычислить значение α.

Данная виртуальная лабораторная работа также может выполняться на английском, русском и казахском языках нажимая курсором соответствующую кнопки языка. Виртуальная лаборатория определяется коэффициентом линейного расширения металлов: на русском мед, латунь, алюминий, сталь, железо, (на казахском мыс, латунь, алюминий, болат, темір, на английском copper, brass, aluminium, steel, iron) в правом нижнем углу, пробирка наполненных водой, трубка, нижний левый угол для определения коэффициента линейного расширения. Соизмеримые с пониманием истинного цвета металлического прицела.

IV. Обсуждение и заключения

В результате исследования были обсуждены учебники, учебно-методические пособия и специальные программы в сети Интернет по программам средних общеобразовательных школ, профессионально-технических и высших учебных заведений, проведены научный анализ физических величин по курсам физики. Разработан новая виртуалная лабораторная работа по определению коэффициента линейного расширение металлов с помощью специальной программы Macromedia Flash8 и усовершенствована методика ее выполнения. В этой виртуальной лабораторной работе по "Определение коэффициента линейного расширения металлов" можно увидеть конструкцию нагревательного прибора, линейного расширения металлов для алюминия, железо, латунь, медь и сталь, кипение воды, анимацию процессов нагрева печи и перемещения стрелки микрометрического индикатора часового типа.

Литература

1. Государственная программа развития образования в РК на 2011-2020 годы.
2. Қазақстан мектебі 2008г. №6 "Эффективность информационных технологий"
3. Детлаф А.А., Б.М Яворский, Л.Б. Мильковская курс физики. II-том. Электричество и магнетизм. Учебное пособие для студентов ВУЗ-ов. - М: «Высшая школа», -1977. –С. 375
4. Сивухин, Д.В. Общий курс физики [Текст]. Т2. Термодинамика и молекулярная физика / Д.В. Сивухин. – изд. 3-е испр. и доп. –М.: «Наука», 1990. –С. 592.

РЕЗЮМЕ

Ушбу тадқиқотда, таълим мактаблари, касб-ҳунар ва олий ўқув юртлари учун физика курсининг дастурлари, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар таҳлил қилиниб, "металларнинг чизиқли кенгайиш коэффицентини аниқлаш" вертуал лаборатория иши модулятция қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данном исследовании проанализорованы программы, учебники и учебно-методические средства для образовательных школ, профессионально-технических и высших учебных заведений курса физики, была смодулирована виртуальная лабораторная работа «Определение коэффициента линейного расширения металлов».

SUMMARY

The author of the research analysed programs, textbooks and teaching materials of the physics course for educational schools, vocational and higher educational institutions of and a virtual laboratory work "Determining the coefficient of linear expansion of metals"was modulated.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ ШАКЛЛАРИ

Д.А.Сафин - *ўқитувчи*
Д.Х.Ерийгитов - *ўқитувчи*
Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, жисмоний маданият, меҳнат билан тарбия, камол топиш, ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик.

Ключевые слова: физическое воспитание, физическая культура, труд и воспитание, достигать совершенства, умственный, физический, нравственный, эстетический.

Key words: physical education, physical culture, labour and education,to reach perfection, mental, physical, moral, aesthetic.

Биз фойдаланадиган тушунчалар муайян тарихий даврда пайдо бўлган. Бу тушунчаларнинг ҳажми ва мазмуни ўзгариб келган, ўзгараверади ҳам, жисмоний тарбия тўғрисида бизнинг билимларимиз бойиб борган сари, амалиёт ривожланган сари улар чуқурлашиб аниқроқ бўлиб бораверади. Нима учун юқорига санаб ўтилган тушунчалар асосий тушунча дейилади-ю, бошқалари масалан, жисмоний машқ спорт тушунчалари асосий тушунча ҳисобланмайди? Тегишли амалиётни тўғри акс эттирадиган барча тушунчалар ўзининг аҳамияти жиҳатидан бирдек муҳимдир, булар тўғрисида қуйида фикр юритилади. Бу ерда бўлса, жисмоний тарбиянинг асосий, энг муҳими белгилари, умумлаштириб кўрсатилган тушунчаларгина олинган, холос. Агар асосий тушунчалар тўғри аниқланган, тўғри тушунилган бўлса, у ҳолда жисмоний тарбия фани назариясига тааллуқли бўлган бошқа ҳамма тушунчаларни тўғри белгилаш ва изоҳлаш учун асос бор. Биз асосий тушунчаларни баён этишнинг бундай изчиллигини тасодифан танлаб олганимиз йўқ, бундай изчилликни кейинги бобларда жисмоний тарбия назариясининг ўз мантиқи белгилаб беради.

Жисмоний ривожланиш турмуш шароитининг, хусусан, тарбиянинг таъсирида киши организми биологик формалари ва функцияларининг вужудга келиш, ўзгариш жараёнидир. Жисмоний ривожланиш табиатнинг объектив қонунларига: функция ва структура ўзгаришларининг бир-бирини тақозо этиш қонунига, организмда аста-секин миқдор ва сифат ўзгаришлари ва бошқа қонунларга бўйсунади. Инсон жисмоний ривожининг ана шу ва бошқа объектив табиат қонунлари ўзининг намоён бўлиши ҳамиша ижтимой шароитга боғлиқдир. Уларнинг намоён бўлишидаги ҳаракат доираси ва формаси кишилар моддий ҳаётининг конкрет тарихий шарт-шароитлари, ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунлари билан белгиланади.

Киши муайян фаолиятга тайёрланиш учун ўзининг қобилиятини ривожлантириш мақсадида жисмоний машқларни онгли равишда қўллаган тақдирдагина биз чинакам жисмоний тарбия тўғрисида гапиришимиз мумкин.

Жамият моддий ҳаёт шароитлари, жумладан, ов жисмоний тарбия вужудга келишининг объектив сабаби бўлган.

Инсоннинг ижтимоий онги ривож топганлигини жисмоний тарбиянинг вужудга келишидаги субъектив омил деб ҳисоблаш керак. Одам ҳайвондан шу билан фарқ қиладики, унинг ҳаёт фаолияти онглидир, унинг характерида маъно, мақсад бор. Инсон ўз тажрибасини бировга беришнинг ижтимоий усулидан фойдаланади,

бу тажриба тўплашнинг ижтимоий жараёнини тезлаштиради. Янги авлод ўзидан аввалги авлоддан ўрганган бўлиб, уларнинг ўртасида билимларини, маҳорат ва малакаларини ўргатишдан иборат алоқа ва доимийлик ўрнатилади.

Шундай қилиб, жисмоний тарбия инсоний жамият қарор топиши билан вужудга келди. Ҳаракат тажрибасини авлоддан авлодга бериш ва инсон жисмоний ривожининг мақсадга қаратилган таъсири жамиятнинг кун кечириш ва ўз ривожининг сўзсиз омили сифатида жамиятнинг энг дастлабки даврида характерлидир. Жисмоний тарбия инсоннинг табиатини ўзлаштиришга қаратилган ҳаёти ва фаолиятининг кечишидаги адабий табиий шарт-шароит сифатида муҳим восита бўлади. Жисмоний тарбиясиз авлодларнинг алмашиши давомида прогрессив тажриба тўпланишини тасаввур қилиб ҳам бўлмасди.

Жисмоний тарбиянинг **ижтимоий вазифаси –** инсоннинг сиҳат-саломатлигини яхшилашга, унинг жисмоний камол топишига, ҳар тарафлама ривожланишига қаратилган ва у меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёргарлик воситаси сифатида хизмат қилади.

Жисмоний тарбия тарбиянинг бошқа воситалари (ахлоқий, эстетик, ақлий, меҳнат) билан объектив равишда боғлиқдир. Тарбиянинг бошқа барча турларидаги сингари жисмоний тарбия жараёнида ҳам бир қанча муштарак педагогик вазифалар ҳал этилади.

Тарбиянинг ҳар хил турларини қарама-қарши қўйиб, уларни бир-бирларидан ажратиб бўлмайди. Шу билан бирга жисмоний тарбияни тарбиянинг мустақил тури сифатида ўзига хос хусусиятини назар-писанд қилмаслик мумкин эмас. Жисмоний тарбиянинг бошқа турлари инкор қилинган тақдирда, тарбиянинг бошқа турлари билан унинг муштарак белгилари ҳақидагина гапириб, кўпинча жисмоний тарбияни алоҳида ажратишнинг ғайри қонунийлиги тўғрисида фикр пайдо бўлади, жисмоний тарбия ўзи эскириб қолган термин, унда гўё инсон ҳақидаги дуалистик концептция акси бор ҳисоблайдилар.

Жисмоний тарбияда жисмоний камолот билан педагогик фаолият ўзаро алоқада бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, жисмоний камолот объектив табиий қонунларга мувофиқ бўлади, муайян ижтимоий мақсадларга эришиш учун ана шу камолотни яхшилашга қаратилган педагогик фаолият ҳам бунга таъсир ўтказади. Жисмоний тараққиётнинг объектив қонунларини эгаллаш билан бирга демократик жамият эҳтиёжларига мувофиқ равишда жисмоний тарбия ёрдамида инсон жисмоний тараққётини бошқаришни ўргатиш зарур.

Жисмоний тарбияда яхлит педагогик жараён сифатида ҳамиша ҳам тарбиявий, ҳам таълимий элементлар бўлади. Бу элементлар қўйилган вазифага қараб ҳар бири алоҳида ҳолда турлича бўлади.

Жисмоний тарбияда жисмоний тараққиёт қонунлари ҳам, аслини олганда жисмоний тарбиянинг ижтимоий қонунлари ҳам акс этади. Жисмоний тарбиянинг ижтимоий қонунларидан фойдаланиш характери ва усули аслида жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тузумидан келиб чиқади. Бу жисмоний тарбияга ижтимоий характер беради.

Жисмоний тарбия - бу умумий маданиятнинг бир қисми, халқ жисмоний баркамоллиги махсус воситаларини яратиш ҳамда фойдаланиш ишини жамият эришган муаффақиятларнинг йиғиндисидир. Сиҳат-саломатлик даражаси, жисмоний қобилиятларнинг ҳар тарафлама ривожланиши, спорт маҳорати ва кишиларнинг кундалик ҳаётига жисмоний тарбия воситаларининг сингиб кетиши ва ана шу эришилган муваффақиятларга жисмоний тарбия ва вазифаларни ҳал этиш билан бевосита боғлиқ бўлган жамият ҳаётида пайдо бўлиб, ривожланадиган нарсаларнинг ҳаммасини ҳам киритиш керак. Шу жиҳатдан қараганда, жисмоний тарбияни амалга оширишга ҳамда унга раҳбарлик қилишга даъват этилган жисмоний тарбия тизими, махсус илмий ташкилотлар (спорт иншоотлари,ашёлари ва бошқалар) муҳим кўрсаткич бўлади.

Жисмоний тарбиянинг мазмунида ўткинчи бўлмаган, умум башарий аҳамиятига эга элементлар бор (жисмоний тарбия воситалари, айрим илмий ва техникавий муваффақиятлар ва ҳоказолар). Улар ижтимоий жисмоний тарбия томонидан қабул қилинади, танқидий қайта ишлаб чиқилади ва ривожлантирилади. Ижтимоий жисмоний тарбия ўзига йўллар билан ривожлана боради, лекин шу билан бирга бошқа халқлардан жамики яхши нарсаларни қабул қилиб олади, ўз навбатида эса, уларнинг жисмоний тарбиясини бойитади.

Шундай қилиб, жисмоний тарбия шундай ижтимоий ҳодисаки, у жисмоний тарбия соҳасида ижтимоий тарихий практика жараёнида тўпланган муваффақиятларнинг ҳаммасини ўз ичига олади. Жисмоний тарбия эришган муваффақиятлар жамият ҳаётида актив роль ўйнайди. Бу муваффақиятлар кишиларни жисмоний ва маънавий тарбиялаш воситалари сифатида фойдаланилади.

Жисмоний тарбия назариясининг юқорида баён этилган асосий тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлангандир, чунки ушбу тушунчаларда акс эттирилаётган ҳодисалар ўртасида объектив ички алоқа бор. Бинобарин, бу тушунчаларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, метафизикчасига бир-биридан ажратиб ташлаш мумкин эмас. Айни пайтда уларни аниқ фарқлаш керак, чунки уларнинг ҳар бири ҳар хил ҳодисаларни акс эттиради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тугриси”да Қонуни (Янги таҳрири). / «Халқ сўзи» 21июн 2000 йил.

2. Каримов И.А “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”да Қарори. «Ишонч» 29 май 1999 йил.

6. Ахмедов Ф.Қ. Ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўргатиш йўллари. –Тошкент: 2009.

8. Атоев А., Носиров М. Жисмоний тарбия ва шахсни ахлоқий тарбиялаш. –Тошкент: 1997.

9. Насриддинов Ф.Н. Косимов А.Ш. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. И тўплам .-Тошкент: 1998.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбияси шакллари кишиларнинг ижтимоий хаёт шароитлари жисмоний ривожланишда хал қилувчи ахамиятга эгадир.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы физической формы учащихся начальных классов, и подчёркивается, что социальные условия жизни людей имеют решающее значение в физическом развитии.

SUMMARY

The article deals with the issues of the physical form of primary school students and it is emphasized that the social conditions of life of people are crucial in physical development.

ФУТБОЛЧИНИНГ МОДЕЛИ - УНИНГ ТАКТИКАСИ СИФАТИДА

Х.А.Сафоев – *ўқитувчи*
Бухоро мухандислик - технология институти

Таянч сўзлар: тайёргарлик турлари, футболчининг маҳорати, тўпни бошқариш, финтлар, тизимли ёндашув, субъектив усул.
Ключевые слова: тип подготовки, навыки игрока, контроль мяча, винты, системный подход, субъективный метод.
Key words: type of preparation, player skills, ball control, screws, systematic approach, subjective method.

